

К. Қ. МАМЕДОВ, Ғ. Б. ШОУМАРОВ

АҚИ ЗАИФ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

ТОШКЕНТ — "ЎҚИТУВЧИ" — 1994

Тақривчилар

Ғозиев Э.Г. психология фанлари доктори, профессор
Бердиев Г.Ж. Низомий номи ТДПИ ўқитувчиси

Ушбу қўлланмада ақли заиф болалар психологияси фанининг умумий масалалари, ақли заифлик муаммоси, ақли заиф болалар психикасининг ривожланиш ҳолатлари, очиб берилади. Ақли заиф болаларнинг билеш жараёнларининг ўзига хос томонлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Ҳамда, ақли заиф болалар шахсининг шаклланишига оид назарий bilimлар баён этилади. Қўлланмада ўзига хос дифференциал диагностика аҳамиятига эга бўлган маълумотлар ҳам урин олган. Қўлланма дефектология факультети талабаларига, ҳамда ёрдамчи мактабларнинг ходимларига мўлжалланган.

Дунёда бениҳоя оғиза, маҳсус парварништа муҳтож бўлиб туғилгани ва қисқа вақтда жонли мавжудот ичида энг иқори чўққига чиқа оладиган, барча нарсаларга ўз ҳукмини ўтказадиган, табиат қонунларидан фойдаланган ҳолда уни ҳам ўз муҳофазасига оладиган, онтогенетик тараққиёт бооқиғида қисқа вақтда мислсиз катта йўлни босиб ўтадиган қудратга эга бўлган-инсон боласидир. Унинг куч-қудрати ақлидандир.

Ҳар бир давлат, жамият тараққиёти, унинг истиқболи шу давлат, мамлакатда яшовчи фуқароларнинг ақлий савияси билан белгиланади. Шу сабабли кўпгина тараққий этган давлатлар ақлли, илрокли, иқтидорли, маълумотли, қобилиятли, талантли кишиларни ўзга мамлакатлардан ўз давлатига олиб келиш чораларини кўришган. Ақшнинг ҳозирги кундаги тараққиёт даражасига етишида ҳам бу етакчи омиллардан бирини ташкил этади.

Жамият фён ва техникасининг ривожланишида ақл муҳим омил ва мезонлардан бири бўлоа, ҳар бир халқнинг маънавийат жиҳатдан бойлигини, ахлоқан иқсак поғонада эканлигини, инсонпарварлигини, фуқаролари робот эмас, балки тулақонли чин инсон эканлигини аниқловчи мезонлардан бири-ларнинг ногиронларга ва шу жўмадан турли сабабларга кўра ақли заиф бўлиб қолган болаларга мўчосабати, диққат эътиборидир.

Бу халқ мақолларида, ҳадисларида, диний ва ўзга ривоятларда етарли даражада ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳам тарихан бўж ақл, тафаккур эгалари бўлган Ибн Сино, Мирзо Улўғбек, Ад-Хоразмий ва бошқалар билан оламга машҳур бўлган ва келажақда ҳам тараққий этган мамлакатлар ичида ўз ўрнини топа олишга барча имкониятлари мавжуд бўлган мустақил Ўзбекистонда, ортобошимиз, ҳукуматимиз соғлом авлодни вояга келтириш ва шакллантиришга алоҳида эътибор бераёпти. Бунинг қаллили сифатида "Соғлом авлод учун" давлат даотури, уни бошқариш, бажариш учун ҳукумат томонидан катта маблағларнинг ажратилиши, "Соғлом авлод учун" орденининг жорий қилиниши, "Улўғбек", "Болалик", "Экосан" ва бошқа жамғармаларнинг ташкил этилишини кўрсатиш мўмкин. Иқоридаги жамғармалар, даотурларнинг юзага келишида муҳим омиллардан бири ақли заифлик муаммосидир. Бу муаммо йил сайин нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг барча мамлакатларида долзарблашиб бораёпти.

ти. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра дунёда ақли заифлар аҳолининг 3 % ини, сон жиҳатдан 100 миллиондан ортиқ кишини, мустакил давлатлар ҳамдўстлигида 9 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Бундай

нўсонлиларни эрта ёшлигидан аниқлаш, педагогик назоратсиз қолган болалардан ёки руҳий ривожланиши сустлашган болалардан ажратиб билиш мутахассислар олдида турган энг маъсулиятли ва мураккаб вазифалардан биридир. Аммо, ақли заиф болалар, уларнинг турлари, руҳий ривожланишининг ўзига хос хўсўсиятлари, билиш жараёнлари ва шахс сифатлари ҳақида ҳозирги кўн талабига жавоб берадиган махўс адабиётларнинг йўқлиги бў соҳадаги мутахассисларни тейёрлашга салбий таъсир қиланпти. Ўзбек тилида ўқув қўлланма, ёки царолик талабига жавоб берадиган бирорта адабиёт йўқ. Рус тилида чоп этилган адабиётлар ҳам махўс психология дастуридаги барча масалаларни ўз ичига қамраб ололмаган.

Қўридагиларни инобатга олган ҳолда, муаллифлар биринчи бор ўзбек тилида махўс психологиянинг тармоғи бўлган ақли заиф болалар психологияси бўйича дефектология факультети талабалари, ёрдамчи мактабларнинг ўқитувчи ва тарбиячилари ўчун ўқув қўлланма тейёрлади ва уни Сиз китобхоннинг мулоҳазали диққатига ҳавола этадилар.

Муаллифлар.

АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ
МАСАЛАЛАРИ

І БҮЛІМ. Ақли заиф болалар психологияси
фанининг мавзу баҳон мақоади уодублари
ва вазифадари

Психология фанининг мавзу баҳон умуман руҳиятнинг, хусуоан инсон руҳиятининг намоён бўлиши, ривожланишни ўрганувчи ооҳадир. Психология онгли субъект-инсоннинг ички дунёсини ўрганади.

Психология атамаси "психе" – қалб, "логос" – уқиш, оуэ маъносини билдиради. Аммо, бу кшоқа жумла инсон руҳияти ҳақида етарли маълумот бермайди. Психология фанининг мавзу баҳонини руҳиятнинг тулароқ тасаввур қилиш учун руҳий жараёнларнинг кечиш моҳиятини, ички кечинмаларнинг (сезгилар, фикрлар, ҳисовётлар) намоён бўлиш қонуниятларини тушуниш лозим. Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти давомида эришилган ютуқларни эолоб ўтишимиз даркор. Биз оуэ юритмоқчи бўлган ооҳ-ақли заиф болалар психологияси, махоус психологиянинг бир тармоғи бўлиб, ақлий жихатдан турли даражада мёзёрдан четлашган бола ва ўқувчиларнинг руҳий қонуниятларини ўрганади. Махус психология-нуқсонли болаларнинг руҳий қонуниятларини ўрганувчи фан бўлиб, қуйидаги қиомлардан иборат:

1. Ақли заиф болалар психологияси,
2. Қулоғи қарлар ва заиф эшитувчи болалар психологияси,
3. Кузи қур ва заиф қурувчи болалар психологияси,
4. Турли даражада нутқлари бузилган болалар психологияси,
5. Мураккаб нуқсонли болалар психологияси.

Нуқсонли болалар ичида ақли заиф болалар руҳияти нисбатан мукамал ўрганилган тармоғидир. Аммо, бу тармоқ ҳам нормал болалар руҳиятига нисбатан бирмунча кенг, атрофлича ўрганилмаган.

Маълумки, ҳар бир фан ўзининг юзага келиш, ривожланиш, тараққий қилиш тарихига, қонуниятларига эга. Шу оингари ақли заиф болалар психологияси фани ҳам маълум ривожланиш тарихига эга. Ақли заиф болаларни ўрганишнинг мумкинлиги ва зарурлиги, уларни ўқитиш, тарбиялаш кераклиги табиёт, хусуоан психиатриянинг ривож билан узвий боғлиқ. ХУШ аор оҳирлари, XIX аор бошлаида ақли заиф болаларни даволаш, тарбиялаш, ўқитишга оид маълум илмий қарашлар юзага қедди ва шакллана бошлади. Шунинг

эолатиб утай хонзки, ақли заифлар таълим-тарбиянои масалалари даот-лаб, жоосан нуқоони оғир даражадаги болалар устида бошланган. Ниобатан энгил даражадаги ақли заиф болаларни урганиш, даволаш, тарбиялаш бирмунча кейинроқ, XIX аорнинг 2- ярмидан кейин юзага келди. 1858 йилда руо педагогик адабиётларида Н.А.Добролюбоб томонидан ақли заиф боланинг ўзига хоо хуоуоиятлари очиб берилди. Унинг кўроатишича, фаолликнинг паотлиги, секин адрок қилиш, куруқ ёдлашнинг устунлиги, бир хилдаги ҳаракатлар.. янги шароитларга ёмон мослашиш, билимларини тўғри ишлата олмаолик ақли заиф бола-ларга хоо хуоуоиятлар экан.

XIX аор 2- ярми XX аор бошларида Россияда ақли заиф болалар-ни урганувчи, даволувчи, тарбияловчи, билим берувчи қатор даволаш, тарбиялаш муассосалари очила бошланди. (Рига, Петербург, Москва, Киев шаҳарларида) 1910 йилда Москвада ажа-сингил Поостовокийлар бошлангич билим юрти қошида ақли заиф болалар учун ёрдамчи синфлар очдилар. Ҳамда болаларни урганиш учун экспериментал психологик кабинет ташкил қилдилар. 1911 йилда шифокор-психиатр, профессор Г.И.Россолимо Москвада болалар психологиянои ва невропатологияси инотитутини очди. Бу ерда ақли заиф болалар психикаоининг ўзига хоо томонлари урганила бошланди. 1920 йиллардан бошлаб махсуо психология, хуоуоан ақли заиф болалар психологияси мустақил фан сифатида маориф тизимиага киритилди. Шу даврдан бошлаббу муаммо давлат аҳамиятиага эга бўлган ишлар тизимиага киритилиб, алоҳида эътибор бериле бошланди. 1925 йилда Мооквада экспериментал дефекто-логик институт ташкил этилди. Л.С.Виготский (1896-1934) раҳбарли-гида мунтазам, изчил ақли заиф болаларни урганиш бошлаб юборилди. Етук психолог Л.С.Виготский махсуо психология соҳаоида жуда катта назарий мерос қолдирди. Ҳамда, ҳақли равишда олигофренопсихология-нинг асосчиси ҳисобланади. 1935 йилдан ақли заиф болалар руҳияти-ни урганувчи лабораторияни Л.В.Занков бошқара бошлади. 1943 йилда мавжуд бўлган экспериментал дефектологик институт Дефектология илмий текшириш инотитутига айлантйрилди. Институтга Т.А.Влаоова 1985 йилга қадар раҳбарлик қилди.

Мемлекатимиз ва илгор чет эл дефектологларининг назарий тек-ширишлари, ҳамда ёрдамчи мактаб илгор тажрибларининг кўроатишича, ақли заиф болалар махсуо таълим шароитида потенциал ривожланиш имкониятларига эга бўлар экан. Ақли заиф болаларнинг руҳий тарақ-қиёт хуоуоиятлари, ривожланиш боокичлари, ҳамда уларнинг билим эгаллаш хуоуоиятларини билмаолик , дефектологлар учун кундалик

ишларида катта қийинчилик, тушунмовчиликларга олиб келади.

Олигофренопсихология бошқа фанлар сингари турли фанлар билан узвий боғлиқ. Олигофренопедагогика, психиатрия, физиология, логопедия, умумий ва болалар психологияси ва бошқа фанлар шулар жумласига киради. Ақли заиф болалар рухиятининг узига хоолиги ҳозирги замон илмий фан ютуқларининг натижалари билан боғлаб урганилади. Нормал ва нуқсонли бола тараққиёти умумий, ягона қонуниятлар асосида кечишини ҳисобга олоак, нормал болалар психологияси фани ақли заиф болалар психологияси учун илмий асос ролини утайди. Аммо, ақли заиф болалар тараққиёти узига хоо йуоинда амалга ошади. Умумий ва ижтимоий психология маълумотларига асосланиб, ақли заиф болалар психологияси иш юритади. Ақли заиф болалар психологияси ёш даврлари психологияси ютуқларига ҳам оуянади. Қайои ёшда, қайои руҳий ҳолатлар, қай даражада уошшини, ривожланишини билиб иш юритади. Педагогик психология ҳам ақли заиф болалар психологияси учун етарли маълумотлар беради.

Ижтимоий ва биологик омиллар бирлиги назариясини очиб берад экан, ақли заиф болалар психологияси олигофрения клиникаси, невропатология, физиология фанларининг ютуқларига асосланади.

Олигофрения клиникаси ақли заифликнинг этиологиясини очиб беришга ёрдам беради. Невропатология ақли заиф болалар марказий асос тизимининг анатомик ва органик бузилишлари ҳақида билим беради. Физиология асос, марказий асос тизимининг функционал бузилишлари ҳақида ахборот беради. Буларнинг барчаси ақли заиф бола рухиятининг нуқсонли ҳақидаги билимларимизни янада кенгайтиради. Ақли заиф болалар психологияси, марказий асос тизимининг эгилувчанлиги ҳақидаги И.П.Павловнинг физиологик таълимотига асосланади. Соғлом қолган марказий асос тизимининг айрим қисмлари мақоим ривожланиши, компенсация қилиниши ақли заиф болалар тараққиётидаги ютуқлардандир. Ақли заиф болалар психологияси психиатрия ютуқларидан ҳам тула фойдаланади. Г.Е.Сухарева, М.С.Певзнер ақли заиф болаларни клиник урганиш ишларига жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар томонидан ақли заиф болалар этиологияси, патогенези, даволаш ишлари, касаллик натижалари, кеоалликнинг иккиламчи асосатлари атрофлича урганилди. Ақли заиф болаларнинг узига хоо хуоуоятлари очиб берилди, уларнинг тараққиёт динамикаси урганилди. Ақли заифларга хос, ухшаш томонлар урганилиб баён этилди. Психиатр, педагоглар томонидан ҳамкорликда текширишлар олиб бориш натижасида ақли заифликни педагогик, психологик диагностика-

ка қилиш мезонлари яратилди. Айниқса, ақли заиф болалар психологияси олигофренопедагогика фани билан узвий боғлиқ. Ақли заифлик сабаблари, даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, ақлий тараққиёт давом этади. Ҳатто, касаллик оғирлашиб борганда ҳам. Бош миё зарарланган даражаларига кўра тараққиёт давом этади. Ақли заиф болалар психологияси фанининг тузилиши қуйидагича:

Биринчи қисмда умумий психологияда бўлмаган маълумотлар жойлашган. Бунда "ақли заифлик" тушунчаси, ақли заиф болалар руҳиятининг ривожланиш хуоусиятлари, ёрдамчи мактаб ўқувчилар таркиби, ақли заиф болалар марказий асаб тизимининг касалликлари, ақли заиф болаларни экспериментал-психологик текшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар баён этилади. Иккинчи қисмда ақли заиф болалар билан жараёнларининг ўзига хос хуоусиятлари очиб берилади. Учинчи қисмда ақли заиф болалар шахси, унинг шаклланиш хуоусиятлари ҳақидаги билимлар ўрин олган.

Кейинги йилларда ақли заиф болалар руҳиятининг ривожига оид тасаввурлар янги маълумотлар билан бойида. С.Л.Рубинштейннинг ёзяиича, "орган тузилиши билан, унинг функцияси орасидаги боғлиқлик бир томонлама эмас, функция орган тузилишига боғлиқ бўлиб қолмаодан, балки орган тузилиши ҳам унинг функциясига боғлиқ".

Ақли заиф болалар психологияси фанининг мақсад ва вазифалари шу тоифа болаларнинг руҳий хуоусиятлари ҳақидаги билимлар билан олигофренопедагогларни қуроллантиришдан иборат. Ақли заиф болалар таълим-тарбиясини, коррекциясини тўғри ташкил қилиш учун бу болаларнинг хуоусиятлари ҳақидаги билимлар жуда зарур. Ақли заиф болалар психологияси маълумотлари олигофренопедагогларда диалектик-материалистик дунёқарашнинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга. Психик жараёнларни илмий жиҳатдан тўғри тушуниб етиш, шахснинг баркамол шаклланишида алоҳида эътиборга лойиқ.

Фанининг уолублари ҳақида ҳам бироз тухталиб ўтсак. Уолублар деганда нимани тушунамиз? Аслида, уолубларни турли маъноларда тушуниш мумкин. Турли фанларда мужассамлашган назарий, амалий билимларни ўқувчилар онгига етказишнинг у ёки бу йўлини ҳам уолублар деб тушуниш мумкин. Бу ерда эва, ҳар-бир фанининг шу фанга оид билимларни йиғиш, туплаш йуллари тушунилади. Ақли заиф болаларнинг шахсий хуоусиятлари, руҳий жараёнларининг ўзига хоолиги, билим эгаллаш имкониятлари ҳақидаги олигофренопедагоглар учун зарур бўлган маълумотлар қуйидаги уолублар орқали йиғилади. Буларга кузатиш, тажриба, суҳбат, анкета, теот, ўқувчилар фаолият

натижаларини таҳлил қилиш ва бошқа услублар киради. Кисқача ҳар бир услуб ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Кузатиш—энг асосий услублардан бўлиб, у орқали жуда кўп ва оифатли психологик маълумотлар йиғилади. Аммо, ҳар қандай кузатиш орқали керакли маълумотлар олинмайди. Тегашли, зарур маълумотларни йиғиш, аниқ мақсад асосидаги, изчил кузатишни талаб қилади. Бу услубнинг асосий ютуғи шундаки, кузатиш табиий шароитда текширилувчи билмаган ҳолда амалга оширилади. Бунинг оқибатида текширилувчи ҳеч нарсадан тортинмаган ҳолда ўзини намоён қилади. Аммо, бу услубнинг ҳам ўзига хос қамчилиги бор. Бу қамчилик шундан иборатки, текширувчи учун керак бўлган пойхик жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тез қўлга киритилмайди. Кўп вақт талаб қилиши мумкин. Лекин кузатиш муддати ортган сари олинаётган маълумотлар кўпайиб боради. Узоқ муддатли кузатишлар турли ёшдаги болаларнинг нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, қизиқишлар, характер : ҳислатлари, қобилиятларини текшириш вақтларида олиб борилади. Бундай узоқ муддатли текшириш натижалари махсуо кундаликларда қайд этиб борилади. Кузатиш вақтларида болаларнинг оғлигини, кайфиятини, ўзини ҳис қилишини, чарчаганлик даражасини инобатга олиш талаб эгилади.

Психологик маълумотлар йиғишда тажриба услуби кенг қўлланилади. Бу услубнинг қулайлиги шундан иборатки, тажриба ўтказувчи учун керак бўлган руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар қисқа муддатларда қўлга киритилади. Бу услубнинг афзаллиги ҳам шунда. Аммо, тажриба вақтида текширилувчи бола ҳар доим ҳам ўзини эркин тутмайди. Бола ийманиб, уялиб, тортаниб туради. Бунинг натижасида бола ўзини тула намоён этмайди. Бола ўзининг уютада текшириш олиб борилаётганлигини билгани учун ҳам, текширувчи учун керакли руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар юзакироқ, сунъийроқ, ёки бўлмаса, тулиқ бўлмаслиги мумкин. Тажриба услуби ўз навбатида табиий ва лаборатория тажрибалари турларига бўлинади.

Психологик маълумотлар суҳбат услуби орқали ҳам йиғилади. Бола билан суҳбат қилиш жараёнида тажриба ўтказувчи учун керак бўлган маълумотлар йиғиб борилади.

Анкета услубининг моҳияти шундан иборатки, керакли маълумотлар болаларга маълум саволларни ўз ичига олган анкеталар тарқатиш орқали олинади. Болалар қисқа муддатда жавоб берадилар. Анкеталар тарқатиш маълумотлар йиғишнинг афзаллиги, ютуғи шундаки, қисқа муддатда жуда кўп болаларни текшириш мумкин.

Шуни қайд этиш ўринлики, кейинги йилларда теот улуоби кенг қўлланила бошланди. "Теот" инглизча оўз бўлиб "текшириш", "оинаш" маъноларини билдиради. Махоуо топшириқлар тизимидан иборат бўлган экспериментал текширишдир. Теот улуоби чет элларда айниқоа кенг қўлланилади. Бу улуобнинг афзаллиги шундаки, қисқа вақтда, оммавий тарзда жуда кўп текширидувчиларни текширувдан ўтказиш мумкин. Олинган маълумотларни математик таҳлил қилиш мумкин. Теот улуобини қўллаш учун алоҳида, махоуо шароитлар, техника жиҳозлари ҳар доим ҳам талаб этилмаганлиги оабабли, бу улуобни қўллаш бирмунча осон кечади. Тестлар мазмунига, тузилиш шаклига кўра: индивидуал, гуруҳли, ҳаракат, ҳамда интеллектуал, қобилият ва бошқа турларга ажратилади.

Олигофренопсихология фани улуобларига юқоридагилар билан бирга бола ва ўқувчилар ижодий фаолият маҳоулотларини психологик таҳлил қилиш ҳам киради. Асосий эътиборни фақатгина меҳнат маҳоулотларини таҳлил қилишга қаратмаодан, шу билан бирга фаолиятни ҳам кузаташ даркор. Меҳнат натижаларига қандай эришганлигини ҳам аниқлаш талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, жуда кўп ҳолларда алоҳида бир улуоб қўлланиб қолинмаодан, балки бир нечта улуоблардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай ҳолат олинган маълумотларнинг янада ишончли, объектив бўлишига хизмат қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалар психологияои фанининг мавзу баҳои нимадан иборат?
2. Ақли заиф болалар психологияоининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ақли заиф болалар психологияои қайои услублардан фойдаланади?
4. Бу фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги қандай аҳамиятга эга?
5. Ақли заиф болалар психологияои фанининг дефектологлар тайёрлашдаги аҳамияти ҳақида гапириб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтвенно ототалого школьника. М., 1970., 1979, 1986, 3-6бетлар
2. Шиф.Ж.И. Особенности умтвенного развития учашихоя вопомогательной школы. М., 1965, 3-19 бетлар.

3. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка. М., 1985, 5-8 бетлар.

4. Айтметова С. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари. Т., 1984, 5-18 бетлар.

І Б Ү Д И М . Ақли заифлик муаммоси ва ақли заиф болалар руҳиятининг ривожланиш хусусиятлари

Ақли заифлик тушунчасини тўғри тушунишнинг амалий ва назарий аҳамияти жуда катта. Назарий аҳамияти – болалардаги нуқсонли руҳий тараққиётнинг моҳиятини чуқурроқ билиш учун зарур. Фаннинг ноаниқлиги, конкрет эмаслиги кўп ҳолларда турли хатоликларга олиб келади. Шу сабабли, ақли заифликни тўлақ, тўғри тушуниш керак. Бу нарса ўтказилаётган илмий-тажриба ишларининг ҳам нотўғри йўлга тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. "Ақли заиф"ликка тўғри таъриф, тушунча бериш, унинг сабабларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Бунинг амалий аҳамияти янада каттадир. Ақли заиф болалар учун махсус ўқув-тарбия муассосалари мавжуд. Барча ақли заиф болалар ёрдамчи мактабларда таълим олишлари керак. Ақли заиф болаларни тўғри аниқлаш, уларнинг бутун ҳаётини белгиләб беришини инobatга олиб, жуда эҳтиёткорлик билан ишлаш керак. Ақли заифликни тўғри аниқлаш атрофдаги амалга оширилади. Агар бола ақли заиф бўлмай, маълум хусусиятлари билан уларга ўхшаоа ҳам уларни ақли заиф дея олмаймиз. Бу ерда боланинг турли анализаторларининг нуқсонлари асосида ҳам билим савиялари пасайган бўлиши мумкин. Айниқ-ова, ақлий нормал болани янглишиб ақли заиф деб худосалаш асосида ота-оналарга, боллага, атрофдаги қариндошларга жуда катта маънавий жароҳат етказишимиз мумкин. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, ақли заифларни ўқитиш-тарбиялаш давлатга бирмунча қимматга тушади. Нормал боланинг ақли заиф, ёки аксинча бўлиши қатор оқибатларга олиб келади. Ақли заифлик сабаблари турли-туман бўлиши мумкин. Бош миyaning турли касалликлар билан касалланиши, турли жароҳатлар билан бирга миyaning яхши ривожланмаолиги асосида ҳам ақли заифлик келиб чиқиши мумкин. Ақли заиф бўлиш учун 2 та омил барга келиши керак. Булардан бири – марказий аоаб тизимининг органик бузилиши, ҳамда шунинг оқибатида бола билан фаоилитининг турғун пасайиши ўз берган бўлоғина ақли заиф деб эътироф этиш мумкин.

Ҳеётда ақли заифларга ўхшаган болаларни учратиш мумкин. Аммо, уларда билиш даражаи паот бўлоада, бош миада органик жароҳатнинг йўқлиги болага ақли заиф дейишимизга имкон бермайди.

Эшитиш қобилияти турли сабабларга кўра ниобатан пасайган, нутқ кэмчилиги борлар, кўриш даражалари заифлар, касалликлари оурункали давом этувчи болаларнинг билам эгаллаш хуоуоиятлари, даражалари ўзларининг нормал ҳисобланган тенгдошларидан ниобатан орқада қоладилар. Аммо, бундай болаларни бизлар ақли заиф дея олмаймиз. Чунки, уларнинг билиш феолиятлари турғун пасаймаган. Улар билан тегишли шароитларда таълим-тарбия ишлари олиб борилоа, улардаги билиш кэмчиликлари тугатилиб ўзларининг нормал тенгдошлариникига етиб олишга имкон яратилади. Баъзан ота-оналарининг маълумотлари паот бўлган оилалардаги болаларнинг билим даражалари, ота-оналарининг маълумот даражалари юқори бўлган оилалардаги болалардан бирмунча фарқ қиладилар. Бундай ҳолларда баъзан кўпчиликда нотўғри теосавурлар пайдо бўлиши мумкин. Тарбияи яхши ташкил қилинмаган болалар ҳам баъзан турли хато худосаларга олиб келиши мумкин. Аммо, бундай болаларда ҳам асосий белгилар бош мианинг органик бузилиши ва билиш жараёнларининг турғун пасайиши учрамайди. Шу сабабли бундай болаларни ҳам биз ақли заиф дея олмаймиз.

Лекин, шуни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлики, ҳар қандай бош мианинг органик бузилишлари ақли заифликка олиб келавермайди. Ақли заифлик тушунчаи бирмунча кенг тушунчадир. Бунинг ичига ҳомиле ва илк гўдаклик даврида турли сабаблар оқибатида билиш даражаларининг пасайиши (олигофренлар) ҳам, икки ёшдан кейин билиш пасайилари пасайган болалар (деменция) ҳам қиради. 2 ёки 3 гуруҳ ногирони деганда маълум касаллик тушунилмай, балки ногироннинг иш қилиш қобилияти тушунилади.

Мактабгача ёшда шизофрения, тутқаноқ, энцефалитлар билан бош миаси зарарланган барча болалар ақли заиф бўлмаслиги мумкин. Шуни айтиш керакки, малакасиз ходимлар ақли заифларни олигофренлар деб, ёки ақоинча номлаб юрадилар. Уларнинг теосавурларича, бу тушунчалар бир хилдай аҳамиятга эга. Аммо, бу болалар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Олигофрения деганда ҳомиланинг она қорнида, туғилишда, ёки илк чақалоқлик ёшида бош миасининг зарарланиши оқибатида келиб қолган ақли заифлик тушунилади. Турли сабаблар, касалликлар касида уқумий, жпомоний, ҳамда ақлий томондан тараққиётда

орқада қолиш мумкин. Бундай болаларни инфантил ёки рухий ривожланиши оустлашган (ррс) болалар дейилади. Бу тоифа болалар ҳам ақли заиф болаларга кирмайдилар.

1925—1930 йилларда ақли заифликни талқин қилишда қатор ҳатолар юзага келди. Буларга мисол қилиб педология оқими тарафдорларини кўроғиш мумкин. Уларнинг таъкидлашларича, болалар ҳақидаги қатор фанлар : педагогика, психология, физиология, анатомия мактаб гигиенаси каби фанларни оғинтез қилишиб, янги фан яратилди. Уларнинг фикрича, хотира, диққат, тафаккур, ҳамда шахсий ҳуусоиятлар тугма мазмун каоб этар экан. Педологлар ақли заифликнинг моҳиятини тушунтиришар экан, бу ақлнинг камлиги ҳаобланиб, ота-онадан болага мерос бўлиб утар экан. Бундай ноилмай йўналиш тарафдорлари 1936 йилги махсус қарор орқали тутатилди.

Рухий ривожланишнинг суоайиши ҳақидаги маълумотлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин кўзга ташлана бошлади. Даотлабки маълумотларга қараганда рухий ривожланишнинг суоайиши вақтинчалик ҳолат деб таоаввур қилинган. Бу ҳолатни чуқурроқ ўрганилган сари, психик ривожланишнинг суоайиши акорият ҳолларда вақтинчалик ҳолат эмас, балки тургун мазмун каоб этар экан. Рухий ривожланишнинг суоайиш турлари қуйидагилардан иборат: I. Рухий ривожланиш суоайишининг конотитуцион тури,

2. Рухий ривожланиш суоайишининг соматоген тури,

3. Рухий ривожланиш суоайишининг психоген тури,

4. Рухий ривожланиш суоайишининг оргеник церебраи тури.

Бу муаммонинг атроғлича ўрганилишига Влосова Т.А., Певзнер М.С., Лубовокий В.И., Лебединокая К.С. ва бошқалар самарали ҳисса қўшдилар. Олигофренопсихологияда ақли заифликнинг уч даражаи ҳақида бидимлар берилади. Ақли заифликнинг энгил даражаси — дебиллик деб юритилади.

Ўртача даражадаги ақли заифликни эса — имбециллик деб номланади. Ақли заифликнинг оғир даражасини — идиотлик деб юритилади.

Қисқача буларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб утамай.

Дебил болалар ақли заифликнинг энг энгил даражаси бўлиб, ёрдамчи мактабнинг 8 йиллик дастур материалларини муваффақиятли эгаллайдилар. Бу болалар ёрдамчи мактабни битариш билан бирга маълум мутахассислик ҳам эгаллайдилар.

Имбецил болалар оммавий тарзда таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа болаларнинг айримлари ёрдамчи мактаб қошларида ташкил этилган имбецил болалар синфларида тажриба тарзида ўқитилади. Бу

болаларнинг билим олиш даражалари бирмунча чекланганлиги ошабди, уларнинг барчаси уқий олмайдилар. Бу даража ақли заифлар муотақил ҳаёт кечира олмайдилар.

Ақли заифликнинг оғир даражаси идиотик деб юртилиб, улар умуман таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа ақли заиф болалар ижтимоий-таъминот муассосаларида оқланадилар. Шу муассосаларда бундай болалар тарбияланадилар, даволанадилар. Бу болаларда нутқ деярли ривожланмаган. Ҳуз-узларига хизмат қилиш малакалари деярли шаклланмаган. Бу болаларнинг ҳаракат тизимлари ҳам бузилганлиги оқибатида уларнинг юриш-туришлари ҳам узига ҳос кўриниш касб этади. Бу болалардаги барча салбий ҳислатларга қарамадан, уларда ҳам маълум даражадаги элементар кўникма, малака, одатлар тарбиялаш мумкин.

1950 йиллардан кейин И.П.Павлов таълимтини чуқурроқ, шодий урганиш асосида ақли заифликни тор тушунишга чек қўйилди. Бу таълим асосида "ҳимояловчи-сақловчи" жараённинг моҳияти очиб берилди. Руҳиятнинг рефлекс назарияси марказий асаб тизимининг касалланиши натижаида иш қилиш қобилиятининг бузилишани ойдинлаштириб берди. Ақли заиф болалар олий асаб фаолиятларининг хусусиятлари бора-сида А.Р.Дурия, М.С.Певзнер томонидан амалга оширилган илмий ишлар жуда катта назарий аҳамиятга эга бўлди. 1962 йилдаги Ҳалқаро кенгаш олий асаб фаолияти физиологиясининг филозофик масалаларини турри таҳлил қилишга ёрдам берди.

Маъшур психолог, олигофренопсихологиянинг асосчиси Л.С.Вигоцкий таълимоти жуда катта назарий, амалий аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда Л.С.Вигоцкий таълимоти янада долзарблашиб бормоқда. Турли этиологик омиллар асосида келиб чиқадиغان ақли заифларни дифференцирлашган ҳолда таълимга жалб этиш ишлари ишлаб чиқилмоқда.

Қатор илмий-тажриба кузатишларининг кўрсатишича, ақли заиф ва нормал болалар тараққиёти ягона, умумий ривожланиш қонуниятлари асосида амалга ошар экан. Нормал ривожланиш барча бооқичларида динамик тарзда амалга ошса, ақли заиф болалар ривожиди бирмунча четга чиқиш кўзга ташланар экан. Ақли заиф болалар ривожланиши бош мия нуқсони асосида кечар экан. Демак, ақли заиф болалар марказий асаб тизимининг турли томонлари, руҳий жараёнлар адинамик тарзда ривожланади. Бу борада Л.С.Вигоцкийнинг "барламчи" ва

"Иккиламчи" нуқоонлар назарияси, "эришилган" ва "яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даража" ҳақидаги катта ишлари ниҳоятда катта аҳамият каоб этади. Бирламчи нуқоонлар деганда бош мианинг турли оалбий таъовротлар оқибатада органик бузилишини тушунамиз. Бундай оалбий таъовротларга турли жароҳатлар, уридашлар, қаоал - ликлар киради. Буларнинг барчаои бош миани у ёки бу даражада заррлайди. Юқоридаги бирламчи нуқоонлар таъоври остида иккиламчи нуқоонлар юзага келади. Бундай нуқоонларни иккиламчи хооилалар ҳам деб юритади. Иккиламчи нуқоонларнинг мазмуни, аоооан бирламчи нуқоонларнинг чуқурлигига, юз берган вақтига кўп жиҳатдан боғлиқ. Иккиламчи нуқоонлар бевооита ақли заиф бола шаҳоидати турли ўзгарашлардир. "Эришилган" (актуел) тараққиёт зонаси деганда текширилётган вақтдаги боланинг тараққиёт даражаои тушунилади. "Яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган зона" зоа, маълум таълим-тарбия, тараққиёт бооқишларидан кейинги ривожланиш даражаоини тушунамиз. Л.С.Виготокийнинг таъкидлашича, таълим-тарбия тараққиётдан олдинда боради. Тараққиёт, ривожланиш зоа таълим-тарбиядан кейин боради. Шу сабабли таълим-тарбияни боланинг "эришилган", тараққиёт даражаоига аоооланиб зоао, балки боланинг "яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражага" аоооланиб ташкил қилиш лозим. Маълумки, ақли заиф бола тафаккурининг ривожланишолигига аоооиди бош миани пуотлоқ оотки қюмлар феолвятининг бузилиши этади. Педологлар фикрича, ақли заиф бола тараққиёти давомида назарий билимларни эгаллаб боради. Аммо, боланинг ақлий коэффицентини (IQ) ўзгармайди деган фикрни ёқлаб чиққанлар. Рухиятнинг ривожини оғир даражадаги ақли заифларда ҳам давом этади.

Ҳатто, ақлий нуқоон оғирлашиб борувчи ҳолатда ҳам рухий ривожланиш давом этади. Бола рухияти ҳар қандай оғир нуқоонда ҳам ривожланиб бориш ҳуоуоиятига эга экан. Ж.И.Шиффинг эътирофи этишича, "Ақли заиф бола рухияти, нормал бола рухияти каби ривожланиш даврларини бошидан кечириди". Рухиятнинг ривожланиш қонуниятларига таълим-тарбия ҳам маълум даражада таъовир этади.

Олгофрения муаммооинга бағишланган адабиётларни таҳлил қилоак, 2 та ўзига хоо оқимни кўриш мумкин.

Биринчи оқим тарафдорларининг таъкидлашларича, ақли заиф бола у ёки бу даражада содида, элементар билимларни ўзлаштириди. Аммо, улар умумлаштириш, аботракциялаш жараёнларини нормал болалардек бажара олмайдилар. Рухиятнинг қайои оожаоини олманг, тараққиётда юқори даражага ета олмайдилар. Буларнинг аоооиди етак-

чи камчилик булган умумлаштириш жараёнларининг заифлиги ётади.

Иккинчи йуналиш Л.С.Виготский томонидан ишлаб чиқилган. Руҳий тараққиётни ягона жараён деб ҳисоблаб, ҳар бир ривожланиш боққичи ундан оддинги ривожланиш даражасига бевосита боғлиқлигини уқтирадилар. Л.С.Виготский бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни ажрата билди зарурлигини кўрсатади. "Дастлабки ва тез-тез учрайдиган нуқсон психологик функцияларнинг ривожланмаслигидир. Бунинг асосида хотира тафаккур, характер бузилишлари ётади. "Нуқсонли бола руҳияти ривожланганининг асосий белгиси биологик ва маданий ривожланиш ораосидаги боғлиқликнинг бузилишидир", деб таъкидлайди Л.С.Виготский.

Боладаги биологик нуқсон ўз навбатида маданий билимларни эгаллашга тўсқинлик қилади. Л.С.Виготский назариясига кўра, оддий руҳий функциялар—хотира, тафаккур, характер маданий ривожланиш маҳсулидир. Ақли заиф бола ривождаги биологик ва маданий соҳаларнинг бир-биридан узоқлашиши натижасида улардаги интилиш ва талаблар дисгармоник, уйғун булмаган тарзда шаклланади. С.С.Корсаков 1905 йилда чоп этилган "Микроцефаллар психологияси" асарига "Чуқур даражадаги ақли заиф болаларда атрофни билишга булган интилиш шаклланмаган" — деб таъкидлаган эди. Бу фикрларни Г.Е.Сухарева ўз ишларида ривожлантиради. М.Г.Блүмина эса, "Боғча ёшидаги элигофрен болаларга бушлик, заифлик, ташаббуссизлик, қизиқишларнинг етишмаслиги хосдир" — деб кўрсатади. Шунинг қайд этиш уриндики, ақли заиф болаларда жинсий етилиш муддатидан бирмунча оддин юз беради. Албатта, бу ҳолат нуқсонли мазмун қасб ётади. Шунинг асосида секин-аста барча руҳий ривожланиш бузила бошлайди. Ақли заиф болалар нутқидан бирмунча секин ривожланиб боради. Бунинг натижасида ақли заиф болалар атрофдагилар билан муомаласой кечикиб боради. Ишбу муамма, жамоа бола руҳиятининг ривожига етакчи омил вазифасини утайди. Аммо, ақли заиф болалар нормал тенгдошларидан ажралиб, четда қоладилар. Ақли заиф бола руҳиятининг ривожига ички ва ташқи нохуш шароитлар асосида қийин амалга ошади. Асосий нохуш омилларга боладаги қизиқишларнинг заифлигини, қийин уқувчанлигини, ёмон адрок этишларини кўрсатиш мумкин. Ақли заиф болалардаги бундай хислатлар ички биологик белгилардир. Шулар асосида ақли заиф бола, болалар жамоасидан четда қолади. Л.С.Виготский ўзининг 1936 йилда чиққан "Тараққиёт диагностикаси ва қийин болаликнинг педологик клиникаси" асарига қуйидаги фикрларни билдиради. "Симптом бирламчи нуқсондан қанча узоқ турса, шунча осон тарбияга, давллашга берилади".

Бу қўлланмада нуқсонлиликни эрта диагностика қилишнинг аҳамиятли эканлигини алоҳида қўроатиб ўтади. Муаммо юзаидан оалмқли илмий ишлар М.С.Певзнер ва В.И.Дубовокий фаолиятларига тўғри келади. Улар ўзларининг узок йиллик кузатишлари асосида 1963 йилда "Олигофрен болаларнинг тараққиёт динамикаси" деб номланган фундаментал асарларида ақли заиф болаларнинг ақлий тараққиётидаги оамарали даврларни қўроатиб берганлар. Муаллифларнинг таъкидлашларича, таълимнинг дастлабки йилдаги ҳар тарафлама педагогик таъсирга қарамай, ақли заиф болалар ривож бекин амалга ошар экан. Ақли заиф бола тараққиётида 3-4 оинфлар асосий рол уйнар экан. Бу ёшларда сезиларли силжишлар юз берар экан.

Ўсмирлик даврида, эгалланган билимлар мустаҳкамланиб борар экан. Аммо, билим эгаллаш билан, уни амалда қўллай олиш орасида қатта фарқ юзага қелар экан. Ақли заиф болаларнинг руҳий тараққиётида юқори оинфлар етакчи рол уйнар экан. Албатта, олимларнинг хулосалари асосий ақли заиф болаларнинг кўпчилигига тааллуқли. Бизнингча, айрим ақли заиф болалар юқоридаги айрим ёш даврларига моо қелмаслиги мумкин.

Ақлий заиф болаларнинг интеллектуал тараққиётига таълимнинг таъсирини чет эл олимлари ҳам ўзига ҳос йуналишларда урганганлар. А.Д.Кларкнинг эътироф этишича, таълим ақли заиф болалар ақлий тараққиётига оамарали таъсир этмас экан. Муаллиф ақли заиф болалар билан ишлашда асосан машқлар методина теклиф қилади. Француз олими Клод Колер эса, ақлий тараққиётда қўл ҳаракати машқларини кўпроқ қўллаш дозимлигини тавоия этади. Аммо, муаллиф турли қўл ҳаракатларининг ақли заиф боланинг умумий тараққиётига қандай таъсир этишини баён этмаган. Швейцариялик П.Моор эса, ақли заифларга диний тарбия беришни тавоия қилади. 1963 йилда Англияда Норман Эллиот томондан ақли заиф болалар руҳий жараёнларининг ривожланиш ҳусусиятларини очиб беришга бағишланган қўлланма чоп эттирилди. Юқоридаги муаллифлар ўз ишларида асосан ақли заиф болаларнинг ривожланишига оид бир томонлама ёндашилган маъдумотларни берганлар.

Чет эл олимлари орасида илғор фикрли олимлар ҳам кўпчилигини ташкил қилади. Буларга мисол қилиб Э.Хайосермани, Р.Зеззони, Дж.Уортиони қўроатишимиз мумкин. Бу мутахассисларнинг эътироф этишларича, ақли заиф болаларда ҳам потенциал ривожланиш имкониятлари мавжуд экан. Ақлий заиф болалар руҳининг ривожланиш динамикасини бузиб қўроатувчи оқимлар ҳам мавжуд. Буларга мисол қилиб

"чегара", "тараққийётнинг тухташи", "тараққийёт чегараси", "дегенерация назарияси", "ахлоқий нуқсонлилик" каби қатор ноилмий қарашларни қўроатиш мумкин. Аммо, илгор чет эл олимларининг ва мамлакатимизнинг олимлари томонидан қўлга киритилган илмий тажриба ишларининг натижалари юқоридаги қарашларнинг воқоосизлигини алдақачонлар исбот қилди.

Савол ва топшириқлар

1. Бирламчи нуқоонлар деб нимани тушунаоиз?
2. Иккиламчи нуқоонлар деб нимани тушунаоиз?
3. Нормал ва нуқоонли болалар тараққийёти орасидаги фарқ нималарда ва қандай намоён булади?
4. Ақли заиф болалар руҳиятининг ривожланишига оид қандай роиларни биласиз?
5. Ақли заиф бола тараққийётига оид қайои ишларни биласиз?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтвенно ототалого школьника., М., 1986., 45-60= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умтвенно ототалого ребёнка. М., 1985, 9-13= бетлар.
3. Певзнер М.С.: Лубовокий В.И. Динамика развития детей-олигофренов. 1963., 3-22= бетлар.
4. Шиф.Ж.И. Особенности умтвенного развития учашихоя вспомога-тельной школы. М., 1965, 3-19= бетлар.

З Б У Л И М . Ёрдамчи мактаб ўқувчилар таркибига тавофиянома бериш

Ақли заифликка бош миёдаги турли зарарланишлар сабаб бўлади. Буларга бош миёнинг турли шомоллаш касалликлари, энцефалитлар, менингоэнцефалитлар, интоксикациялар, эндокрин безлар касалликлари, турли мўдда алмашинувининг бузилишлари, туғилишда ва ундан кейин олинган жароҳатлар, турли камёвий дори-дармонларнинг салбий таъсири ва бошқа сабаблар қиради. Бу касалликларнинг моҳияти, ҳамда намён бўлиш хусусиятлари психиятрия ва невропатология фанларида батафсил очиқ берилади. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психологик тавофияномаи шу мактабда ишлаётган дефектологлар учун болалар билан таълим-тарбия, кузатиш ишларини тўғри ташкил қилиш учун ниҳоятда зарур. Ўқитувчилар, тарбиячилар ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини билиши асосида улар билан тегишли индивидуал коррекцион, тарбиявий ишларни тўғри ташкил этишлари мумкин. Турли касалликлар натижаида бола марказий асаб тизими турли даражада бузилади. Руҳият турли кўриниш, хусусиятларга эга бўлади. Ўқитувчининг ақли заифлик сабабларини, қолдирган асоратларни, унинг кечик қонуниятларини билиши талаб этилади. Диагнозни билиш, касаллик тарихи билан танишиш асосида ўқитувчи, тарбиячилар болаларнинг ахлоқида учрайдиган турли бузилиш сабабларини тушуниб ета олади. Ёрдамчи мактабларда ҳар бир бола учун туғилдиган шахсий варакаларда касаллик диагнози, тарихи батафсил баён этилади.

Ёрдамчи мактабнинг барча ўқувчиларини амалий мақсадда икки гуруҳга бўлиш мумкин, Биринчи гуруҳга қирадиган болалар асосан ўз ривожланишларининг маълум даврида, маълум бош миё касаллигини бошидан кечирган ва шу касаллик қолдирган нуқсон асосида ривожланмаётган, амалда зоа оғ болалар қиради. Бу ҳолни қуйидагича оодда-лаштириб тушунтириш мумкин. Бемисоли иносан танаоининг бирор жойи қуйиб қола, албатта, қуйиш даволаб юборилгач, унинг ўрнида чандиқ қолади. Бу чандиқ оузоиш бош миёнинг зарарланишидан фарқ қилади. Шу сабабли, бу гуруҳга қирувчи болаларни амалда оғ болалар деб номлади.

Иккинчи гуруҳга бош миёндаги касалликлари давом этаётган болалар қиради. Бу болалар ёрдамчи мактабларде ўқиб юрган вақтларида ҳам ўз касалликлари давом этиб, оғирлашиши ҳам мумкин. Шу сабабли бу болаларни вақти-вақти билан махсус шифохонларда даво-



У-5194/5

лаб туриш талаб этилади. Бу болаларнинг рухий хусусиятлари, билим эгаллаш имкониятлари ўзгариб туриш хусусиятига эга. Қуйида юқоридаги икки гуруҳга кирувчи болалар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи гуруҳ. Бу гуруҳга кирувчи болаларни ҳам ўз навбатида икки гуруҳчага бўлиш мумкин. Бундай кичик гуруҳларга бўлиш асосда касалликнинг юз берган ривожланиш даври, вақти олинади.

А.Бу гуруҳчага кирадиган болалар касалликни ҳомилалик, туғилиш ёки илк чақалоқлик даврида бошидан кечирганлардан иборат. (олигофренлар) :

Б. Мактабгача ёки илк мактаб ёшларида касалликни бошидан кечирган болалар киради.

Ҳар бир кичик гуруҳчага кирадиган болалар тўғрисида кикокача тўхталиб ўтамиз. Боланинг ҳомилалик, туғилиш ва илк чақалоқлик ёшларида бош миёлари зарарланганларни олигофренлар деб қритаемиз. Бу оўзнинг том маънодаги дугавий мазмуни" акли камликдир". Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг шахсий ҳужжатларида кўп ҳолларда "олигофрения" диагнози учрайди. Ҳақиқатдан ҳам ёрдамчи мактаб болаларининг асосий қисмини олигофрен болалар ташкил қилади. Аммо, олигофрения кам акллилик маъносини бергани учун буларни касаллик дея олмаймиз. Олигофренлар клиник жиҳатдан турли ҳил болалардир. Олигофрения – бу бола марказий асаб тизимининг турли касалликлар оқибатида нутқи чиққунча, 1-2 ёшгача бошидан кечирган касаллик оқибатидир. Бундай касалликларга наслий касалликлар, ҳомиланинг она қорнидаги зарарланиши, туғилиш вақтидаги жароҳатлар киради. Олигофренияни келтириб чиқарувчи сабаблар турли-туман бўлсада, уларга хос белгилар мавжуд. Бу белги касаллик бола ривожининг илк даврида зарарланиши ва ундан кейин касалликнинг тўхташи, ривожланмаслигидир. Олигофренияда рухий ривожланиш нуқсон асосда давом этиб, болалар амалда соғлом бўладилар. Олигофрен болаларнинг рухий ривожланиш хусусиятлари бир-бирига ўхшаб кетади. Чунки, касаллик болада нутқ чиққунча юз берган бўлади. Олигофрен болаларнинг касаллик сабаблари, турларидан қатъий назар, бир ҳил гуруҳни, психологик нуқтаи-назардан ягона бир турни ташкил этади. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, турли муаллифлар олигофренияда етакчи синдром сифатида ўзларининг фикр, қарашларини илгарй сурмоқдалар. Курт Левин олигофренияда етакчи белги-аффектив-пропа соҳаларининг бузилишини таъкидлайди. М.Певзнер эса, олигофрен болаларда умумлаштириш қобилиятларининг қийинлаш-

ганини, ёмонлашганини асосий белги оифатида кўроатади. А.Р.Дурья эса, олигофрен болалардаги нутқнинг бошқарувчилик ролининг заиф даражадалигини таъкидлайди. Оқоридаги фикрларнинг ҳар бирининг тўғрилигини ишбот этишнинг бизнингча ҳожати йўқ. Чунки, олигофренияда оқорида кўроатиб ўтилган : умумлаштирашнинг кийинлашуви, ҳисовёт-проца ооҳаларининг ривожланмаолиги, нутқнинг етарли ривожланмаолиги, ҳамда уларнинг фаолиятини бошқара олмаолиги яқкол кўзга ташланиб туради. Айтиб ўтилган ҳуоуоиятларга қарамай етакчи, марказий нуқсонни ажратиб кўроатиш мумкин. Буларни шкки хил кўринишда баён қилиш мумкин.

1. Г.Е.Сухарева томонидан таъкидланган, акли заифлардаги кишиқишларнинг етишмаолиги, мулжал олиш фаолиятининг оустлиги.

2. Идрок этиш жараёнларининг оекинлиги натажасида мактаб таълимига ёмон мослашиш.

Ақли заиф болаларнинг айтиб ўтилган ақлий етишмовчиликларига яна, улар дунёқарашининг торлиги, таоаввурларининг юзакилиги, тафаккурларининг конкретлигини ҳам кўшиш мумкин. Ақли заиф болаларда Олий интеллектуал жараёнларнинг ўзига хоо тараққиёти нормал болаларникига кўп томонлари билан ухшамайди. Ёрдэмчи мактабларга юбориладиган акли заиф болаларнинг ҳужжатларида "этио логияюи номедум олигофрения", ёки "мураккаб этио логияли олигофрения" диагнозларини куриш мумкин. Мураккаб этиология деганда, турли даражадаги, турли зарарларнинг бир вақтдаги оалбий таъоирини тушунемиз.

Г.Е.Сухареванинг таъкидлашича, 3 гуруҳ оалбий омиллар мавжуд.

1. Насоий касалликлар, ота-она ироий генларининг касалликлари, амбриогенез касалликлари.

2. Амбрионга зарарли таооуротларнинг оалбий таъсири.

3. Туғилиш вақтидаги жароҳатлар, туғилгандан кейинги 3 ёшгача бўлган даврдаги оалбий таъоирлар.

Амбриогенез касаллигига мисоол қилиб даун касаллигини кўрсатиш мумкин. Бу касалликни ташқи кўриниш белгиларига кўра ооон ажратиш мумкин. Юз тузилишининг ўзига хоолиги, диспластик фигура, ҳаракатларининг ёмонлиги. Бу болалар умумий тушунчаларни ёмон ўзлаштирадидер. Бу болаларнинг хотира жараёнлари бирмунча бузилган булади. Шулар сабабли даун болаларни ўқитиш, уларга бирер билим бериш жуда оғир кечади. Аммо, тўғри ташкил этилган тарбия орқали бу болалар билан тез тил топишиб кетиш мумкин. Бу болалар муостақил ҳаётда мослаша олмайдилар. Ахлоқ-оодоб, этик тушунчаларни жуда кийин ўзлаштирадидлар. Бош мия захмига учраганлар

ҳам баъзан шу тошфа касалликларга киради. Бу болаларни ҳам ташқи кўринишидан аниқлаш мумкин. Бу болаларнинг танаси ўзининг диопластиклиги, бурунларининг эгарсимонлиги, тишларининг аррасимонлиги билан ажралиб турадилар. Бу болалар нисбатан кўп нерсаларни тушунмайдилар. Бошқа касалликдаги олигофренлардан бироз устун турадилар. Уларнинг ақли нисбатан у даражада паст эмао. Бу болалардаги тез чарчаш ҳисолатлари мактаб билимларини яхши эгаллашларига тўққинлик қилади. Бош мия захмига учраган болалар тез берилувчан, ҳисоётлари турғун бўлмайди.

Бошқа ёки кичик мактаб ёшида бош миялари зарарланган болалар.

Бу гуруҳчага кирадиган болаларнинг оддинги гуруҳчага кирадиган болалардан асосий фарқи шундаки, бу болаларнинг бош мия зарарланишлари нисбатан кечроқ, нутқлари ривожлангандан кейин юз берган болалардир. Айрим ўқувчиларнинг ҳужжатларида "бош мия жароҳати оқибатидаги олигофрения" деган жумлалар учрайди. Ёки "менингоинфекцион касалликлар келди" деган хулоса ҳам бўлаши мумкин. Бундай болалар ҳам олигофренларга яқин туради. Булар ҳам олигофренлар каби амалда соғлом болалардир. Аммо, улар ўртада маълум фарқлар ҳам мавжуд. Агар касаллик бола бош миясини 2 ёшгача зарарлеоа, табиийки олигофрения келиб чиқади. Агар зарар 2 ёшдан кейин, юқорида ёшларда юз берса, унда бирмунча ўзига хос руҳий ўзгаришлар юз беради.

Бу хусусиятларни қиома кўриб чиқамиз.

Бош мияой жароҳат олган болалар. Бу болалар ақлий меҳнат талаб қиладиган топшириқларни бажариш вақтларида тез чарчайдилар. Уларнинг ақлий пастлиги у даражада ёмон эмаолиги учун, баъзан оммавий мактабга ёки ёрдамчи мактабга юбориш мунозарата олиб келади. Аммо, уларнинг тез чарчашлари, диққатларининг тарқоқлиги, тез эсдан чиқаришлари оқибатида оммавий мактаб дастурини ўзлаштира олмайдилар. Айниқса, бундай болалар ҳар бир дарс охирада, ҳамда охириги соатларда жуда ёмон жавоб берадилар. Бу болаларга қўшимча уйқу, дам олиш, улар иш қобилиятларининг яхшиланишига олиб келади. Бу болалар чарчаш натижада тез таъсирчан бўлиб қоладилар. Қўполлик қилишлари, ўзларининг хусусиятларидан нотўғри фойдаланишлари, ўқитувчи, тарбиячиларни алдашлари мумкин. Шу сабабли ўқитувчи, тарбиячилар жуда эҳтиёткорлик билан, педагогик такт билан болаларга талабчан бўлишлари керак. Аммо, барча ёрдамчи мактаб болалари билан бундай муомала қилмаслик керак. Ўта-оналар билан маолаҳатлашиб ягона талаблар асосида иш тутуш

керак. Бу болалар шовкин, ортқича иссиқни кўтера олмайдилар.
Бу болаларнинг барча хислатларини эътиборга олиб иш туташ лозим.

Бош миЯ энцефалитларининг оқибатлари.

Бу вооратлар дастлаб энцефалит турларига боғлиқ. (Эпидемик, ревматик, парейнфекцион). Бундай болалар оёрҳаракат, тиниб-тинчимао буладилар. Уз атрофларидаги турли ўзгаришларни жуда тез пайқаб оладилар, ўйламаоден гапирадилар. Бу болалар тез берилувчан, диққатлари тарқок булади. Бундай болаларнинг кўпчилиги ўқув материалини ёмон ўзлаштирадилар, айрим ҳоллардагина яхши жавоблар беришлари мумкин. Ўйлаб тузилган кун тартиби ва қаттиқ талаб воориддагина бу болалар яхши натижаларга эришишлари мумкин. Акс ҳолда, турли оалбий одетлар чиқарадилар. Айниқса, бекорчилик бундай болаларга оалбий тавсир кўроатади. Меҳнат, жисмоний тарбия машқлари бу тоифа болаларга оамарали, ижобий тавсир этади. Энцефалитлар билан касалланган қиз болалар жанойи жаҳатдан бирмунча эрта етиладилар. Бу ёшдаги ўғил болалар эса, ўғриллар, турли оалбий гуруҳларга қўшилиб қоладилар. Бундай оалбий ҳолатларга тушиб қолиш улардаги берилувчанлик, ўзларига танқидий қарошларнинг еташмеолиги оқибатида юз беради. Улар марказий вооб тизимларидаги тормозланиш жараёнларининг суотлиги ҳам маълум рол ўйнайди. Ёрдамчи мактаб ўқитувчи - тарбиячилари бундай оалбий ҳолатларнинг олдини олиб бoриши орқали уларнинг вооб тизимларини ҳам коррекциялаб борадилар. Баъзан энцефалит вооридда суотлик, камҳаракатлик, тортинчоқлик ҳолатлари шаклланиб боради. Бундай болалар нутқи манқали, аниқ эмас, ифодаоиз булиб қолади. Ташқи кўринишларидан бундай болалар чуқур ақли заифларга ўхшас кетадилар. Бу болаларни меҳнатга моолаштириш бирмунча қийин амалга ошади.

Иккинчи гуруҳ болалар

Бу гуруҳга бош миЯ касалликлари давом этувчи болалар киради. Бош миЯнинг ҳар бир давом этувчи касаллиги маълум даражада уни издан чиқариб боради. Клиницистлар шу сабабдан бундай ақлий нуқсонликни деменция тушунчаси билан ифодалайдилар. Деменция тараққий этмаганликдан фарқ қилиб, бузилиш маъносига кўпроқ мос келади. Деменцияни шифокорлар қуйидаги турларга булиб урганадилар. Органик, шизофреник ва тутқаноқли турларга ажратилади. Бош миЯнинг давом этувчи касалликларига : бош миЯ зотилжами, бош миЯ захми, тутқаноқ, шизофрениЯ, гидроцефалиЯ ва бошқа касалликлар киради. Шу касалликларнинг ҳар бири ҳақида қисқача тўхталиб ўта-миз.

а) Болалар бош миясининг зотидамаи .

Даотлаб бу касаллик ревматик энцефалит деб қаралган. Аммо, кейинги текширишларнинг кўрсатишича, бирмунча бошқа касаллик эканлиги аниқланди. Г.Е.Сухарева, М.Б.Цукер, В.Я.Деянов томонидан олиб борилган ялмий ишлар шу фикрга келишга асос бўлади. Бу касаллик узоқ давом этувчи касалликдир. Бу касалликнинг кечishi ҳам ўзига хоо мезмун каоб этар экан. Бу касалга чалинган болаларнинг диққати ҳаддан ташқари тарқоқ, тез чарчайдиган, тез эодан чиқарадиган бўладилар. М.С.Певзнернинг таъкидлашича, айрим шундай болалар оммавий мактабларда ўқишлари мумкин. Аксарият бундай болаларнинг иш қилиш қобилиятлари жуда пастдир. Бу болалар тез тўбоирланувчан, ҳаракатчан, тортинчоқ, бўладилар.

Бу болалар чарчасалар, ҳаяжонланасалар янада кўзгалувчан бўладилар. Ёрдамчи мактабларнинг ўқитувчи, тарбиячилари бундай болаларни жуда эҳтиёткорлик билан назорат қилиб боришлари, бирор ўз - гариш бозсалар дарҳол шифокорга мурожаат этишлари лзим.

б) Болаларда учрайдиган бош мия захми.

Агар ота-она, ёки улардан бири захм касаллиги билан касалланган бўлса, ҳомила туғилиш муддатидан олдин тушиши мумкин. Айрим ҳолларда ҳомила олигофрен сифатида ривожланади. Бунда ҳомила ҳам захм касаллиги билан зарарланган бўлади. Узоқ муддат захм инфекциялари "уйку" ҳолада бўлиб, айрим ҳоллардагина юзга чиқиб намоён бўлади. Маълум сабаблар оқибатида боланинг психикаси ёмонлаша бошлайди. Касаллик ҳуружлари бошланади. Айрим ҳолларда касаллик яширинча, оёқин ривожланади. Касаллик белгилари дастлаб ўқитувчи, тарбиячилар кўзига ташланади. Бу белгиларга қўйидаги ҳолатларни қаритиш мумкин: Болада тўбатдан ўзлаштиришнинг пасайиши, худқининг ёмонлаша бошлаши, баъзан эшитиш галлюцинацияларининг пайдо бўлиши, сабабсиз кулиш ҳоллари қаради. Ўқоридаги белгиларни сезган ўқитувчи, тарбиячилар дарҳол асаб касаллиги шифокорларига мурожаат қилишлари лзим. Бош мия захмини ўз вақтида аниқланса, бу касалликни муваффақиятли даволаш мумкин. Касалликнинг ўз вақтида олди олинмаса, касаллик бирмунча оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Баъзан боланинг ҳаракати бузилади, нутқи ёмонлашади, ўз-ўзига танқидий қараш камаяди, ёрдамга муҳтожлик сезилиб, ақли заифлик ҳолатлари сезила бошлайди. Ўз вақтида олди олинмаган захм касаллиги оғирлашиб борувчи фалажга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ёрдамчи мактаб ўқитувчи, тарбиячилари шахсий ҳужжатларида захм

касаллиги қайд қилинган болаларга алоҳида эътибор билан қарашлар талаб қилинади.

в) Бош миyaning давом этувчи тутқаноқ (эпилепсия) касаллиги .

Тутқаноқ тутган пайтда ўқитувчи, тарбиячи ўзини қандай тутиши кераклиги асос касалликлари маълумотларидан яхши маълум. Энг асосийси шуки, ўқитувчи, тарбиячилар ўзларининг касаллик ҳолатларидан қўрқмасликларини болалар кўришлари керак. Аслида, бир марта қисқа муддатли тутқаноқ тутган вақтда шифокорларга югуриш шарт эмас. Агарда тутқаноқ қайталана, оғирроқ кечагина, тиббиёт ходимларига мурожаат этиш талаб этилади. Ёрдамчи мактаблардаги тутқаноқ касали бор бўлган болалар аксарият кўп ҳолларда касалликнинг бошланишини турли белгилар орқали биладилар. Масалан, тутқаноқ тутишидан олдин болалар шамол эсаётганлигини, юзларига шамол уриляётгандай бўляётганлигини, қўл, оёқларида турли ҳаракатлар, тортишлар бошляётганлигини, нутқи, гапириш жараёнлари оғирлашяётганлигини сезадилар. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, барча ақли заиф болалар ҳам юқоридаги касаллик белгиларини анча вақтгача тушунмай юридилар. Ақлий заифлиги нибатан чуқур бўлмаган олигофренлар бу белгиларни тез илғаб оладилар. Айримлари шу ҳолатни билсалар ҳам индамаодан, ҳеч қимга гапирмай, билдирмасдан утирадилар. Шу сабабли барча турдаги махсуо мактаблар ўқитувчи, тарбиячилари тутқаноқ касалининг юқоридаги белгиларини тез илғаб ола билишлари лозим. Шунинг асосида болага бирмунча эртароқ тиббий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Айрим ҳолларда шифокорларнинг ёрдамида болаларда учраши мумкин бўлган тутқаноқларнинг олдини олиш мумкин. Бундай ҳолатларда болани алоҳида жойга олиб чиқиш мумкин. Ўртоқлари олладан олиб ётоқхонага олиб бориб, уз ўрнига ётқизиб қўйиш керак. Ўқитувчи, тарбиячилар бундай болаларга касалликнинг олдиндан бошляётган белгиларини билиб олишлари тушунтирилиши талаб этилади. Шунини ҳам эслаб ўтиш жоизки, баъзан тутқаноқлар билан бирга онгнинг бузилиши ҳам кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда тутқаноқ тутган бола югуриши, эшик, деразаларга чиқиши, турли буюмлар билан бировларни уришлари, мақсадсиз ҳаракатлар қилишлари мумкин. Аммо, бундай ҳолат узок давом этмайди. Бундай ҳолатда ҳам тиббий ёрдам талаб этилмайди. Тутқаноқли бола психикаси борган сари, ёш улғайган сари ўзгариб боради. Дастлаб, хотира жараёнлари ёмонлаша бошляйди. Тез эодан чиқариш, диққатсизлик, қилбятган ишларида

Гартибсизлик кўзга ташлана бошлайди. Баъзан, бундай болаларда меъёридан ортиқча озодалик, аниқлик, оаранжом-оаришталикка интилиш кўзга ташланади. Бундай болаларнинг айримлари уйга берилган вазифаларни сўзма-сўз ёдлашга ҳаракат қиладилар. Шунга айтиб ўтиш ўринлики, кўпчилик тутқаноғи бор болалар ҳикоя, эрталарни жуда аниқлик билан, барча элементларига катта эътибор беришлари ҳосилдир. Бу болаларнинг тафаккур қилишлари ҳам ўзларининг нормал тенгдошларидан секинлиги, тўмтоқлиги билан ажралиб туради. Бирор мисол, машқнинг ечилиш усулини билиб олоалар, бундан кейинги ечиладиган барча мисолларга юқоридаги усулни қўллайдилар. Бундай болалардаги умумий бўшлиқ уларнинг ҳисоёт-ирода ооҳаларида кўзга ташланади. Бундай болалар бирор ўртоқлари билан ҳафаланиб қолоалар, бу ҳолатни узок муддат эодан чиқармай юрадилар. Кичик мактаб ёшларида бу болалар ҳаддан ташқари серҳаракат бўладилар. Бу болалардаги кўполлик, кўзгалувченлик айрим ҳолларда оохта яхши гаплар, яхши қилиқлар билан ниқобланган бўлиши мумкин. Таҷрибаоиз ўқитувчи, тарбиячилар бундай вазиятларда алданиб қолишлари мумкин. Ўқитувчи, тарбиячилар кўздан узоклашган вақтларида бундай болалар ўзидан ёш, кучоиз болаларни қийнашиб, ноўрин ишлар қилишга мажбур қиладилар. Изчил назорат орқоивда бундай болаларда мөҳнатоеварлик, тиришқоқлик каби ижобий шахсий сифатлар тарбиялаб бориш мумкин. Аолида, бундай болалар ҳўжалик ишларига яхши киришиб кетадилар.

г) Шизофрения

Ёрдамчи мактабларда шизофрения каоалига чалинган болалар кам учрайди. Чунки, бу каоалга чалинган болаларнинг аксарият кўпчилиги ўрта мактаб дастур маълумотларини яхши ўзлаштирадилар. Шунга қарамаодан шизофренинга учраган болаларни оз бўлоода, ҳар бир ёрдамчи мактабларда учратиш мумкин. Бу каоаллик бошлаиаётган вақтда болаларда турли эшитиш, кўриш галлюцинациялари, турли аҳмоқона фикрлар, турли мақсадоиз ҳаракатлар қила бошлайдилар. Бундай вақтларда болалар бир неча ойгача шифохоналарга ётқизилади. Каоалликнинг юқоридаги белгилари бир неча ойдан, бир неча йилгача ораликда қайтарилиши мумкин. Бошқа вақтларда болалар соппа-соғ бўлиб мактабларда ўқилиши давом эттиришлари мумкин. Шунга таъкидлаб ўтиш ўринлики, шизофренида учрайдиган ҳар бир каоаллик ҳуружлари ўзидан олдинги ҳуружлардан оғирроқ, чуқурроқ кечади. Бу эса, борган сари ақлим ооалиятларни кўпроқ бузиб боради. Шизофрения каоаллигининг асосий белги, кўриниши болалар сезги ва тафаккурининг

борган оари бузилиб боришидир. Бундай болаларнинг фикр юритишлари бошқа болалардан бирмунча фарқ қилади.

Баъзан улар янги оуэлар, гаплар уйлаб топадилар. Уқув материалларини ёмон ўзлаштира туриб, айрим нарсаларга: ҳисоб, муоаца турларига жуда қатта қизиқиш ва қобилият намоён этадилар. Ҳатто айримлари етук санъаткор ижро этган мусиқанинг камчиликларини топадилар. Шунга қарамаодан, ўзлари бирорта куйни муотақил ижро эта олмайдилар. Ҳатто чалишни ўргана ҳам олмайдилар. Бу болаларнинг айримлари қизиқарли эртаклар ижод қиладилар. Шунга қаремасдан, бу болаларнинг айримлари ҳатто ҳарфларни ҳам ўзлаштира олмасликлари мумкин. Баъзи шизофрен касали билан оғриган болалар оодда, ўз-ўзини бошқариш, таъминлаш ишларини ҳам бажара олмайдилар. Шу сабабли бундай болаларни жамоатчилик ишига ўргатиш, унга жалб қилиш керак. Шизофрен болаларда ҳам ҳисоёт бирмунча камбагал бўлади. Бу болаларнинг айримларидагина ўртоқ булиши мумкин. Ота-оналарига ёмон, қўпол муомалада бўладилар. Бу болалар билан ўзаро алоқа ўрнатиш бирмунча қийин кечади.

д) Болаларда учрайдиган бош мияга сув йиғилиши
(гидроцефалия) касаллиги

Аслида, шифокорлар гидроцефалияни бирор касалликнинг воорати, оқибати деб қарайдилар. Бу касалликка чалинган болаларнинг умумий ҳолати тез-тез ўзгариб туради. Бош мия ички аъзоларининг айрим қисмиарида сув йиғилиша натижасида, атрофидаги аъзоларни оиқа бошлайди, яъни бош мия ички бооими оша бошлайди. Бола бош миясининг ички бооими ошиши натижасида аҳволи ёмонлашади. Қаттиқ бош оғриги, кайфиятнинг ўзгариб туриши кўзга ташланади. Бу касалга чалинган болалар ортиқча шовқин, ҳаракатли ишларни бажара олмайдилар. Бу болалар бошларини пастга эга олмайдилар. Бу касалга чалинган бемор болалар мунтазам равишда шифокор назоратида булишлари лозам. Ако ҳодда, боланинг умумий аҳволи оғирлашиб, ақлий нуқсон оғирлашиб кетиши мумкин. Гидроцефалияга чалинган болаларнинг руҳияти турличадир. Айримлари қайсар, тез чарчайдиган, баъзан ортиқча ҳаракатчан, кўп гапирайдиган, енгил табиатли бўладилар.

М.С.Певзнер уларнинг нутқини, дугат бойлигини кузатиш, ўрганиш асосида қуйидаги хулосага келган: улар баъзан нормал нутқ хусусиятларига эгалек тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Аамо, ташқи жиҳатдан бой кўринган бола нутқи, ички тузилиши жиҳатидан жуда

камбағвдир. Баъзи ҳолларда унинг гапларидан бирор фикр топиб бўлмайди. Бундай касалга чалинган болаларни мунтазам назорат қилиб туриш талаб этилади.

Олигофрен болалар билан олиб бориладиган коррекциялаш-тарбиялаш уюлларини илмий асослаш учун ҳар бир боланинг руҳиятидаги нуқсон тузилишини, чуқурлигини, юз берган вақтини билиш ниҳоятда зарур.

1969 йилда Халқаро психиатрлар кенгашида кўзга кўринган олим М.С.Певзнер ўзининг олигофренларга бағишланган клинко-педагогик таърифномаси билан катнашди. Бу таърифнома кенгаш катнашчиларида яхши таъвоурот қолдирди. Унда олигофрен болаларнинг ўзига хоо ҳуоуоятлари очиб берилди. М.С.Певзнер олигофрениянинг 5 тури хакида тўхталиб ўтди. Булар куйидагилардан иборат:

1. Олигофрениянинг мураккаб бўлмаган тури;
2. Нейродинамикаси бузилган олигофренлар;
3. Маълум анализаторлари бузилган олигофренлар;
4. Шахси кўпол бузилган олигофренлар;
5. Психопат хулқли олигофренлар;

Қисқача ҳар бир турдаги олигофренлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Олигофрениянинг мураккаб бўлмаган турини баъзан асооий тур деб ҳам аталади. Чунки, олигофренларнинг кўпчилигини шу тур олигофренлар ташкил қилади. Асооий, мураккаб бўлмаган олигофренларда асосан билиш фаолиятларининг мураккаб турлари бузилган бўлади. Аммо, бунда аксоарият ҳолларда нейродинамика, ҳиссийет-ирода, иш қилиш қобилияти, фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ниобетан оақланган бўлади. Ёрдамчи мактаблардаги коррекцион-тарбиявий ишлар асосан тафаккур нуқсонларини коррекциялашга, тўғрилашга қаратилади.

2. Нейродинамикаси бузилган болалар. Бу тур олигофренларда асосан нейродинамика бузилган бўлади. Бу ҳолда билиш фаолиятларининг мураккаб турлари хулқнинг кўпол бузилишлари, иш қобилиятларининг ёмонлашиши, ҳиссийет-ирода соҳаларининг кўпол бузилишлари билан янада чуқурлашган бўлади. Бунинг окибатада олигофренлар кўзгалувчан, тормозланувчан, астеник ҳолатда бўлишлари мумкин. Бу тоифага кирувчи олигофренлар билан олиб бориладиган коррекцион-тарбиявий ишлар асосан юқорида қайд этиб утилган нуқсонларни тўғрилашга, коррекциялашга йуналтирилади.

3. Олигофрен болалар билиш фаолиятларининг бузилиши нутқ-ҳаракат, нутқ-эшитиш, кўриш нуқсонлари билан бирга келиши мумкин.

Бундай ҳолларда даволш, машқлари, логопедик машқлар, шдрокни шакллантиришга оид машғулотлар амалга оширилади.

4. Олигофрен болалар билиш фаолиятларининг бузилишлари, шахонинг кўпол бузилишлари билан бирга келиши мумкин. Бундай ҳолларда болаларда ҳоҳишнинг бузилиши, ички интилишлар, ҳиссий-ирода бузилишлари учраши мумкин. Ёрдмчи мактаблардаги таълим-тарбияда асосий эътибор шахода ижобий ҳислатлар шакллантиришга қаратилади.

5. Билиш фаолиятларининг бузилиши, ҳулқнинг поаҳопатоимон бузилиши билан кўшилиб келади. Бундай ҳолларда дора-дармонлар билан даволш, меҳнат билан даволш, жимоний тарбия, тўғри ташкил этилган кун тартиби асосида олиб борилади.

Ёрдмчи мактабларда ақли заифлик 2-3 ёшида, болаларда нутқ чиққач юз берган болалар ҳам таълим оладилар. Бу нуқсон турли бош мия жароҳатлари, юқумли касалликлар, энцефалитлар натижаида юз берган булиши ҳам мумкин. Бу болаларда билиш фаолиятлари турғун пасайган, иш қобилиятлари унумонз, хотиралари нисбатан паот, диққатлари тэрқоқ, тез чарчайдиган, беъзан кўзгадувчан, беъзан бефарқлик ҳолатлари ҳам кузатилади. Ақли заифлик болаларда нутқ шаклланиб булгач, юз берганларни деменция деб ҳам юритилади. Бу болалар билан тинчлантирувчи, оақловчи педагогик кун тартиби, ўқув ва меҳнат топшириқлари мумкин қадар индивидуал тарзда берилиши талаб этилади. Бу болалар амалда оог булиб, касаллик қолдирган асорат, нуқсон асосида ривожланиб боради. Юқорида қисман тўхталиб ўтилган, касалликлари борган сари секин-аста огирлашиб борувчи ёрдмчи мактаб ўқувчилари ҳам куччиликни ташкил этади. Бу болалар билан муваффақиятли таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун ёрдмчи мактаб ўқитувчи, тарбиячилари орасида яқин алоқа булиши талаб этилади. Бу булимда ёрдмчи мактабларга юборилмаоли-ти талаб этиладиган айрим касаллар, касаллик ҳолатлари ҳақида ҳам қисман маълумотлар беришни лозим топдик. Буларга қуйидагилар киради:

1. Чуқур ақли заиф болалар (имбецил ва идиот даражадаги болалар).

2. Руҳий ривожланиши оустлашган (про) болалар. Бу гуруҳга қўйидаги ҳолатлар киради: психофизик инфантил, астеник, айрим анали-зеторлари бузилганлар, психопат мазмундаги худқи бузилганлар, педагогик қаровсизлар, ҳамда акадқулия оиндрони бор булган болалар юборилмайдилар. Имбецил болаларда яққол кузга ташланиб турадиган жисмоний ва психик нуқсонлар учрайди. Улардаги жисмоний нуқсонлар

бош миёда, скелетда, айрим аъзолар тузилишида, сенсомотор соҳада ҳам учрайди. Марказий асаб тизимида қўпол тарздаги тузилишга оид ва функционал бузилишлар учрайди. Имбецил болаларда шартли боғланишларни ҳосил қилиш ва дифференциялаш жуда қийин кечади. Имбецил болалар содда мазмундаги, элементар билимларни эгаллашлари мумкин. Аммо, бу билимларни мантиқан тушуниб етмаганликлари сабабли мустаҳкам бўлмайди. Улар умумий тушунчаларни, айрим қондаларни узоқ муддат ўзлаштира олмайдилар. Ёзиш қондаларини, 20 ичида ҳисоб-китоб ишларини эгаллашлари мумкин. Конкрет ҳисоблаш ишларига тушунадилар, мавҳум ҳисоблашларда эса, қатор хатоликларга йўл қўядилар. Бу болаларда механик хотира нисбатан сақланган. Уларнинг диққатлари тарқоқ, нутқи асосан бузилган, луғат бойлиги жуда камбағал. Улар айрим воқеаларни ҳикоя қилиб бера олмайди. Таҳлил-тасниф жараёнлари қўпол бузилган, талаффузларида ҳам етарли нуқсонлар мавжуд. Уларнинг тафаккур жараёнлари ҳам қўпол бузилган. Таққослаш, таснифлаш жараёнлари жуда қуйи даражададир. Аммо, уларда ҳиссиёт нисбатан сақланиб қолган. Имбецил болалар воқеаларга мос равишда хурсанд ва хафа бўладилар. Ўқоридаги маълумотлар асосида бу болаларнинг мустақил яшай олмасликларини таъкидлаш мумкин. Чунки бу болалар доимий назоратни талаб этадилар.

Г.Е.Сухареванинг эътироф этишича, 75% даун касали бор болалар имбецил даражада, 20% эса идиот даражада, 5% эса дебил даражадаги олигофренларни ташкил қилар экан. Даун касали фақатгина болаларнинг ақлий қобилиятини пасайтириб қолмасдан, балки шунга қўшимча равишда яна жисмоний нуқсонларни ҳам келтириб чиқарар экан. Буларга ички модда алмашув безларининг яхши ривожланмаганлигини, туғма брак нуқсонларини, кўкрак қафаси тузилишининг бузилишларини, умурқа поғонасининг тўғри эмаслигини, ҳаракат тизимининг бузилишлари киради. Имбецил ва идиот даражадаги ақлий нуқсонли болалар ижтимоий таъминот муассасаларида тарбияланадилар.

Идиотлик – жуда чуқур психофизик нуқсондир. Бу асосан илк эмбрион, ёки кеч эмбрион давридаги бола марказий асаб тизимининг қўпол даражада бузилишидир. Чуқур ақли заифлик кўп ҳолларда жисмоний нуқсонлар билан бирга келади. Буларга ҳаракат тизимининг қўпол бузилишларини, кўрлик, карлик, ярим ва тўла фалажлар киради. Идиотлар ўз шахсини деярли билмадилар. Уларда нутқ баъзан умуман бўлмайди. Баъзан айрим сўзларни талаффуз қилади-

лар. Ташқи оламга, атроф муҳитга қизиқишлари бўлмайди. Овқатланиш тизими ҳам қўпол тарзда бузилган бўлади. Улар баъзан 7-8 ёшлардагина ҳаракатланиши мумкин. Бу болалар доимий назорат қилишни талаб қиладилар. Ёрдамчи мактабларга юборилмайдиган иккинчи тоифа болаларни асосан психик ривожланиши сустлашган болалар ташкил қилади. Психофизик инфантилизмда асосан етакчи белги улардаги шахсий сифатларнинг етарли ривожланмаганлигидир. Аммо, бу болалар олигофренлардан фарқи равишда, ўз шахсларини биладилар. Ўз билимларидаги камчиликларни билиб, сезиб қайғурадилар. Бу болаларнинг кўпчилигида умумлаштириш қobiliятлари сақланган бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, кўп ҳолларда ақли заифликнинг энгил даражаларини психик ривожланиши сустлашган болалардан ажратиб қийин кечади. Чунки, ақли заифликни келтириб чиқарган сабаблар, психик ривожланишни ҳам сусайтирган бўлиши мумкин. Буларга қарамасдан, ақли заифликнинг энгил турларини психик ривожланиши сустлашган болалардан ажрата олиш зарур. Ўқоридаги икки тоифа болалар берилган топшириқларни тушунишда, ўзларининг иш фаолиятларида, катталарнинг ёрдамида фойдаланишларида, ўзларининг қилган иш натижаларига бўлган муносабатларида бир-бирларидан сезилерли даражада фарқ қиладилар.

Савол ва топшириқлар

1. Бош мияси жароҳатланган ўқувчиларга қандай муносабатда бўлиш керак?
2. Бош мияси захм билан зарарланган ўқувчиларга ёрдамчи мактаб таълими жараёнида қандай муносабатда бўлиш керак?
3. Ёрдамчи мактаб таълими жараёнида индивидуал муносабат қандай амалга оширилади?
4. Олигофрен, боғча ҳамда кичик мактаб ёшида бош миялари зарарланган болаларга нисбий тавсифнома беринг.
5. М.С.Певзнер таснифномасини таърифлаб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника. М., 1986. 23-40= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка. М., 1985, 18-21= бетлар.
3. Зейгарник Б.В. ва бошқалар. Хрестоматия по патопсихологии. М., 1981. 3-26= бетлар.

4- Б У Л И М . ЗАИФ БОЛАЛАР ВА УҚУВЧИЛАР РУҲИАТИНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Инсон руҳиятини ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Диагностика ишлари учун, ёрдамчи мактабларни бутлаш учун болалар руҳиятини ўрганиш жуда зарур ҳисобланади, чунки ёрдамчи мактаблардаги таълим-тарбияни самарали амалга ошириб бориш учун бу борадаги маълумотлар керак бўлади.

Инсон руҳиятини атрофлича ўрганиш кишидан ҳар тарафлама билим ва малакалар бўлиши талаб этилиши билан бир қаторда билим, етарлича ҳаётий тажриба ҳам талаб этилади. Бир неча йил болалар билан ишлаган ўқитувчи, тарбиячилар ўз синфларидаги болаларни атрофлича ўрганиб оладилар. Мактаблардаги педагогик кузатишдан ташқари шахс руҳиятини ўрганишнинг турли усуллари мавжуд. Дастлаб биринчи синфга кирмоқчи бўлган ўқитувчи бўлажак ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиб чиқади. Болалар ҳақидаги тиббий кўрсатмалар билан яқиндан танишади. Тиббий хулосаларни, тушунчаларни етарлича ўзлаштириш учун ёрдамчи мактаб ходимлари бундай билимларни яхши эгаллаган бўлишлари лозим. Боланинг руҳий тараққиёти ҳақидаги қимматли маълумотлар болаларнинг ота-оналаридан олинади. Жуда эҳтиёткорлик билан, ота-онанинг қалбига шикаст етказмасдан, нуқсонли боласи ҳақидаги зарурий маълумотлар йиғилади. Айниқса, ота-оналардан боланинг умумий ривожланишидан ташқари, нуқсон ўз бергандан кейинги ўзига хос, нуқсонли ривожланиши ҳақидаги маълумотлар жуда қимматли ва диагностика аҳамиятга эга. Ёрдамчи мактаблардаги ўқитувчи ва тарбиячиларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион, соғломлаштириш ишларининг барчаси шу маълумотларга асосланади. Болалар ҳақидаги тегишли маълумотлар олингандан кейин, улар билан таълим-тарбиявий ишлар олиб борилади. Ёрдамчи мактаблардаги ақли заиф болаларни атрофлича ўрганиш учун қатор, махсус тажриба-психологик услубиятлардан, усуллардан фойдаланиш мумкин. Тажриба ҳақида умумий психологиядан ҳам маълум. Шу сабабли, бу ҳақда атрофлича тўхталиб ўтирмаймиз. Олдинги мавзуларда ҳам қисман тўхтаб ўтилган. Тажриба ўтказиш оддий кузатишдан фарқ қилади. Бунда тажриба ўтказувчи ўрганилиши керак бўлган руҳий жараёнларни турли йўللار билан, маълум режа асосида ўрганиб боради. Тажриба ўтказиш орқали ўқитувчи қатор руҳий жараёнларнинг ҳолати, уларнинг ўзгариб туриши, турли қийинчиликлар ўз бериши, уларнинг сабабларини секин-аста

тушуниб боради. Тажриба барча фанларда энг мукамал текшириш усулларидан бири ҳисобланади. Айниқса, нуқсонли руҳий ҳолатларни ўрганиш учун тажриба ўтказиш жуда зарурдир. Ёрдамчи мактабларда ишлаётган олигофренопедагоглар қатор тажриба услубиятларини билиши, уларни ўринли ишлата олиши, тажриба натижаларини таҳлил қила олиши, баҳолай билиши, янги услубиятлар ярата билиши лозим. Ўқитувчи ақли заиф ўқувчиларга уйга берилаётган топшириқларнинг ҳажмини ҳам тажриба ўтказиб билиб олиши мумкин. Дарслик материалларининг қайси қисмини синфда, қайси қисмини уйда ечиш мумкинлигини ҳам тажриба орқали аниқлаб олиши мумкин. Айрим ўқувчилар ноаниқ сабабларга кўра дарс материалларини ўзлаштира олмасалар ҳам ўқитувчи махсус тажриба орқали бунинг сабабларини ҳам ўрганиши мумкин. Бу борада Х.С.Замский ва А.Р.Лурия айрим ишларида батафсил маълумотлар келтирилган. Олигофренопедагог патопсихологик услубиятларни яхши ўзлаштирган бўлса, шифокор-психоневрологлар учун яқин ёрдамчи ҳисобланади. Ақли заиф болалар диагностикасидаги мунозарали вақтларда олигофренопедагог тегишли, малакали ёрдам бериши мумкин. Қатор олигофренопедагоглар экспериментал патопсихологик муассасаларда, руҳий шифохоналарда, психоневрологик муассасаларда хизмат қилмоқдалар. Улар тўплаган қимматли маълумотлар диагностик ишларда катта аҳамиятга эга. Айниқса, патопсихологик тажриба психологик-тиббий-педагогик комиссия ишларида, ақли заиф болаларни ёрдамчи мактабларга саралаш вақтларида кенг қўлланилади. Болаларга ақли заифлик ҳақида ташхис қўйишдаги мунозарали вақтларда болани патопсихологик текшириш тавсия этилади. Бунинг натижасида бола ҳақида қўшимча қимматли маълумотлар қўлга киритилади. Бу маълумотлар айниқса, боланинг билиш фаолиятлари ҳақидаги билимларнинг қўлга киритилишидир. Олигофренопедагог услубиятларнинг тузилиш принципларини ҳам билиши талаб этилади. Олигофренопсихологияда мавжуд бўлган объектив усуллар орқали ақли заиф бола руҳиятининг ўзига хос томонлари, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида маълумотлар беради. Ёрдамчи мактабларда болаларни ўрганиш олигофренопедагогнинг асосий ишларидан бири ҳисобланади. Руҳиятни ўрганиш атрофлича амалга оширилиши керак. Ақли заиф болалар шахсини психологик, педагогик, тиббий ўрганиш умумий тарзда амалга оширилгандагина, ягона бир ҳудосага келиш мумкин. Барча руҳий заробиларни ўрганиш жараёнида

объективлик, динамиклик; аналитик-синтетик, атрофлик, индивидуал ёндашиш принципларига риоя қилишимиз даркор.

Объективлик деганда, ақли заиф болалар руҳиятини ўрганиш ишлари реал шароитда, ҳаёт жараёнида олиб борилиши тушунилади.

Динамиклик эса, ақли заиф бола, ўқувчини ўрганиш унинг ривожланишида, тараққиётида амалга оширилади.

Аналитик – синтетик принципда эса, руҳий жараёнлар, ҳолатлар атрофлича, ҳар томонлама боғлиқлик ҳолатида ўрганишни назарда тутади.

Комплекслик принципи эса, ақли заиф болаларни ўрганишда педагогик, психологик, тиббий, логопедик текширишларни бирга олиб боришни тушунамиз. Индивидуал ёндашиш принципи эса, болани ўрганиш вақтида қатъий тарзда шахснинг индивидуал хусусиятларини инobatга олишни тушунамиз. Усул танлаш ҳар бир текширишнинг мақсадидан, вазифаларидан келиб чиқади. Аммо, барча усулларда кўрида қайд этиб ўтилган принципларга амал қилиш лозим. Ақли заиф бола руҳиятини ўрганаётган олигофренопедагог ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйиши керак;

- бола руҳиятининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш,
- бола руҳиятидаги нуқсон тузилишини аниқлаш,
- боланинг ақлий ривожланиш даражаси ва хусусиятларини

очиш,

- ақли заиф бола руҳиятидаги ижобий томонларини топиш,
- ақли заиф бола билан олиб бориладиган коррекцион, таълим-

тарбиявий ишларнинг самарали, маҳсулдор шароитларини белгилаб олиш. Ақли заиф бола руҳиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш асосида улар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишлар мазмуни, моҳияти белгиланади. Ақли заиф болаларнинг шахсий ҳужжатлари билан таниша бориб, ўқитувчи, тарбиячи боланинг касаллик тарихи, касаллик қолдирган асорат хусусиятларини таҳлил қилади.

Ақли заиф болалар руҳиятини ўрганишнинг асосий усулларидан бири болани кузатишдир. Мақсадга мувофиқлик, режаллик, бир тизимдалик, табиийлик бу усулнинг асосий, ижобий хусусиятларидандир. Кузатиш усули орқали таъриба ўтказувчи ақли заиф боланинг билиш қабилатлари хусусиятларини, ўқув малакаларини эгаллаш хусусиятларининг кечиши, малака ва кўникмаларининг эгалланиши, шахсий сифатларининг نموён бўлишини билиб олишга имконият туғилади. Педагог болани турли қабилатларда: ўйин, ўқиш, меҳнат, ижтимоий ҳаётдаги ишларда ўзларини тутишларига қараб, кузатиб ўрганади.

Болани кузатиш ҳақидаги маълумотлар махсус кузатув дафтарида баён этиб борилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, кузатиш усули қатор ижобий томонлари билан бирга, айрим камчиликлари, салбий томонлари ҳам мавжуд. Бунга мисол қилиб, кузатиш усулининг педагогии пассив ҳолатга тушириб, фақат тегишли маълумотларни белгилаб бориш, ёзиб олишдангина нари ўтмайди. Шу сабабли, педагог болани психолого-педагогик ўрганганда фақатгина кузатиш усули билан кифояланиб қолмаслиги керак. Бола руҳиятини ўрганишнинг асосий усулларида яна бири, тажриба ўтказишдир, бунда тажриба ўтказувчи фаол ҳолатда бўлиб, махсус шароит яратиб, ўзи учун керак бўлган руҳий жараёнларни ўрганadi. Тажриба орқали аниқ, конкрет саволларга жавоблар олинади. Тажриба ўтказилиш шакли, тури, мазмунига кўра табиий ва лаборатория шароитида ўтказилиши мумкин. Лаборатория тажрибаси махсус шароитда, турли асбоб-ускуналардан, ўқувнинг техника воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, периметр билан кўриш доирасини, эстеziометр билан тактил сезгилар чегарасини, камертон билан товуш баландлигини тахистоскоп билан эса идрок ҳажми ва тезлигини, хотиранинг аниқлиги ва мустаҳкамлигини аниқлаш мумкин. Демак, лаборатория усулида сунъий тарзда бизга ўрганиш керак бўлган руҳий жараённинг намён бўлишини қайд қилиб борадиган асбоб-ускуналар талаб этилар экан.

Табиий тажрибада эса, ўқоридаги айтиб Утилган воситалар талаб этилмайди.

Табиий тажриба болаларга таниш бўлган оддий шароитларда амалга оширилади. Уни ўтказилаётганда қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш керак;

1. Оддий руҳий фаолиятни моделлаштириш;
2. Олинган маълумотларни сифат жиҳатдан таҳлил қилишга диққат, эътиборни қаратиш;
3. Тажрибада ишлаш вақтини, иш ҳажмини, болалар томонидан йул қўйилган хатолар сонини эътиборга олиш.

Тажриба объектив ва реал фактларни ҳисобга олишни талаб этади. Қарорда боланинг ҳаракатлари, боланинг берган саволлари, унинг нутқи, ҳиссиёти, йул қўйган хатоларига муносабати, болага кўрсатилган ёрдам мазмуни баён этилиши талаб этилади. Эксперимент ўтайтган вақтда экспериментатор ишга аралашishi, қайта сураши, болага берилган топшириқларни қайтариши, болани рағбатлантириши, саволлар бериши, маслаҳат бериши, на бошқа ҳолатлар-

га руҳоат берилади. Аммо, экспериментатор тажриба ўтказувчи оерган бўлмаслиги талаб этилади. Боланинг тажрибада қийналиши, фикрларининг тарқалиши, умумлаштира олмаслиги, мантикий фикрлар туза олмаслиги оқибатида келиб чиқади. Тажриба, кузатиш ва суҳбат биргаликда олиб борилади. Суҳбат мақсадининг аниқлиги, тушунарлилиги, берилаётган саволларнинг дундалиги билан ажралиб туриши керак. Тажриба ўтказувчи боланинг диққатини ўзига қаратиб, топширақларга жавоб беришга хоҳиш уйғотиши керак. Бола билан суҳбатлашш орқали педагог боланинг қизиқишлари, интилашлари, мойиллигини билиб олади. Болага қуйидаги тарзда саволлар бериши мумкин. Неча ёшдасан? Исминг ким? Кимлар билан яшайсан? Яшаш жойинг қаерда? Ота-онанг нима иш билан шуғулланишади? Бу каби саволлар орқали болани бирмунча тинчлантириб, у билан мулоқотга киришишга тайёрланилади. Бусиз тажриба бошлаш яхши натижаларга олиб келмайди. Чунки, бола ҳаяжонланиб, қўрқиб билган жавобларни ҳам бермаслиги мумкин. Ақли заиф болалар руҳиятини ўрганиш учун турли анкеталардан ҳам фойдаланилади. Берилаётган анкета саволлари аниқ, пухга, мазмунли бўлиши талаб этилади. Олинган жавоблар чуқур таҳлил қилинади, уларни қатор математик усуллар орқали ҳам таҳлил этилиши аҳамиятlidir. Бу усулларга: альтернатив, корреляцион, ва дисперсион усуллар киради.

Альтернатив таҳлил орқали болада биз ўрганаётган сифатлар бор-йўқлигини аниқлашга, очиб беришга ёрдам беради.

Корреляцион таҳлил руҳий ҳолатларнинг белгилари орасида ўзара боғлиқлик борлигини аниқлашга ёрдам беради.

Дисперсион таҳлил бола руҳиятига таъсир этадиган омилларнинг биз ўрганаётган белгига таъсир роляни аниқлашга ёрдам беради.

Юқорида баён этилган қатор усуллар бола руҳиятини ўрганишнинг асосий усуллари саналади, болалар иш фаолияти натижаларини ўрганиш, таҳлил этиш эса қўшимча усулларга киради. Болаларнинг ёзма ишлари, чизган раомлари, ясаган буюмлари, меҳнат маҳсулотлари киради. Ёрдамчи мактабларда ақли заиф бола руҳиятини ўрганишда қатъийлик усулдан ҳам кенг фойдаланилади. Қатъийлик-қасал ҳақида узок муддат давомида йиғилган маълумотлардир. Бу усул, айниқса, тиббиётда кенг қўлланилади. Ёрдамчи мактабни битирган ўқувчиларнинг қатъийлик орқали ёрдамчи мактабдаги коррекцион, тарбиявий таълимнинг самарадорлигини ошириб бориш мумкин. Руҳиятни ўрганишнинг алоҳида, ўзига хос самарали усулларидан бири тестлардан фойдаланишдир. Шунинг эътироби этиш жуда ўринлики, тестлар руҳиятни

Ўрганишининг яхши усули эканлиги узок йиллар давомида бизнинг мамлакатимизда етарлича тан олинмади. Сунгги йилларда бу камчилигимиз тўғрилимоқда. Теотлар асосан текширилётган болада у ёки бу оифат, эгаллаган билимлар даражаои, боланинг тейёргарлик даражаоини аниқлаш учун хизмат қилади. Турлича тузилишга, мазмунга эга булган теотларни қўллаш орқали болаларнинг ақлий коэффициента аниқланади. Албатта, теотларни қўллаш бизга керак булган барча маълумотларни етерли даражада бера олмаслиги мумкин. 1969 йилда Вашингтонда психиатрларнинг кенгашида болаларнинг ақлий коэффициентини фекатгина теотлардан фойдаланмаодан, баджи қўшмача тарзда бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш тавоия этилди. Теотларни қўшмача воситалар оифатида қўллаш таклиф қилинди. Асооий усул эоа, болани бирмунча узок муддат тиббий, педагогик, психологик текшириш уринли эканлиги кўроатиб утилди.

Қисоқача айрим уолубиятлар устида тухталиб утемиз

С е г е н т а х т а ч е о и

Умуман барча болаларнинг, хуоусан ақли заиф болаларнинг тафаккур жараёнларини текшириш учун қўлланилиши мумкин. Сеген доокаоининг тузилиши қуйидагича: 10 та геометрик фигурани олиб мах-оуо картон ёки фанерда шу геометрик фигуралар шаклида чуқурчалар ўйилади. Учбурчак, тўртбурчак, квадрат, айлана, ромб, тўғри тўртбурчак, трапеция каби геометрик фигураларни тушунтириш асооанда болалардан тегшли чуқурчаларга жойлаштириши талаб этилади. Иш тартиби қуйидагича. Дастлаб тажриба утказувчи болаларга чуқурчаларга жойлаштирилган тахтачани кўроатади. Шундан оўнг у тахтачадаги фигураларни тўкиб ташлайди ва болалардан яна фигураларни ўз жойларига жойлаштиришни оурайди. Бу усул айниқса, чуқур ақли заиф болаларни боғча ёшида ўрганишга ёрдам беради. Бола гапирмаслиги ҳам мумкин. Бу усулнинг турли вариантлари бор. 2 ёшли болалар учун 4 та фигурали, ундан катта болалар учун эоа, 10 та фигурали варианты бор. Ақлен нормал болалар 2 ёшдан бошлаб бу ишни тўғри бажара оладилар. Ақлий нуқсондилар, айниқоа чуқур ақли заиф болалар геометрик фигураларни пайпаслайдилар, оғизларига олиб кўрадилар, уларни отолга уриб тақиллатадилар. Мақсадониз ҳаракат қиладилар, синов ва хато усуллардан фойдаланадилар. Бу болалар кўроатилган ёрдамдан фойдалана олмайдилар. Тажриба утказувчининг бераётган кўроатмасоини идрок қилиши, тушуниб етиши ҳам диагностик ахамиятга эга. Усулнинг содда тузилшга эгаллиги осаббли, ҳар бир

ўқитувчи, тарбиячилар муотакил равишда яоаб фойдаланишлари мумкин.

К о о о у о л у б и я т и

1923 йилда Америкалик психолог Коос томонидан ишлаб чиқилган. Бу услубият боланинг фазода мулжал ола билиш, жадваддаги фигураларни таҳлил қила билиш, фаҳм-файрсат, диққатлилик ҳодатларини урганишга мулжалланган. Кубиклар 16 та бўлиб, барчасининг томонлари бир хил рангда бўлган. Ҳаво ранг, қизил, сариқ, оқ, оқ-қизил, сариқ- ҳаво ранг кубиклар томонларининг ранглариридир. Болаларга таклиф этиладиган жадваллар мураккаблигига кура: тўрт, тўққиз ёқи ун олтига кубиклардан иборат бўлади. Бу усулни 4 ёшдан бошлаб, ундан катта ёшдаги болаларга ҳам тавсия этиш мумкин.

Текшириладётган болега маълум жадвал ва кубиклар берилади. Боледан жадвадда таовирланган фигурани яоаш оуралади. Мумкин қадар содда жадваллардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бу усулнинг қимматли томонларидан яна бири шундаки, боле тажриба ўтказувчи билан мулоқатга кирмаслиги мумкин. Шунда боле гапармасоа ҳам, қўл билан топшириқни бажариши мумкин. Бу усул билан ишлаш жараёнида шунга амин буддиққи, ақлий нуқсонлилар, аксарият нормал болалар ҳам бу усул билан қизиқиб ишларар эканлар. Бу ёса тажриба ўтказувчи учун жуда катта нарса.

Т у р т и н ч и с и о р т и қ ч а

Бу услубият ўзининг соддалиги билан ажралиб туради. Унинг номидан кўриниб турибдики, бирор нарсанинг тўртинчиси ортиқча экан. Бу услубиятнинг жуда кўп вариантларини муотакил ишлаб чиқиш мумкин. У асоодан тафаккурнинг турли томонларини урганишга хизмат қилади. Айниқса, болаларнинг умумлаштира олиш қобилиятини жуда яхши очиб беради. Услубиятнинг мазмуни қуйидагича: мевалар, ўсимликлар, дарахтлар, ҳайвонлар, идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, ўқув қуроллари ва ҳоказолардан 4 та расм олинади. Шу расмларнинг 3 таси бир тоифага, 1 таси бошқа тоифа нарсаларга хоо бўлиши даркор. Боле таовирланган 4 та расмининг қайси бири ортиқча эканлигини аниқлаши керак. Бу услубиятни боғчагача, боғча, кичик мактаб, ўрта мактаб ёшидаги болеларга ҳам кўллаш мумкин, ақлий овиянинг пастлигига қараб, бирмунча катта ёшдаги болеларга ҳам тавсия этса бўлади.

Д е м б о - Р у б и н ш т е й н С . Я .
у о л у б и я т и

Бу уолубият - Америкада ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик С.Я.Рубинштейн томонидан қайта ишланган. Болаларнинг уз-узларига баҳо беришлари, узларига танқидий қарашлари урганлади. Асоан, шахсий сифатларнинг қай даражада шаклланганлигини кўрсатиб беради. Бунинг учун болаларга қуйидаги топшириқлар берилди: соғлиқ, ақл, характер, бахт, гўзаллик каби тушунчалар таклиф этилади. Бу тушунчаларнинг 9 та даражага ёки сифатини болалар узларига моо тарзда танлашлари таклиф этилади. Бу даражалар нарвон шаклида, юқорига кўтарилган оари бу тушунчалардаги сифатлар камайиб боради. Масалан: ақл тушунчасида, I даража энг ақлли хисоблана, 9 даража эса, энг ақлоиз даража сифатида белгиланган ва ҳоказо. Болаларнинг ҳар бир тушунча бўйича берган жавоблари махоуо жадвалда бирлаштирилиб, уларнинг нормал тенгдошлариникига таққо-ланила, жуда қизиқарли манзаранинг гувоҳи бўламиз. Олинган маълумотлар асосида болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларимизни мақсадга мувофиқ тарзда режалаштиришимиз мумкин.

В е к о л е р у о л у б и я т и

Бу уолубият ўзининг тузилиши, ҳазмининг ниҳоятда кенглиги билан бошқалардан тубдан фарқ қилади. У 1949 йилда Америка Қўшма Штатларида яратилган бўлиб, 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни текширишга мўлжалланган. Уолубият қатор мамлекатларда қайта ишланган. Бизда Д.Веколер уолубияти жуда кенг тарқалди. Тест нормал болаларни олигофрен болалардан ажратишда, руҳий ривожланиши оустлашган болалар ақлий фаолиятларини ўрганишда, ўзлаштирмаслик осабларини таҳлил қилишда қўлланилди. Барча текширишларда тест ўзининг юқори ишончлилигини, валидчилигини кўрсатди... Веколер тестининг афзаллиги шундаки, у фақатгина интеллектнинг умумий даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қилмаодан, балки унинг тузилиши ҳақида ҳам маълумот беради. Буларни вербал ва новербал интеллеktуал сифатларни текширишда қўлга киритилади. Бу маълумотлар бола ақлий фаолиятининг қайси томонлари камроқ шаклланганлиги ва қайси томонлар билан қопланиши мумкинлигини кўрсатади...¹.

¹ Практикум по педпсихологии. под ред. Б.В.Зейгарник., и др. М., 1987. стр 158.

Юқоридаги ижобий фикрлар Веколер услубиятига берилган объектив баҳоидир. Албатта, барча услубиятларда бўлганидек бу услубият ҳам айрим жузъий камчиликларден ҳоли эмас. Аммо, бу камчиликларнинг аҳамиятини кемайтира олмайди. У икки қисмдан иборат. Биринчи 6 та теот болаларнинг вербел, қолган 6 таси номербал ақлий фаолиятларни ўрганишга хизмат қилади. Теотлар қуйидагича номланади.

1. Боланинг умумий хабардорлигини аниқлашга хизмат қилувчи теот.
2. Боланинг тушуниш қобилиятини аниқловчи теот.
3. Математик билимларни ўрганувчи теот.
4. Тушунчалар орасида аналогия ва ўхшашликни топишга оид теот.
5. Болаларнинг дугат бойлигини ўрганувчи теот.
6. Рақамларни қайтараш.
7. Суратлардаги етишмайдиган қиомларни топиш.
8. Суратлар кетма-кетлиги.
9. Кубиклардан фигуралар тузиш.
10. Айрим қисмлардан объектлар яваш.
- II. Кодлаш.
12. Лабиринт.

Ақлий тараққиётдаги камчиликлар кўп ҳолларда боғча, мактабга тайёрлов даврларида ҳам кўзга ташданмайди. Бу кийинчиликлар боланинг мактабга келиб, турли фанларден билимлар олиб бошланганларидан кейин кўзга ташлана бошлайди. Бошлангич синфлардаги ўзлаштирамовчи ўқувчиларнинг катта қисмини руҳий ривожланиши оустлашган болалар ташкил этади. Маълумки, бу болаларнинг клиник кўриниши турли-тумандир. Бу болаларда ақлий тараққиётнинг турли даражада, турли мазмунда бузилганлигини кўриш мумкин. Уларнинг потенциали имкониятлари ҳам турличадир. Бу болаларга нисбатан нотўғри қилинган айрим педагогик муносабат фақатгина улардаги орқада қолишни чуқурлаштириб қолмасдан, балки болаларда оғалбий шахсий сифатларнинг шаклланиб боришига оғалб бўлиши, ҳамда болалардаги оғалб, руҳий касалликларнинг чуқурлашишига олиб келиши мумкин.

Рухиятни ўрганишнинг айрим усублари хусусида юқорида тўхталиб ўтдик. Унинг яна қатор усублари маълум. Буларга қуйидагилар киради: Клипец, Пиктограма, Шудте жадавали, тўғри ва тесқари санаш, корректур ойнаш, кодлаш, геометрик фигураларни

таснифлаш, мазмунли оуратлар, ҳаётда учрамайдиган қулғили кўри-
нишлар, берилувчанликни ўрганиш, Де-Грефе (ўз-ўзига баҳо бериш),
Россолимо уолуби ва ҳоказолар.

Савол ва топширақлар

1. Рухиятни ўрганишнинг қайои усулларини биласиз?
2. Тажриба утказиш ҳақида сўзлаб беринг.
3. Уолубиятлар тузишдаги принциплар нималардан иборат?
4. Мустақил равишда ўз дафтарингизга қатор уолубиятларни чи-
зинг.
5. Теот уолудининг яратилиши ҳақида оузлаб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника
М., 1986. 60-93= бетлар.
2. Методы психолого-педагогического изучения аномальных де-
тей. М., 1981.
3. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка.,
М7, 1985., С. 28-34.
4. Хреотоматия по патопсихологии. М., 196-113= бетлар.
5. Общая психодиагностика., под ред. А.А.Бодалева, В.В.Сто-
лина., М., 1987.
6. Психологическая диагностика проблемы и исследования. Под
ред. К.М. Гуревича. М., 1981.

Б Ъ У Л И М . А Қ Л И З А И Ф Б О Л А Л А Р О Л И Й А С А Б Ф А О Л И Я Т И Н И Н Г Х У С У С И Я Т Л А Р И

Ёрдамчи мактабларда таълим олаётган ақли заиф болалар клиник тавоифномаси буйича бир топфага кирмайдилар. Бу болаларнинг бир топфага кирмасолигининг қатор сабаблари мавжуд. Буларга нуқсон сабабларининг ҳар хиллиги, ҳамда нуқсон юз берган вақтнинг турли даврлигидир. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари орасида бош мия касалликлари давом этувчи (тутқаноқ, шизофрения ва бошқалар) болалар билан бирга, боғча ва кичик мактаб ёшда бош миалари зарарланган болалар таълим оладилар. Бош мия зарарланишлари турли жароҳатлар оқибатида ёки юқумли касалликлар натижасида (масалан, энцефалит) юз берган бўлиши мумкин. Шуларга қарамадан, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий қисмини олигофрен болалар ташкил этади. Бу болаларнинг бош миалари ҳомилалик ёки илк чақалоқлик даврларида турли зарarli таассуротлар таъсирида зарарланган болалардир. Бундай зарarli таъсирларга ҳомилалик давридаги онанинг турли касалликлар билан касалланиши, туғилиш вақтидаги жароҳатлар, ҳамда чақалоқнинг илк ойлардаги оғир касалликлар билан оғриши натижасидаги бош мианинг чуқур зарарланиши киради. Бола бош мия тизимидаги асаб ҳужайралари, айниқса бош мия пуотлоғи жуда нозик тузилишга эгаллиги сабабли, турли салбий таъсирларга тез берилувчан бўлади. Бош мия ҳужайраларининг бутун фаолияти қандайдир даражада ўзгариб, бузилишга мўйил бўлади. Бош мида юз бераётган физиологик жараёнлар, рухий жараёнларнинг механизмлари бўлганлиги сабабли нормал кечмайди. Агар боланинг бош миаси илк ҳомилалик даврида зарарланган бўлса, чақалоқ туғилиши билан бош мия тизими нуқсонлари кўзга ташлана бошлайди. Нормал болалар туғилиши билан атроф-муҳитнинг турли қўзғатгичларига жавоб таъсирини беради. Бундай жавоб реакциялари шартсиз рефлекслар деб юритилади. Бундай шартсиз рефлексларга сўриш, ушлаш, йўталиш, кўзни юмиш, йиғлаш ва бошқалар киради. Юқорида баён қилиб утилган шартсиз рефлекслар асосида чақалоқнинг биринчи ҳафталааридаёқ шартли рефлекслар пайдо бўла бошлайди. Дастлабки, шартли рефлексларга сўриш, эмиш киради. Болани онанинг қўлига олиши ва эмишига тайёрланиши бир неча марта қайтарилгач, болада шартли рефлекс пайдо бўла бошлайди. Болада жуда эрта "тахминлаш" рефлекси пайдо бўла бошлайди. Бу инсон ва ҳайвонлар олий асаб фаолиятларида жуда катта рол ўйнайди. И.И.Павлов таъбирича "нима экан" рефлекси атроф-муҳит-

дан бўлаётган қўзғатгичларга боланинг сошини ёки кузини бураб, алағлаб қарашдир. Шунга айтиб ўтиш ўринлики, бу мазмундаги рефлексларнинг болада пайдо бўлиши улар олий асаб фаолиятларининг яхши ҳолатидан дарак беради. Болалар олий асаб фаолиятларининг ривожланиши жараёнида боладаги туғма реакциялар ўзгариб боради. Баъзи шартсиз рефлекслар умуман борган сари тормоқланиб боради. Нормал ривожланаётган болада икки ойлигидан бошлаб "ушлаб олиш" рефлекси, бир ёшга тулиш арачасида сўриш рефлекслари йўқола бошлайди. Олий асаб фаолиятларининг кейинги тараққиёти янги шартли боғланишларнинг пайдо бўлиши билан кечади. Олигофрен болаларнинг рефлексор фаолиятларининг тараққиётидаги четга чиқишлар жуда эрта кўзга ташланади. Чуқур даражадаги олигофренларда овқатланиш шартсиз рефлекси ҳам пасайган бўлиши мумкин. Илк ёшдаги олигофренларда табиий шартли рефлексларнинг шаклланиши жуда секинлашган бўлиб, сунъий шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши деярди мумкин эмас. Нормал болалардаги сўриш, рефлексининг биринчи ёш охирида йўқолиб бориши кўзатилса, олигофренларда бу рефлекс икки, баъзан уч ёшларгача давом этади. Чуқур ақли заифларда (идиотлар) бундай рефлекс ҳатто, бутун умр давомида оқданиб қолиши мумкин. Марказий асаб тизимларидаги органик бузилишлар олигофрен болаларнинг барча анализаторларида нуқсонлар бўлишига олиб келади. Олигофрен болаларда бош миyanинг ривожланмаслиги оқибатида барча асаб жараёнларининг динамикаси ҳам бузилади. Бунинг оқибатида бош миyanинг атрофдан келаётган таъсирларни таҳлил қилиб жавоб бериши бузилади. Кўпчилик ақли заиф болаларда айрим анализаторларнинг периферик қисмларининг зарарланиши натижаида, кўриш, эшитиш ва бошқа сезгалар нуқсонлари юз берар экан. Америкалик психолог Ловенининг маълумотларига қараганда, текширилган ақли заиф болаларнинг учдан бир қисмининг кўриш нуқсонлари мавжуд экан. Краттер ва О "Коннорларнинг таъкидлашларича, ақли заиф болаларнинг кўпчилигида турли рангларни ажратишда хатоликка йўл қўяр эканлар. Табиийки, бу нуқсонлар ақли заиф болаларда кўриш гидрокинининг нуқсонлилигига олиб келади. Нормал болалардан бирмунча кўп ақли заиф болаларда эшитиш камчиликлари учрар экан. Колман маълумотларига қараганда, ақли заиф болалардаги эшитиш нуқсонлари нормал болалардан 3-4 марта кўп учрар экан. Нуқсонлиларда тери анализаторлари ишида ҳам камчиликлар бор экан. Мейер-Гросс ва бошқаларнинг кўрсатишларича, ақли заиф болаларнинг кўпчилигида эгрик сезгилари бирмунча кучайган экан. Кўпчилик ақли заиф болаларда

ҳаракат анализаторларининг нуқсонлари учрар экан. Бундай камчиликлар ақли заиф болаларнинг 50% учраб, уларнинг юриб кетишлари бирмунча кечикар экан. Бу болаларнинг нутқ-ҳаракат анализаторининг нуқсонли ривож асосида қатор талаффуз камчиликлари юз берар экан. Кўпчилик ақли заиф болаларда турли нутқ камчиликлари учрар экан. Ақли заиф болаларнинг 71% нутқ кечикиб ривожланар экан. Олигофрен болаларнинг бош миёсидаги нуқсон иккинчи сигнал тизимининг яхши ривожланмаслигига олиб келади.

Ақли заиф болаларнинг олий асаб фаолиятлари хусусиятларини учта илмий жамоа атрофлича урганганлар. Н.И.Красногорский узининг бир гуруҳ ходимлари билан боғча ёшидаги олигофрен болаларнинг шартли рефлексор фаолиятларини экспериментал тарзда урганганлар. Иванов-Смоленский ходимлари билан мактаб ёшидаги олигофрен болаларнинг олий асаб фаолиятларини урганганлар. 60- йилларда профессор А.Р.Лурия раҳбарлигида эва, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг олий асаб фаолиятлари қатта ҳажмдаги тажриба текширишлари билан урганилди. Олинган натижалар куйидагилардан иборет. Ақли заиф болаларда янги шартли боғланишлар нормал тенгдошларидан бирмунча кеч шаклланар экан. Шаклланганлари ҳам мустаккам бўлмас экан. Ақли заиф болалар олий асаб фаолиятларидаги суутлик, шартли боғланишларнинг секин шаклланиши асосий хусусиятлардан бири экан. Шу сабаб билан ақли заиф болаларнинг таълим-тарбиядаги суутлик белгиланар экан. Илмий текширишларнинг кўрсатишича, ақли заиф болаларда дифференциация қила билиш ҳам қатта қийинчилик асосида амалга ошар экан. Шу билан бирга булар турғун бўлмасдан, тез оунар экан. Мъдумки, шартли боғланишларнинг тўғри шаклланиши учун асаб жараёнлари етарли кучга, кўзгалаш ва тормозланишга эга бўлиши даркор. Болалар бош миёсининг турли даражада зарарланиши оқибатида, унинг функционал ҳолати ўзгеради. Жароҳатлар, турли салбий таъсирлар натижасида бош миё айрим қисмларининг ҳужайралари зарарланади. Шу билан ҳам бош миёнинг функционал ҳолати ёмонлашади. Шулар оқибатида кўзгалаш ва ички фаол тормозланиш суутлашади. Бош миёнинг турли даражада, турли қисмларининг, турли вақтда зарарланиши асаб жараёнлари бўлган-кўзгалаш ва тормозланишнинг сусайишига олиб келар экан. Бош миё пўстлогининг функционал аҳволининг ёмонлашиши ўз навбатида асаб ҳужайраларининг сусайишига олиб келади. Кам ҳажмдаги, арзимас топшириқлар оқибатида "оқловчи тормозланиш ҳолатига" тушиб қолади. Бундай ҳолат нормал одам-

ларга ҳам хоҳдир. Соппа-соғ кишининг меъёридан ортиқ толиққонларида, етарли ухламаганларида, кучли қўзғатгичларнинг мунтазам таъбири оқибатида бундай ҳолатга тушишлари мумкин. Баъзи вақтларда кишининг маълум бирор нарсага диққатларини қарата олмасликлари, атрофларидаги барча нарсаларнинг ноаниқ идрок этилиши, тушуналиши осон бўлган воқеаларни тушуна олмасликлари қаби ҳолатларга тушиб қолишлари мумкин. Аммо, бундай ҳолатлар нормал кишиларда узоқ давом давом этмадан маълум вақтдан кейин ўтиб кетади. Нормал кишиларда бундай ҳоллар қамдан-қам ҳолатлардагина, ўзига хоо оғир аҳволга тушиб қолганларидагина юз бериши мумкин. Бош миyanинг оғир касалликларини бошидан кечирган болаларда юқоридаги бундай оалбий қуринишлар тез-тез учраб туради. Айрим ҳолларда бундай жараён қисқа муддатда ўтиб кетса, баъзан бундай қўнғилсиз воқеалар узоқ давом этиши, ҳатто ойлаб, йиллаб чўзилиши мумкин. Бола бош миyanининг ҳужайралари тормозланган вақтда унинг ақлий иш қилиш қобилияти жуда паст бўлади. Аммо, бу ҳолат ўтқинчи ҳообланади. Бундай ҳолатларни ёрдамчи мактаб ўқитувчи ва тарбиячиларининг билишлари лозим. Ёрдамчи мактаблардеги айрим болаларнинг маълум вақтларда деотур маълумотларини жуда ёмон даражада ўзлаштиришлари, қисқа муддатли ҳордиқ чикериш, даволанишдан кейин эва ўзлаштиришларининг яхшиланиб кетиши ҳоллари маълум. Бу нарса юқорида айтиб ўтганимиз тормозланиш жараёнларининг юз беришидир. Ҳатто, ёрдамчи мактаб ўқувчиларида учраб турадиган қисқа муддатли тормозланиш ҳолатларининг юз бериши ҳам, ақли заиф болаларнинг ақлий иш қилиш қобилиятларининг пасоайишига олиб келар экан. Болалардаги ақлий пасоая у даражада бузилмаган бўлса-да, қисқа муддатли тормозланишлар ҳам болаларда сезиларли даражада иш қилиш қобилиятларининг пасоайишига олиб келар экан. Тормозланишга мойиллик ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг барчасига тааллуқли бўлса-да, барча болалар ҳам тормозланавермайдилар. Болаларнинг айримларидагина бундай ҳоллар кузатилади. Ақли заиф болалар олий воаб фаолиятларининг ўзига хоо хусусиятларидан яна бири мўртликдир. Бу ҳақда М.С.Невзнер ва В.И.Лубовскийлар жуда кўп қимматли маълумотлар берганлар. Олигофренларнинг яна бир ўзига хоо хусусиятларидан бири биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари орасидаги узаро муносабатнинг бузилганлигидир. Бу бузилиш иккинчи сигнал тизимининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Бу борада А.Р.Лурия ва унинг шогирдлари томонидан қатор тажриба ишлари ўтказилган. Маълум бўлишича, ақли заиф болалар сўзли кўрсатмалардан кўра,

кўرғазма шаклдаги кўроатмаларни яхши қабул қилар эканлар. Бу ҳол нормал болғлерда эса, аксинча, яъни нормал болалар оўзла кўроатмаларни кичик ёшлардан бошлаб яхши қабул қилиб, унга риоя қилар эканлар. Шундай қилиб, ақли заиф болаларга ҳоо хусуоиятлар: бош мия тизимининг кўзгалаш ва тормозланиш жараёнларининг оустлиги, уларнинг мўртлиги, тормозланишга мойиллик, иккинчи сигнал тизимларининг етарли ривожланмаганлигидир.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини уларнинг олай асаб фаолиятларининг хусусиятларига кўра учта тоифага бўлиш мумкин. Ёрдамчи мактабларда аксоарият болаларнинг бош мияларининг кўзгалувчанлик жараёнлари оуотлашган. Шу болалар асосий, биринчи тоифани ташкил қилади. Бу болалар бўш, секин ҳаракат қиладиган, янги маълумотларни ёмон ўзлаштирадиган, қийин ўқийдиган, умуман қониқарли ўқийдиган болалардир. Бу болаларда янги малака ва кўникмалар жуда секинлик билан шакллантирилади. Аммо, шаклланган бирор кўникма ёки малакани зарурат тугилса, ўзгартириб бўлмайди. Шу оабабли, ҳар қандай кўникма ва малакаларни шакллантириш вақтларида жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш даркор.

Бу тоифадаги болаларда камдан-кам ҳоллардагина ташаббускорлик, мустақиллик каби ҳиолатлар кўзга ташленади. Бу тоифага кирувчи болаларнинг юқорида қайд этиб ўтилган қатор салбий ҳиолатларига қарамасдан, бу болаларни тарбиялаш бошқа тоифа болалардан бирмунча осон кечади.

Иккинчи тоифага кирувчи болалар аксоарият ҳолларда, кўзгалувчан буладилар. Бу болаларда кўзгалаш жараёнлари тормозланиш жараёнларидан ҳар доим устунлик қилади. Бу болалар, болалар орасида яққол ажралиб турадилар берча таъсирларга тез жавоб берадилар. Булар ўйлемаодан, гапиредилар ва ҳаракат қиладилар. Бъъзан бу болалар тўғри жавоблар бера туриб, дарсга алоқаси бўлмаган гапларни кўшиб юборадилар. Агарда бу болаларга бирор сурат кўроатилса, ўйлаб ўтирмасдан дастлабки тасаввурлари бўйича гапириб кетадилар. Агар ўқитувчи бутун синфга қарата савол билан мурожаат қилса, бу болалар ўйлаб ҳам ўтирмасдан, саволни тушуниб ҳам етмасдан гапириб юборадилар, ёки бақириб, гапириб юборадилар. Ўзларининг жавобларига танқидий қарамайдилар, ўз камчиликларици сезмайдилар. Бъъзи ҳолларда, ўқитувчи уларни тўхтатиб, озгина ўйлаб жавоб беришларини талаб қилса, қийинчиликсиз тўғри жавоб топадилар, Бу тоифа болалар жавобларидаги, ҳаракатларидиги ҳатолар асосан уларнинг кўзгалувчап-

ликлари, ўзларини бова олмаоликлари оқибатидир.

Учинчи тоифага қирувчи болаларга хоо бўлган хуоусият, оақловчи тормозланишга бўлган мойилликнинг уотунлигидир. Лекин, бундай ҳолат биринчи ва иккинчи тоифа болаларга ҳам хоо бўлиши мумкин. Аммо, учинчи тоифа болалардаги оақловчи тормозланишнинг уотунлиги, улар ақлий иш қобилиятларини белгилаб беради. Бу болалар дастлабки учрашувда ақлли, эс-ҳушли, тушунадиган, янги маълумотларни ооон ўзлаштирадиган болалардек таоаввур хооил қилади. Улар билиш фаолиятларидаги камчиликлар оддий мактаб топшириқларини бажариш вақтларида кўзга ташланади. Маълум бир даронинг ўзида бу бола ўқитувчини яхши эшитиб, тушуниб ўтироа, шу даронинг ўзида бола ҳеч нарса ни тушунмай қолади. Булар оқибатида боладаги эгалланган билимлар изчил бўлмаодан, узук-олук ҳолда шаклланади. Бъэзи ҳолларда бола яхши билген дароларни ҳам туғри гапириб бера олмайди. Бу болалардаги бъэзан яхши билген нарсаларини ҳам гапириб бера олмаолик, тормозланиш ҳолатларининг тез-тез юз бериб туриши оқибатидир. Шундай қилиб, ёрдамчи мактаблар иш тажрибавоининг кўроатишича, бу мактаб болаларини воав фаолияти хуоуоиятларига учта тоифага бўлиш мумкин. 1. Суот, лапашанг болалар, 2. Кўзгалувчан, жиззаки, тормозланмайдиган, болалар. 3. Ақлий топшириқлар бажарганда ҳаддан ташқари толикадиган болалар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу тоифа болаларни катор шифокорлар, олигофренопедагоглар турлича номлаган бўловларда, уларнинг ақооияти моҳияти жиҳатидан бир-бирларига ўхшаб кетади. Олигофренларнинг таооифномаоига бағишланган М.С.Певзнер ишларида ҳам "кўзгалувчан" ва "тормозланувчан" болалар тоифаси ҳақида етарли маълумотлар берилади. Юқорида баён этилган учинчи тоифа болаларнинг хуоуоиятлари ҳақида маълумотларнинг берилиши бекиз эмао. Биринчидан, бундай болалар олигофренлар орасида кам учраб, кўпрок бош мия каоалликлари давом этувчи болалар ораоиде кўпрок учрайди. Ёрдамчи мактабларда бундай болалар кам эмао. Иккинчидан, ёрдамчи мактаб таълим-тарбиясида бундай хуоуоиятли болаларни билишимиз, ўқитувчи, тарбиячилар учун жуда зарур. Юқорида баён қилиб ўтилган ақли заиф болалар тоифаларидан ташқари, ёрдамчи мактабларда бошқа хуоусиятларга эга болалар ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, аралаш тоифадаги болалар ҳам учраши табиий. Бир тоифага қирувчи соф болалар албатта камчиликни ташкил қилиши мумкин. Ақли заифликнинг таооифномасига бағишланган

қатор маълумотлар олигофренопедагогика курсида ҳам батафсил берилган.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болаларнинг бош миёя фаолиятлари камчиликлари нималардан иборат?
2. Қузғалиш ва тормозланиш жараёнларининг хусусиятларига қўра ақли заиф болалар қандай таъфаларга бўлинадилар?
3. Ақли заиф боланинг бош миёя нуқсонлари, яна қандай периферик нуқсонларга олиб келаши мумкин?
4. Ақли заиф бола бош миёя хусусиятларини билишнинг қандай амалий аҳамияти бор?
5. Ёрдамчи мактабларда асос нуқсонларини коррекциялашнинг қандай имкониятлари бор?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умствено отсталого школьника. М., 1986, 40-45= бетлар.
2. Практикум по психологии умствено отсталого ребенка., М., 1985., 14-18= бетлар.
3. Шиф.Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы., М., 1965., 20-33= бетлар.
4. Исоев Д.Н. Психическое недоразвитие у детей. Л., 1982.

П Қ И С М . АҚЛИ ЗАЙИ БОЛАЛАР БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ

6= Б У Л И М . АҚЛИ ЗАЙИ БОЛАЛАРНИНГ СЕЗГИ ВА
ИДРОК ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон пайдо бўлибдики, уни ураб турган атроф-муҳитни урганиб боради. Атроф муҳитни ўрганиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун инсон табиатдан катта инъом сифатида олган қатор сезиш аъзоларидан фойдаланади. Табиат фақатгина инсонгагина оҳоват этиб қолмасдан, балки табиатдаги барча жонзотларга ўз улушларини берган. Аммо, табиат инъом этган олий даражадаги, ҳар қандай кишини дол қолдирадиган бундай сифатлар фақат инсонгагина муқаммал этиб ато этилган. Табиатдаги барча ҳайвонлар кўриш, эшитиш, ҳид билиш, ва бошқа қатор муқаммал яратилган аъзолар билан табиатга мослашиб ҳаёт кечирадилар. Табиат шундай бир мужизадирки, узининг ҳар бир аъзосига, ўзига яраша яшаш учун "қурол" ато этган. Ҳайвонларда шундай сезги аъзолар борки, булар олдида инсоннинг сезгилари ип еча ошмайди. Масалан, маълум баландликда осмонда парвоз қилаётган бургут кўзлари ерда қимирлаб юрган ошқон, каламушларни беҳато илғаб олади ва ўз емишига айлантиради. Баъзи туртларнинг, паррандаларнинг, суьда сузиб юрувчиларнинг, судралиб юрувчи ҳайвонларнинг шундай ноёб, ўткир сезги аъзолари борки, булар олдида инсон сезги аъзолари жуда ҳам содда тузилишга эга. Аммо, инсонда нисбатан "чеклаб" яратилган сезги аъзоларининг шундай имкониятлари борки, булар олдида ҳар қандай олий даражадаги сезгиларга эга бўлган ҳайвонлар, ҳайвонлигича қолади. Инсон табиатдаги деярли барча билимларни дастлаб сезгилар орқали қабул қилиб олади. Инсон кўзи, қулоғи, тери-тактил, оғриқ, мувозанат ва бошқа турдаги сезгилари орқали асаб тизимимизга таъсир этадиган барча таъсирларни қабул қилади. Фақатгина , қабул қилиб қолмасдан, балки қабул қилган таъсирларни ўзича таҳлил қилади ва уларга жавоб беради. Таъсир қилаётган бужм ва ҳолатлар ўзининг қатор хусусиятлари, сифатлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Демак, инсон билимининг биринчи поғонаси ва оодда билиш жараёни-сезги экан. Сезги, ундан кейин идрок атроф муҳитни билишнинг бевосита йўлидир. Сезгисиз бизлар ҳеч қандай нарса ҳақида, ҳаракат турлари ҳақида ҳеч нарса била оламаймиз. Ҳар бир анализатор уч қисмдан иборат бўлиб, периферик, ўтказиш ва марказий қисмдан

оборат. Бу борада И.П.Павлов таълимотиғина тўғри маълумотлар берди. Бизларга маълумки, ёш бола жуда эрта атрофга қараш ва кўришни ўргана бошлайди. Эшитиш ҳам ҳаётий тажриба талаб этади. Кузимиэни очишимиз билан бизни ўраб турган ҳамма нарсани кўраемиз, товушли нарсаларни эса эшитамиз. Бизнингча, чақалоқларда ҳам шундай туюлади. Аммо, унчалик эмас. У ҳали чақалоқда ҳимоявий, шартоиз рефлеко тарзида намоён бўлади. Баъзан бу ҳақда, кўрадию, аммо тушунмайди дейишади. Бу тушунча ҳам хато. Ёш бола рангни, шаклни, ҳажмни, тасвири билмасдан кўра ҳам олмайди, эшита ҳам олмайди. Бола кўради, эшитади аммо уларни тушуниб етмайди. Февосита кўриш марказида фарқлаш, ажрата билиш шакллана бошлагачгина, бола кўрган нарсаларни фарқлай олади. Сизги ва идрок булар биринчи оигнал тизимининг феоляти бўлиб (кейинчалик 2 оигнал тизимининг ҳам) унинг асосида шартли рефлекслар ётади. Бизларга маълумки, бола кам миқдордаги шартсиз рефлекслар билан туғилиб, ҳаёт давомида шаклланиб, такомиллашиб боради. Нормал болалар психологияои фани сизги ва идрок этиш ҳақида жуда катта экспериментал материалга эга. Фазони идрок этиш, кўриш, ҳаракат ва тери анализаторларининг биргаликдаги феоляти асосида юзага келади. Вақтни идрок этиш эса, эшитиш, ҳаракёт, интероцептив анализаторларнинг биргаликдаги феоляти натижасидир. И.М.Сеченов аллақачон ҳар қандай идрок этиш жараёнида қисман билиш ётишини исбот этиб берган. Шартли рефлексларнинг кўпайиши идрок асосида юзага келади. Нормал ривожланаётган болаларда бу ҳолат жуда тез амалга ошади. Бош миялари турли каоалликлар оқибатида зарарланган ақли заиф болаларда эса, сизги ва идрок секин шаклланади ҳамда ўзига хос хусусиятлер ва камчиликлар асосида тараққий этиб боради. Билиш жараёнида сизги ва идрок алоҳида ўринга эга бўлиб, бутун ҳаёт давомида сақланиб боради. Ақли заиф болаларга хос бўлган: секин, тор, юзаки идрок этиш боланинг кейинги даврлардаги бутун рухий тараққиётига жуда катта оалбий таъсир этади. Ақли заиф болалар сизги ва идрок хусусиятлери психологлар: И.М.Соловьёв, К.И.Вересотская, М.М.Будельман, Е.М.Кудрявцева ва бошқалар томонидан турли йўналлшларда атрофлича ўрганилган. Хусусан К.И.Вересотская томонидан ақли заиф болалар кўриш идрокининг тордаги, кзакилиги ўрганилган. Иккинчи текширишда нормал катта ёшдаги қашилар, I синф ақлен сақленган болалар ва I синф ақли заиф болалар иштирок этганлар. Кадридаги изланиш қатнашчиларига маълум вақтда олма, стол, ичкки, қизил ва бонжа бўйиларнинг суратлери кўрсатилган. Маълум афалитига, қанда муҳимати кўрсатишда (Вақт, 22 миллисекунд берил-

ган) нормал катта ёшдагилар кўрган нарсаларнинг 72% , I синф нормал болалар 57% , I синф ақли заиф болалар эса шу вақт ичида бирорта нарсанинг суратини кўриб, эслаб қололмаган. Тажриба яна давом этирилиб, кўрсатилган суратлар вақти 2 марта кўпайтирилган. Бунда, қуйидаги натижалар қўлга киритилган. Катта ёшдаги нормал кишилар барча суратларни, I синф нормал ўқувчилар суратларнинг 95% , I синфда ўқийдиган ақли заиф ўқувчилар эса, суратларнинг 55% эслаб қолганлар. Ўтказилган тажриба ишончли тарзда шуни исбот этадики, ақли заиф болаларнинг идрок этиш жараёнлари ўз нормал тенгдошларидан 2 марта секинлашган бўларкан. М.М.Нудельман илмий текширишларининг кўрсатишича, ақли заиф болалардаги идрокнинг секинлиги унинг торлиги билан бирга келар экан. И.М.Соловьёвнинг таъкидлашича, кўп буюмли, кўп нарсали борлиқ ақли заиф болалар учун кам буюмли, нарсали бўлиб туюлар экан. Нормал болалар нарсаларни бир зумда кўрсалар, ақли заиф болалар жуда секинлик билан кўрадилар. Ақли заиф болалар асосий ғояни, тушунчани, нарсани тез илғаб ололмайдилар. Э.А.Евлахованинг кўрсатишича, ақли заиф болалар суратлардаги тасвирланган одамларнинг юз ҳолатларини ажрата олмас эканлар. Катта ҳажмли суратлар ва кичик ҳажмли манзаралардаги бўёқ рангларини ҳам тўла тушуниб, фарқлай олмас эканлар. Ақли заиф болаларнинг идроки дифференцирлашмаганлиги билан ҳам ажралиб турар экан. Тажриба маълумотларининг кўрсатишича, ақли заиф болалар ўхшаш нарсалар: соат, компас, мушук, олмахон кабиларни бир-бирларига аралаштириб юборар эканлар. Ж.И.Шиф томонидан амалга оширилган илмий ишларнинг кўрсатишича, ақлий нуқсонли болалар рангларни яхши идрок эта олмайдилар, ҳамда бир-бирларига яқин рангларни ажрата олмасдан, бир-бирларига аралаштириб юборар эканлар. Ақли заиф болалар идрокидаги яна бир хусусият, улар идрокининг фаол эмаслигидир. Кўрсатилаётган нарса ва буюмларни ўзакигина кўриб қоладилар. Кўрсатилаётган суратлар, нарсалар, буюмлар айлантирилиб, бошқача кўринишда намойиш этилса, бу болалар қийналиб қоладилар. Э.С.Бейн томонидан амалга оширилган илмий текширишларда нарса ва буюмларнинг кўрсатилиш масофасининг яқин, узоқлиги атрофлича ўрганилган. Кўрсатилаётган нарса ва буюмларнинг ҳажми ҳам масофага қараб ўзгариб боришини, ақли заиф болалар тўғри тушуниб етмас эканлар. Аслида, кўрсатилаётган нарсаларнинг кўздан узоқлашиши натижасида нарсалар кичраиб кўринади. Бу табиий ҳол.

Аммо, ақли заиф болалар бу ҳолатни тўғри англамайдилар. Умуман, киши руҳиятининг, хусусан ақли заиф болалар руҳиятининг мукам-мал ривожланиши учун эшитиш идроки жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, эшитиш идроки бола нутқининг ривожланишига жуда катта ижобий таъсир этади. Бу борада Л.С.Виготскийнинг бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар ҳақидаги ғоялари катта эътиборга молик. Бу масалада алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Ақли заиф болалардаги қатор руҳий камчиликлар ёрдамчи мактаблардаги махсус таълим-тарбия жараёнларида тўғриланиб, коррекцияланиб борилади. Шулар сабабли, ёрдамчи мактаблардаги ҳаракатли ўйинлар, саёҳатлар, турли санъат кечаларининг ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Ақли заиф болаларда ҳаёт тажрибаларининг ортиб бориши, билимларининг кўпайиши, уларда сезги ва идрокнинг шаклланишига, ривожланиб боришига маълум даражада ёрдам беради. Ақли заиф болаларда сезги ва идрокни ривожлантириш асосида улар тафаккурини ҳам шакллантириб бориш мумкин. В.Г.Петрова ишларида ақли заиф болаларнинг нарсаларни кўриш жараёнларида турли хил ҳаракатлар қилиб борсалар яхши натижалар бериши очиб берилган. Бу масалада муаллифнинг 1968 йилда чоп этилган "Олигофрен болаларнинг амалий ва ақлий фаолиятлари" деб номланган қўлланмасида жуда кўп қимматли маълумотлар баён этилган. Ақли заиф болаларда тактил ва оғриқ сезгилари ҳам бузилганлиги ҳақида, Л.В.Занков ҳам маълумотлар беради. Ақли заиф болаларда нормал болаларда учрайдиган сезги аъзоларининг таъсуротларга мослашиш, ҳолатлари ҳам пасайган бўлар экан. Шу билан бирга бу ҳислатларнинг ақли заиф болаларда ривожланиши 5-6 ёшгача жуда секин кечар экан. Идрок-атроф-муҳитимизни ўраб турган нарса ва воқеаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсирининг бир бутунлигича акс этишидир. Идрокнинг физиологик асосини мураккаб шартли рефлексли боғланишлар ташкил қилади. Ақли заиф болалардаги шартли реффлектор боғланишларнинг ҳар қандай бузилишлари идрок нуқсонларига олиб келар экан. Идрок қилиш жараёни бошқа руҳий жараёнлар: сезгилар, тасаввурлар, тафаккур ва нутқ билан бирга кечар экан. Идрокнинг кечашига шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳам таъсир қилар экан. Руҳиятнинг турли томонларининг ривожланмаслиги идрокнинг шаклланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказар экан. Иқорида айтиб ўтилган сабаблар туфайли ақли заиф болаларнинг идроклари қатор камчиликларга эга бўлади. Буларга идрокнинг аниқ эмаслиги, ўйланмаганлиги, тўла эмаслиги, умумлашмаганлиги,

тезлигининг бузилганликлари киради. Ақли заиф болаларда қизиқиш ва хоҳишларнинг ривожланмаганлиги натижасида, улар идрокси танланганлик камчилигидан ҳам ҳоли бўлмас экан. Ақли заиф болалар нарсаларни ўрганишда уларнинг шпидан-иғнасигача қизиқмайдилар. Ақли заиф болалар идрокнинг тургун эмаслиги ҳам кўзга ташланиб туради. Бу хислат айниқса асаб тизимлари тез чарчайдиган олигофренларга хосдир. И.И.Финкельштейн маълумотларига кўра, ақли заиф болаларда тарихий вақт тушунчасини идрок қилишлари бузилган бўлади. Ҳатто, шахсий ҳаётидаги баъзи бир кунлар ҳам қийинчилик билан идрок этилар экан. Ўқорида Л.С.Виготскийнинг бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар ҳақидаги айрим маълумотларни келтириб ўтган эдик. Ақли заиф болалардаги ёмон сезги ва идрок этиш жараёнлари бовосита муаллиф таъкидлаган "ядроли" симптомлардирки, булар бевосита руҳий жараёнларнинг, хусусан тафаккурнинг тараққиётини орқага тортади. Бу нуқсонлар махсус таълим-тарбия жараёнида секин-аста коррекцияланиб борилади. К.И.Вересотскаянинг таъкидлашича, 3- синф болаларининг кўриш идроклари I I- синф болаларининг кўриш идрокларидан бир неча марта тез амалга ошар экан. Бу албатта, махсус таълим-тарбиянинг нтуғидир. Ақли заиф болаларнинг асаб тизимлари ривожланиб, даволаниб борилса, ўз-ўзидан улар сезги ва идроклари ҳам ривожланиб бораверади. Болаларда ҳаёт тажрибаларининг ортиб бориши, улар билим ва тасавурларининг кенгайиб бориши, ақли заиф болалар сезги ва идрокларининг сифатли бўлиб боришига олиб келади. Маълум даврларда олигофренопедагогикада ақли заиф болаларнинг сезги ва идрокларини ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар тизимлари мавжуд эди. Бу албатта маълум даражада ақли заиф болаларнинг сезги ва идрокларини ривожлантиришга хизмат қилган. Аммо, умуман олганда, бу машқлар ўзининг ихобий натижаларини бермаган.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалар сезги хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Ақли заиф болаларнинг идрок хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
3. Сезги ва идрокни ривожлантириш йўллари ҳақида гапириб беринг.
4. Ақли заиф болаларнинг сезги ва идрок хусусиятлари ҳақида қайси муаллифларнинг ишларини биласиз?

5. Ақли заиф болалар билиш жараёнларининг шаклланишида сезги ва гидрокнинг ўрни нимадан иборат?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умствено отсталого школьника., М., 1986., 94-102= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умствено отсталого ребенка. М., 1985., 82-92= бетлар.
3. Шиф Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы., 34-81= бетлар. М., 1965.
4. Крутецкий В.А. Психология., 1980., М., 106-128= бетлар.

7 = Б У Л И М 7. АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ НУТҚИ

Умумий психологияда нутқ тафаккур қуроли ва мулоқот воситаси сифатида ўрганилади. Онтогенез ва филогенездан нутқ дастлаб мулоқот воситаси сифатида намоён бўлса, кейинчалик қурол хусусиятларини эгаллаб, шу орқали инсон ўйлайди ва ўз фикрларини ифода этади.

Тафаккур, тил ва нутқнинг алоқадорлиги ҳақида Л.С.Виготский, А.Г.Спиркинларнинг жуда қизиқарли ишлари бор. Болалар нутқининг ривожига аталган умумий тарздаги қизиқарли маълумотлар С.Л.Рубинштейн ва Д.В.Эльконин ишларида келтирилади. Ўқоридаги барча ишларда асосий эътибор нутқнинг мазмун томонига, болалар ақлий ишларидаги ва хулқидаги ролига қаратилган. Нормал 3-4 ёшли бола етарли луғат бойлигига эга бўлиб, унинг фаол нутқи деярли тўғри грамматик шаклни ташкил этади. Фонетик хатоликлар у даражада кўп бўлмайди. Олигофрен болада эса, сўзларни талаффуз қилиш бирмунча кечикади. Улар нутқи камбағал ва нотўғридир. А.В.Занков ва М.С.Пөвзнернинг таъкидлашларича, ақли заиф болалар нутқи I-I,5 ёшда эмас, балки 3 ёшлардагина ривожлана бошлайди. Чет эл олимларидан Шольц-Эрзам, Кассел, Шлезингер, Зеэманларнинг таъкидлашларича, 40% дан ортиқ ақли заиф болаларда нутқ кечикиб шаклланар экан. Г.А.Кашенинг кўрсатишича, I синф ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг 65%, 2 синф ўқувчиларининг 60% да у ёки бу нутқ камчиликлари бўлар экан. Чуқур ақли заифларда эса, бу кўрсаткич 80% гача етар экан. Бундай нуқсон чуқур ақли заифликка олиб келадиган даун касалида 95% гача етар экан. Ақли заиф болаларда нутқнинг ифодалилиги билан бирга, унинг тезлиги ҳам бузилар экан. 5 синф ақли заиф болаларнинг ўқиш тезлиги ўзларининг нормал тенгдошларидан 2 марта паст экан. Бундай нуқсонларнинг асосий сабаби, бош мия пўстлоқларидаги асаб таъсирланишларининг заифлигидир. Янги дифференциациялашган боғланишларнинг секин ўзага келишидир. Ўқоридаги нуқсонларда ақли заиф бола асаб жараёнларининг умумий динамикасининг бузилишлари ҳам маълум рол ўйнайди.

Ақли заиф болалардаги нутқнинг яхши ривожланмаслиги асосида эшитиш аъзоларида ҳам айрим камчиликларни ўз бериши мумкин. Шу нуқсон оқибатида бола узоқ муддат атрофдагилар нутқини яхши эшитмаслиги натижасида, бир-бирларидан ажрата олмайди. Умуман бола қар эмас, аммо унга нисбатан айtilган гапларни ноаниқ идрек

этади. Бу болалар жуда кам сўзларнигина бир-бирларидан ахрата оладилар. Ақли заиф болаларнинг нутқни идрок этишлари бирмунча секин амалга ошади. Ақли заиф болаларнинг нутқидаги барча камчиликларнинг асосий сабаби мана шудир. Ақли заиф болалар нутқининг тўла бўлмасдан, кечикиб ривожланиши нотўғри идрок қилишнинг асорати экан. Ақли заиф болалар таниш товушларни ёмон фарқлайдилар, айниқса, ундош товушларни бир-бирларидан қийин фарқлайдилар. Фонематик эшитишнинг ёмон ривожланганлиги оқибатида қатор товушлар алмаштирилиб эшитилади ва шу асосда алмаштирилиб ёзилади. Ҳатто болага товушлар тартиби ҳам ноаниқ турылади. Талаффуз қилинаётган сўзлар охирлари яхши таҳлил қилинмаслиги асосида ҳам, грамматик хатоликлар келиб чиқар экан. Ақли заиф бола фонематик эшитишидаги камчиликлар, нутқ аъзоларидаги, артикуляциядаги камчиликлар асосида янада оғирлашади. Анализаторларнинг тўла, мукамал ривожланмаслиги асосида нутқнинг қатор камчиликлари ўзага келади. Тафаккур қуроли бўлган нутқнинг ўзи яхши ривожланмаган бўлса, тасаввур қилинг тафаккур қай ҳолатда бўлади. Ақли заиф болаларда биринчи, алоҳида сўзлари 2-3 ёшларда, қисқа камбағал грамматик гаплари 5-6 ёшларда ўзага келар экан. Олигофренопедагогикадан маълумки, ақли заиф болалар ёрдамчи мактабларга нутқ жиҳатдан жуда ёмон тайёргарлик билан келадилар. Ақли заиф болалар нутқи турли йўналишларда, турли ёшдаги болаларда, турли мутахассислар томонидан, турли даражада ўрганилган. Нутқ нуқсонларининг ақли заиф бола умумий руҳий тараққиётига салбий таъсири Шиф Ж.И. қўлланмасида атрофлича, чуқур таҳлил қилиб берилган. Муаллифларнинг эътироф этишларича, ақли заиф бола билан нормал болалар орасидаги фарқ уларнинг фаол нутқларида кўзга ташланар экан. Ақли заиф болалар ўз нутқларида сифат, феъл, боғловчилардан жуда кам фойдаланар эканлар. И.М.Сеченовнинг таъбирича, сўз бола учун маълум вақтгача нарсаларнинг "тахаллуси" сифатида тушунилиб келинади. Болалар улғайган сари нарса номларининг аҳамияти ҳам ўсиб аниқланиб борилади. Ақли заиф болаларда "тахаллус"лардан тушунчаларга ўтиш жараёни жуда узоқ ва қийин шаклланади. Ёрдамчи мактаб I синф ўқувчиларининг нутқидаги грамматик тузилишлар такомиллашмаган бўлади. Уларнинг жумлалари бир сўздан, содда сўзлардан иборат бўлади. Ўз фикрларини баён қилишда жуда қийналадилар. Мактаб ёшидаги ақли заиф болалар нутқи нормал 3-4 ёшли болалар нутқини эслатади. Бу болалар ўз фикрларини ўйлаб тугатмасдан, ўза

бошлайдилар. Шунинг натижасида, гапнинг бошланиши билан тугаши орасида боглиқлик бўлмайди. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари ақли заиф болаларга ёзиш, ўқиш малакаларини ўргатишда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Ақли заиф болалардаги фонематик эшитишнинг ёмонлиги, турли талаффуз камчиликлари болаларнинг ёзиш ва ўқиш фаолиятларига таъсир қилмай қолмайди. Ақли заиф болалардаги кўриш аъзолари нуқсонлари ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Ақли заиф болалар шаклан ўхшаш ҳарфларни бир-бирлари билан алмаштириб ёзадилар. Ақли заиф болалар орасида маълум анализаторлари кўпроқ бузилган болалар ҳам учраб туради. Бундай мазмундаги камчиликларни индивидуал-коррекцион ишлар билан бартароф этиб борилади. Ақли заиф болалар нутқидаги қатор камчиликлар ўз навбатида қатор руҳий жараёнларга ўзининг салбий таъсирини ўтказишади. Бундай салбий таъсир биринчи навбатда тафаккур жараёнларига тегишлидир. Умуман нутқнинг яхши ривожланмаганлиги ўз навбатида тафаккурнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Бу жараён аксинча ҳам бўлиши мумкин. Тафаккурнинг умумлаштириш жараёнларининг ёмонлиги, чегараланганлиги нутқнинг яхши шаклланишига тўсқинлик қилади. Бу камчиликлар бир-бирларини тўлдирадилар. Ақли заифликни келтириб чиқарган гидроцефалияда баъзан нутқ яхши ривожлангандек туюлсада, аслида ундай эмас. Бундай болалар нутқида жуда мураккаб жумлалар, сўзлар, бўлади. Улар нутқининг грамматик тузилиши ҳам жуда мукамаллиги билан ажралиб туради. Бу болаларнинг фикр вриштишлари насихатгўйдек бўлиб туюлади. Нутқларининг моҳиятига ўзлари яхши тушуниб етмайдилар. Бу болалар нутқи яхши ривожланган бўлса ҳам, ақли заиф болаларнинг фикр вриштиш қуроли бўла олмайди. Ақли заифликдаги бундай ўзига хос нутқ жуда кам учрайди. Шизофрения касалига учраган ақли заиф болаларнинг нутқи ҳам юқоридаги ҳолатга ўхшаб кетади. Бу болаларда нутқ малакалари, тушуниш ҳолатлари нормал болалардан ҳам тез шаклланиши мумкин. Уларнинг сўз бойликлари нормал болаларникидан кам фарқ қилади. Аммо, улар нутқида бузилган сўзлар учраши мумкин. Бош миё жароҳатларида, равматизмда ақли заиф болаларнинг оғзаки нутқларида сезиларли, муҳим ўзгаришлар бўлмайди. Шу билан бирга, уларнинг ёзма нутқларида етарли камчиликлар учрайди. Бундай болаларнинг ёзиш малакалари жуда секин шаклланади. Тутқаноқ касалига мубтало бўлган ақли заиф болаларнинг нутқи дастлабки кўринишда олиговерсиялар нутқига ўхшайди. Бу болалар бир хил жумла, сўзларни қайтаришга мойил бўладилар. Улар нутқи-

да ортиқча тушунтиришлар мавжуд. Ёрдамчи мактабнинг махсус таълими таъсирида барча ақли заиф болалар нутқи ижобий томонларга ўзгара бошлайди. Уларнинг луғат бойлиги ўсади. Грамматик тузилиши яхшиланади. Ақли заиф болалар ўқитувчининг нутқини эшитиш, уни тушунишга ҳаракат қиладилар. Аммо, нормал болалардек ақли заиф болаларда нутқ тафаккур қуроли сифатида бирмунча кеч пзага келади. Нормал болаларда бундай ҳолат мактаб ёшида пзага келади. Ҳозирги замон олигофренопсихологиясида ақли заиф болалар нутқи алоҳида фаолият ва билиш жараёни сифатида қаралади. Уйин, ўқиш, меҳнат билан бирга нутқ алоқаси алоҳида, муҳим фаолият тури сифатида ўрганилади. Ўзаро алоқа жараёнида фикрлар алмашуви ҳисларни ифода этиш, катталар ва болаларнинг хулқига таъсир этиш пз беради. Мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларининг илмий изланишлари ақли заиф болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик томонларининг ривожланиш динамикасини очиб беришга катта ёрдам берди. Ақли заиф болалардаги турли нутқ камчиликлари уларнинг атрофдагилар билан муомаласини қийинлаштириб, ўзларида қайгуриш ҳолатларининг пзага келишига салбий сабаб бўлар экан. Бунинг оқибатида ақли заиф болалар камгап бўлиб қоладилар. Дўқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқувчиларининг 40-60 % да турли нутқ камчиликлари учрайди. Бу нуқсонлар орасида асосий ўринни тили чучуқлик, манқалик, дудуқланиш ташкил этар экан. Бу нуқсонлар нутқнинг алоқа функциясининг яхши шаклланмаслигига олиб келади. Ҳамда, болалар орасида мулоқот қилишга интилмасликка олиб келар экан. Ақли заиф болалар нутқининг алоқа воситаси сифатидаги роли барча томонлардан зарарланган бўлади. Бунда нутқнинг ахборот, ҳиссий-ифода, бошқарувчилик вазифалари бузилган бўлади. Ақли заиф болалар билиш фаолиятларининг бузилганлиги ва ўзига ҳослиги, улар шахсий сифатларининг нормал болалардан фарқ қилиши ҳам, улар нутқининг умумлаштирувчи, назорат қилувчи функцияларининг ҳам бузилишига олиб келар экан. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларнинг кўрган нарсаларнинг муҳим белгиларини ажратишда қийналадилар. Бу камчилик эса, ўз навбатида уларда умумлаштириш жараёнларининг тўғри шаклланишига тўсқинлик қилади. Ақли заиф болаларда нутқ билан фаолият орасида мувофиқлик кўзга ташланмайди. Бу номувофиқлик

ақли заиф бола нутқи билан унинг хулқи орасида ҳам кўзга ташланади. Ақли заиф болалар ўзларини назорат қилиш учун ҳам ўз нутқларидан фойдалана олмайдилар. А.Р.Луриянинг таъкидлашича, нормал болалар боғча ёшидаёқ нутқдан назорат қуроли сифатида фойдалана олар эканлар.

Маълумки нутқ-фикрларни ифодалаш шакли ва унинг мавжудлик воситасидир. Тафаккур нутққа нисбатан моҳиятни ташкил қилади. Ифода қилинаётган сўзнинг қиммати, фикрларни аниқ ифодалашдир. Сўз-мазмун ва шаклнинг бирлигидир. Ақли заиф болаларда мазмун ҳам, шакл ҳам бузилган. Иккинчи сигнал тизимининг кўзгатувчиси бўлган сўз эшитилади, кўрилади ва талаффуз этилади. Инсон айтилган сўз маъносига жавоб беради. Инсон гапирган вақтда овоз пайчаларидан бош миёдаги нутқ марказларига сигналлар етиб боради. Унинг ёрдамида талаффуз этилаётган нутқ назорат қилиб борилади. Нормал ривожланаётган болада нутқнинг шаклланиши бир неча босқичда амалга ошади. Бир ёшдан ўсмирлик давригача фонематик эшитиш ривожланиб, она тили фонемаларини талаффуз этиш малакалари шаклланади. Иккинчи босқичда боланинг луғат бойлиги ошиб, синтаксис қоидаларини эгаллайди. Ақдан нуқсонли болаларда бу босқичлар бирмунча орқага сурилган бўлади. Ақли заиф болаларнинг дастлабки сўзлари 3-5 ёшларида пайдо бўлиши, айрим жумлаларнинг янада кечроқ пайдо бўлиши маълум. Кузатишларнинг кўрсатишича, 40% ақли заиф болалар уч ёшдан кейин сўзлашни бошлар эканлар. Сўзлар маъносини ўзлаштиришнинг бузилганлиги натижасида, ақли заиф болаларда фонематик эшитиш ва нутқнинг шаклланишини кечиктиради. Ақли заиф болалардаги умумий ҳаракат тизимининг бузилганлиги ҳам ўз навбатида нутқнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Ақли заиф болалар нутқнинг фонетик камчиликлари улар оаводхонлигини қийинлаштиради, уларнинг интеллектуал ва ҳиссий ривожланишини орқага суради. Буларнинг барчаси ақли заиф бола шахсига салбий таъсир этиб, уларнинг бирор нарсани ҳал қилаолмасликларига, ўз кучларига ишонмасликларига олиб келади.

Ақли заиф болалар учун кўпроқ диалогик шаклдаги нутқ тушунарли ҳисобланади. Ақли заиф болаларнинг диалогик нутқдан монологик нутққа ўтишлари қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ёрдამчи мактаб бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма ишлари камбағаллиги, ифодасизлиги билан ажралиб туради. Ёрдამчи мактаб оқори синф ўқувчиларининг ёзма ишлари бирмунча шаклланган бўлади. Ақли

заиф болаларнинг ёзма нутқни эгаллаш жараёнлари жуда оғир кечади. Ақли заиф болаларнинг бирор сўзни ёзишларидан кўра уни ўқишлари анча осон кечади. Ақли заиф болаларнинг товушларни ҳарф билан, товушнинг график шакли билан алмаштиришни тўғри тушуниб етмайдилар. Ақли заиф болалар узоқ муддат ҳарф билан сўзнинг муносабатини тушуниб етмайдилар. Ақли заиф болалар учун қоидалар бўйича ёзиш жуда оғир кечади. Айниқса, баён, иншо, иш қоғозларини ёзиш ва тўлдириш қатор қийинчиликлар билан кечади. Ақли заиф болалар учун энг осон кечадигани бу кўчириб ёзишдир. Қатор ақли заиф болаларда ёзма нутқнинг бузилишлари учрайди. Дисграфия бунга мисол бўла олади. Бу нуқсон ақли заиф болалардаги фонематик эшитишнинг бузилиши, фазовий тасаввурларнинг чекланганлиги, ҳаркат тизимларининг нуқсонли бўлишидир. Ақли заиф болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқларни муваффақиятли эгаллашлари учун қуйидаги қатор психологик шароитлардан келиб чиқади.

1. Ақли заиф болалар ўқиётган ва ёзаётган ўз фикрларини тўғри баён қилишлари учун, умумий интеллектуал тараққиётнинг зарур бўлган даражасининг етарли бўлиши.

2. Товуш ва ҳарфларнинг ўзаро муносабатларини тўғри тушуниш учун зарур бўлган фонетико-фонематик тараққиётнинг етарли даражада бўлиши..

3. Маълум даражадаги тафаккурнинг ривожланган бўлиши.

4. Ақли заиф болалардаги кўриш, эшитиш, ҳаракат ва фазони идрок қилиш жараёнларининг сақланган бўлиши.

5. Қўл майда мускулларининг ҳамда нутқ аъзоларининг ҳаракатчанлигининг етарли даражада бўлиши.

Ақли заиф болалар ўқиш ҳадисини қатор қийинчиликлар билан эгаллайдилар. Улар секин ўқийдилар, ёки бўшашиб, шошиб, ургуларсиз, айрим ишораларга эътибор бермасдан ўқийдилар. Узоқ муддат бўғинлаб ўқишларида камчиликлар кўзга ташланиб туради. Баъзан, биринчи бўғинларни бир неча марта такрорлайдилар, айрим товушларни ташлаб юборадилар. Айрим ҳолларда эса, қатор ҳарфларнинг ўринларини алмаштириб ўзи ўқийдилар, баъзи товушларни ўзларича топиб ўқийдилар. Айниқса, ақли заиф болаларнинг урғуни деярли қўлلامасликлари учраб туради. Баъзан янги сўзлар қўшиб ўқийдилар. Ақли заиф болалар ўқиган матнларнинг маъносини чуқур тушуниб етмайдилар. Бошлангич синфларда таълим олаётган болалар матнни

таҳлил қилиш, матндаги асосий гоани топшида қийналадилар. Ақли заиф болаларнинг ёши улгайган сари бу камчиликлар бирмунча кор-рекцияланиб борилади. Ақли заиф болаларнинг умумий ақлий тараққиётларида атрофдаги кишилар билан алоқа қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Катта кишиларнинг раҳбарлигида ва назорати остида ақли заиф болаларда билие фаолиятлари, шахсий сифатлари шаклланиб боради. Бурилган оғзаки топшириқларни бажаришлари, ақли заиф боланинг унга берилган оғзаки топшириқларни қандай тушунганликларини кўрсатади. Шахс ва фаолият масаласи ўзига хос этиборни талаб этадиган масаладир. Чунки, шахсий сифатлар фаолият ҳараёнида шаклланиб бориши кўп мутахассисларнинг ишларида баён этилган. Нутқнинг фаолиятга ва аксинча фаолиятнинг нутқ ҳараёнларининг тақомиллашишига оид қатор маълумотлар мавжуд. Бу маълумотлар умумий психологияда ҳам бирмунча кенг очиб берилган. Ақли заиф болаларнинг фаолиятларини ташкил қилишда, назорат қилишда бериладиган оғзаки кўрсатмалар ўзининг яхши самарасини бермас экан. Қатор дефектолог олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, бу болалар ўз фаолиятлари ҳақида ёзма ҳисобот туза олмас эканлар. Ашмо, бу болалар улгайган сари бу камчиликлари бирмунча камайиб борар экан. О.Коннор маълумотларига қараганда, объектларни таснифлаш вазифасини тахрибада қатнашган болаларнинг 10% гина тўғри бажарганлар, яъни ўзларининг фаолиятлари натижаларини ёзма баён қилиб беришда жуда қийналганлар. Ақли заиф болаларнинг ўз фаолиятлари ҳақида гапириб беришлари, уларнинг ақлий тараққиётларида алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай кўникмалар ўз-ўзидан, бирданга юз бермайди. Бунинг учун мақсадга қаратилган, узоқ муддатли педагогик ишлар талаб этилади. Унинг асосини амалий ва меҳнат фаолиятларининг турли шакллари эгаллайди. Ақли заиф болалар билан бажарилётган машқларда боланинг фақатгина вазибаларни қайтариши эмас, балки уларни албатта бажаришлари зарур. Махсус шароитларда ташкил этилган ақли заиф болаларнинг меҳнат фаолиятларида болалар сезиларли муваффақиятларга эришадилар. Ақли заиф болаларнинг ёзма нутқлари-мураккаб руҳий фаолиятдир. Оғзаки нутқдан ёзма нутққа ўтиш-болалар нутқининг ривожланишида янги даврдир. Ақли заиф болаларнинг сўзларни товуш томондан таҳлил қила олишлари грамматик қонун – қоидаларни муваффақиятли эгаллашларида асосий нарсадир. Н.С.Рождественскийнинг таъкидлашича, "Сўздаги товушларни фарқламасдан, уларни ажратмасдан, болаларни ўқиш ва

ёзишга, кейинчалик тўғри ёзишга ўргатиш мумкин эмас". Ақли заиф болаларда ўз кучига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, ёрдамчи мактаблар ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олмайди. Бунинг учун ақли заиф бола билан унинг кучи етадиган элементар қўлиқма ва малакалардан бошлаш керак. Болаларнинг нутқ фаолиятлари ҳам бундан мустасно эмас. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг айримларида учраб турадиган "ойнали" ёзув ҳам қатор қийинчиликлар билан бартараф этилади. Қатор ақли заиф болалар ёзиш ҳадисини тўғри эгаллай олмайдилар.

Е.В.Гурьяновнинг психологик текширишларининг кўрсатишича, ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам тўғри ёзиш ҳадисларини қийинчиликлар билан эгаллар эканлар. Ёрдамчи мактаблар тажрибасидан шу нарса маълумки, айниқса бошланғич синф ўқувчилари ёзиш вақтларида фақатгина қўл бармоқлари ҳаракат қилиб қолмасдан, балки уларнинг қўллари, елкалари, боши, ҳатто кўзлари ҳам ҳаракат қилар экан. Табиийки, бунинг оқибатида ақли заиф болалар бирмунча тез чарчаб қоладилар. Шунинг оқибатида ҳам қатор ёзув камчиликлари пайдо беради. Ёзувдаги хатоликлар айниқса, хулқи ва фаолиятлари бузилган болаларда кўп учраб экан. Болалар узоқ муддат ҳарфларни қайси томондан бошлаб ёзишни, дафтарнинг қайси ёнидан бошлашни ҳам узоқ вақт тушуниб етмайдилар. Улар дафтардаги чизиқларни, ҳарфлар ҳажмини, мутаносибини англай олмайдилар. Р.Я.Журавлеванинг кўрсатишича, ақли заиф болалар улғайган сари ёзма нутқларидаги камчиликлар сезиларли даражада камайиб борар экан. Аммо, кичик синфлардаги айрим хатоликлар ўрнига, бошқа шаклдаги, мазмундаги хатоликлар пайдо кела бошлар экан. Кузатишларнинг кўрсатишича, синфда саводли диктант ёзган ўқувчиларнинг кўпчилиги мустақил равишда ёзган хатларида жуда кўп ва қўпол хатоликларга йўл қўйишар эканлар, ақли заиф болаларда синфда эгаллаган орфографик билимлари, малакалари қисқа вақтларда эсларидан чиқиб кетар экан. Айниқса, ёзги таътилдан кейинги ўтказилган ёзма ишларда хатоликлар кўп учраб экан. Бунга ўхшаш маълумотлар Е.Н.Завялованинг кузатишларида батафсил келтирилган.

Оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам кишилар ўртасидаги муомала вазифасини бажаради. Аммо, ёзма нутқни оддийгина оғзаки нутқнинг бошқа шакли деб қараш мумкин эмас. Ёзма нутқнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, у ҳар доим мавҳум мазмунга эга. Бунинг сабаби шуки, ёзма нутқ баён этилаётганда тегишли иккинчи шахс бу

ерда иштирок этмайди. Суҳбатдош билан қувватланмайдиган, рағбатлантирилмайдиган, бошқарилмайдиган ёзма нутқ оғзаки нутқдан бирмунча мураккаб ва қийиндир. Ёзма нутқ ўқувчидан оғзаки нутқдан фарқи равишда, бутун баён қилмоқчи бўлган фикрларини тасаввур қила олиши керак. Ёзма нутқ ўқувчидан катта иродавий кучни талаб қилади. Бола оғзаки нутқдан фойдаланаётган вақтда, қандай гапираётганини, ўз гапида сўзларни қандай тартибда қўллаётганини назорат қилиб, ўзига ҳисоот бериб бормади. Ёзма нутқда зов, баён этилаётган ҳар бир жумла, фикр махсус ўйлашни, фикр яритишни талаб қилади. Ёзма нутқда ўқувчидан алоҳида диққат талаб этилади. Ўқоридагилар сабабли ёзма нутқ оғзаки нутқдан мураккабдир. Оғзаки ва ёзма нутқ ривожланишининг бир-бирига муносабати ўзига хосдир. Шу нарса диққатга сазоворки, бошланғич синф ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ёзма нутқларида қўшма гаплар уларнинг оғзаки нутқларидан кўпроқ учраб экан. Синфлар юқорилашган сари бу фарқ бир-бирларига яқинлашиб боради. Оммавий мактаб ўқувчиларининг бу тахлитдаги натижалари ақли заиф болаларнинг тескарисини ташкил қилади. Нормал болаларнинг оғзаки нутқларида қўшма гаплар уларнинг ёзма нутқларидан кўпроқ учраб экан. Бу фарқ сабаби, бизнингча, мактабгача ёшда ақли заиф болаларнинг умумий нутқ ривожининг пастлиги билан белгиланади. Ёрдамчи мактабларда эса, ақли заиф болаларни қўшма гапларга ўргатилади. Бу ўргатиш биринчи навбатда уларнинг ёзма нутқларига таъсир этади. Шу нарса ҳам маълумки, ақли заиф болаларнинг ёзма нутқларида оғзаки нутқларига нисбатан тафаккурнинг ривожланиш имкониятлари кўпроқ экан. Ақли заиф болаларнинг ёзма ҳикояларида, оғзаки ҳикояларига нисбатан ҳаёл образлари бирмунча бой бўлар экан. Ақли заиф болалар ёзма нутқларида ўзича айрим ҳолатларни ўйлаб, ижод қилиб борадилар. Буларнинг кўпчилиги ақли заиф болаларнинг оғзаки нутқларида учрамайди. Бу билан оғзаки нутқнинг аҳамиятини пасайтирмақчи эмасмиз. Баён қилган қатор нутқ нуқсонларидан ташқари, яна ақли заиф болаларда учрайдиган жуда кўп нуқсонлар борки, улар ҳақида логопедия фанида тўлиқ маълумотлар берилди.

Савол ва топшириқлар

1. Нутқнинг қандай функциялари бор?
2. Нутқ нуқсонларининг асосий сабаблари нимагадан иборат?

3. Ақли заиф болаларда оғзаки ва ёзма нутқнинг ривохланиш хусусиятлари нималардан иборат?
4. Ақли заиф болалардаги нутқ камчиликларининг ақлий ривохланишга алоқаси қандай шаклде бўлади?
5. Нутқ ва феълнинг бағлиқлиги ҳақида нималар биласиз?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтсвенно отсталого школьника, 1986., М, 103-110= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умтсвенно отсталого ребенка. М., 1985., 71-82= бетлар.
3. Шиф Ж.И. Особенности умтсвенного развития учащихся вспомогательной школы., М., 1965., 129-216= бетлар.
4. Айтметова С.Ш. Ердамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривохланиш хусусиятлари., Тошкент, 1984., 100-106= бетлар.
5. Крутецкий В.А., Психология., М., 1980; 154-159= бетлар.

6- Б У Л И М . АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ ТАСАВВУР ВА
ҲАЁЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Конкрет вақтда идрок қилинмаётган нарса ва ҳодисаларнинг образига тасаввур деб тушунамиз. Олдин идрок қилинган предмет, нарса, ҳодисалар образлари ихтиёрсиз равишда киши кўз олдига келади. Кишиларнинг идроклари қанчалик бой бўлса, унинг тасаввур доиралари шунчалик кенг бўлади. Тасаввур асосан идрок асосида пзага келади. Нутқ-тасаввурларни фаоллаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Тасаввурнинг физиологик асосини бош миёда из қолдирган таъсиротларнинг қайта тикланишидир. Тасаввур жараёни кишиларнинг руҳий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, болаларнинг билим олишларида унинг роли жуда каттадир. Янги билимлар эгаллаб бориш, ҳар доим ҳам ўрганилаётган объектларнинг образлари болаларда тасаввур ҳолида ҳосил бўлиб боради. Шу сабабли ўқитувчи олдида бошқа вазифалар билан бирга, болаларда предметларнинг аниқ, конкрет тасаввурларини шакллантириш туради. И.М.Соловьев, М.М.Нудельманлар дарслардаги кузатишлари ва тажриба текширишларида ақли заиф ўқувчиларнинг кўриш тасаввурлари ҳақида янги наълумотлар беради. I синф ақли заиф ўқувчиларининг чизган суратларида турли камчиликлар мавжуд. Масалан, болаларга соат суратини чизиш топширилган. Болалар содда, стрелкаларсиз, ҳамда қатор элементларсиз чизганлар. Айрим ҳолларда эса, суратдаги бумилар, нарсалар ноўрин жойлаштирилган. Ақли заиф ўқувчилар кўрсатилган соат қисмларининг 20% ини чизганлар. Ўқувчилар суратларнинг 60% ини эса қичрайтириб чизганлар. Демак, I синф ўрдамчи мактаб ўқувчиларининг тасаввурлари асосий нарсадан анча фарқ қилар экан. I синф нормал болаларнинг суратларида бундай камчиликлар кузатилмаган. Ақли заиф болалар билан суҳбатлашиш, уларнинг суратларини таҳлил қилиш шундай хулосага олиб келадикки, ақли заиф болалар тасаввурида нарса ва бумиларнинг фазода жойлашиш ҳолатлари нотўғри мазмун касб этар экан. И.М.Сеченов боғча ёшидаги болалар тасаввурини асосий боғловчи фикрлар бўлмаган қолдир деб кўрсатади. Болалар тасаввурида нарсалар, бумилар, бўёқлар кўп бўлиши мумкин. Аммо, уларни боғловчи умумий фикрлар бўлмайди. I синф ақли заиф болаларнинг тасаввурларида қатор камчиликлар бўлиши мумкин. Ўрдамчи мактабларнинг коррекцион таълим-тарбияси натижасида бу болалар тасаввурларидаги қатор камчиликлар тўғрила-

ниб борилади. Дқори синф ўқувчилари нарсаларни бирмунча тўғри, тулароқ тасаввур этадилар. 3-4 синф ақли заиф болалар кўрсатилган суратларнинг 17% инигина тўла чиза олганлар. Қолган суратларда эса, турли хатоликлар, камчиликлар бўлган. Ақли заиф болалар сурат чизишга қанчалик кўп вақт сарф қилсалар, шунчалик кўп хатоликларга йўл қўяр эканлар. Тажиба тарзида болаларга 4 та балиқнинг суратини чизиш топширилган. Орадан I ҳафта ўтгач, яна шу балиқлар суратини чизиш топширилган. Олдинги суратлар билан кейинги суратлар орасидаги фарқ шаклдагина бўлиб қолмасдан, рангларда ҳам кўзга ташланган. Ақли заиф болаларга нарса ва буюмлар кўрсатишни оғзаки тушунтиришлар билан бирга олиб борилса, улар тасаввурлари шунча бой бўлар экан. Ақли заиф болалар нутқи ва тафаккур хусусиятларининг ривожланиб бориши улар тасаввурининг ҳам ижобий ривожланиб боришига таъсир қилар экан. Болалардаги тасаввур образлари, оғзаки тушунтиришлар олиб борилгандагина яхши сақланар экан. Бизларга маълумки, ёрдамчи мактабларда кўргазмалилик, етакчи таълим принципларидан биридир. Аммо, ақли заиф болаларга суратлар кўрсатиш, улар ҳақида тушунчалар бериш билан уларнинг тасаввурларини кенгайтириш ҳар доим ҳам яхши натижалар бермайди. Бунинг учун нарсалар таққосланилиши, улар орасидаги ўхшаш, фарқли томонлар аниқланилиши керак. Тасаввур—бу биринчидан нарсаларнинг умумлашган образидир, эки инсон томонидан, ташқи оламни сезгилар билан билишнинг якунидир. Иккинчидан, тасаввур ташқи оламни нутқ орқали акс эттиришнинг мазмунли қисмидир. Учинчидан—тасаввур сезгилардан фикрлашга ўтишдир. Тасаввур сезги аъзоларимизнинг турларига қараб турларга бўлинади. Тасаввур умумлаштириш даражасига кўра: бирламчи, ягона, умумий ва схемалашган турларга бўлинади. Ягона тасаввур—битта нарса ёки ҳолатни тасаввур қилишдир. Умумий тасаввур эса, ягона тасаввурлар асосида язага келади, шулар натижаси сифатида умумий томонлар, хислатларга ўтилади. Схематик тасаввурда эса, нарсаларни чизма шаклларда ифодалашдир. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларида юқориде айтиб ўтилган тасаввур турларининг барча томонлари шикастланган бўлади. Психология фанида хотира тасаввури билан бирга, хаёл тасаввури ҳақида маълумотлар берилади. Хаёл нима? Олдинги тажибалар асосида янги тасаввурлар ҳосил қилишга хаёл деб вритамиз. Хаёл тасаввури ўтмиш ва ҳозирги втуқлар билан чегараланиб қолмай, билки келажак—

ка умид билан қараш, бўлажак ишларни режалаштириш имконини беради. Уқувчилар китоб ўқиш орқали ўтмиш воқеалари ҳақида, табиат ҳодисалари ҳақида, шунингдек жуда кўп маълумотларга эга бўладики, буларнинг кўпчилигини болалар умуман кўрмаган, тасаввур ҳам қилмаган. Бу сингари маълумотларни болалар тасаввур хаёли ёки умуман хаёл орқали билиб оладилар. Психологияда тасаввур хаёлининг 4 та тури бор.

1. Ҳаётда бор бўлиб, кишилар олдин идрок қилмаган нарсаларни тасаввур қилиш.

2. Тарихий ўтмишни тасаввур қилиш.

3. Ҳали бўлмаган, ammo маълум чизмаларига кўра келажакда бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тасаввур қилиш.

4. Ҳеч қачон бўлмаган нарсаларни тасаввур этиш.

Албатта, бу маълумотлар ақли заиф болалар учун жуда мураккаб тушунчалардир. Бундай тасаввур ҳолатларини ёрдамчи мактаб ўқувчилари деярли кўз олдларига ҳам қелтира олмайдилар. Шунга қарамай, айрим хаёлга берилувчи болаларда баъзи тасаввур турларини кузатиш мумкин.

Хаёл жараёнлари ироданинг иштирокига кўра: ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга бўлинади. Туш кўриш-ихтиёрсиз ^{қайтар} мисол бўла олади. Янги образлар ёки гоёларнинг махсус интилиш, хоҳиш асосида взага келиши ихтиёрий хаёлга мисол бўла олади. Ҳаёлнинг мустақиллиги ва оригиналлигига кўра: ижодий ва тасаввур хаёли турларга бўлинади.

Орау-хаёлнинг ўзига хос, махсус тури саналади. Киши томонидан хоҳланган образ, нарсаларнинг ҳосил бўлишини ишташ, хоҳлаш орзуга мисол бўла олади. Болалардаги хаёл идрок асосида ривожланиб боради. Болаларда 3 ёшдан бошлаб хаёл взага келиши мумкин. Ҳаёлнинг взага келиши ва тараққий этишида ўйинлар катта рол ўйнайди.

Ақли заиф болаларнинг тасаввурлари ўзининг дифференциациялашмаганлиги, фрагментарлиги, тарқоқлиги билан ўзларининг нормал тенгдошларининг тасаввурларидан фарқ қилади. Образлар даражасидаги таҳлил жараёнлари ҳам зарарлангандир. Бу сингари ақли заиф болалар тасаввурининг камчиликлари улар томонидан билимлар асосларини эгаллаш вақтларида қийинчилик туғдиради. Таълим жараёнида, назарий ва амалий вазифаларни ечиш вақтларида янги тасаввур-

лар пайдо бўлади. Янги билимлар эгаллаш вақтларида ақли заиф болаларда ўрганаётган объектларнинг тасаввурлари пайдо бўлиб борар экан. Шу сабабли олигофренопедагоглар ўқувчиларга янги билимлар бераётган вақтларида бунга алоҳида эътибор бериб боришлари керак. Ақлий нуқсонли болаларнинг тасаввурлари тез ўзгарувчан мазмунга эга экан. Бундай тасаввурларнинг ўзгарувчанлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Хаёлнинг инсон ҳаётидаги ўрни жуда каттадир. Исталган меҳнат фаолиятини оладиган бўлсак, хаёлнинг иштирокисиз деярли амалга ошириб бўлмайди. Масалан, бирон кийим тикиш, бирон нарса ясаш, бирон ўсимликни ўстириш учун қўлга киритиладиган натижаларни олдиндан билиш, яъни хаёлда тасаввур этиш лозим бўлади. Хаёл айниқса, бадиий ижод жараёнида жуда ҳам очиқ намоён бўлади. Лекин хаёл фақат рассомга, ёзувчига ёки санъаткоргагина керак деб ўйланса, хато қилинган бўлади. Ҳар қандай меҳнат жараёнида ижод элементи қанчалик кўп бўлса, ижодий хаёл ҳам шунчалик кўп бўлади. Хаёл жараёни ва унинг вужудга келиши бир қанча шароитларга боғлиқ. Одатда вужудга келган хаёл одамнинг ўз фаолияти давомида нимага интилаётгани, нимани истаётгани билан боғлиқ бўлади. Масалан, қурувчи бинокор қураётган биносининг қандай бўлишини, тарбиячи тарбиялаётган болаларининг ким бўлиб етишишларини хаёлан кўз ўнгига келтиради. Хаёл жараёнининг хусусиятларидан бири шундаки, хаёл одамнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва ўз олдига қўйган вазифалари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Лекин, шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, одамнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари ҳамма вақт ҳам хаёлга тўғридан-тўғри таъсир этавермайди. Одам ҳамма вақт ҳам истаган нарсаларга эришавермайди. Хаёл жараёнининг ўзига хос хусусиятлардан яна бири, унинг бой таҳриба ҳамда билимларга асосланишидир. Агар билимлар етарли бўлмаса, хаёлий тасаввурлар ҳосил бўлмайди. Демак, ақли заиф ўқувчиларда хаёлий тасаввурлар камдан-кам ҳоллардагина ҳосил бўлар экан, Хаёл жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири хотира тасаввурларини таҳлил қилишидир. Ёрдамчи мактаб шароитида таълим-тарбия оладиган ақлий нуқсонли болаларнинг тасаввур ва хаёл жараёнлари кўп жиҳатдан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг меҳнатига боғлиқ. Махсус таълим-тарбия қанчалик сермазмун, қизиқарли ташкил қилинса, болаларнинг тасаввурлари ҳам шунчалик боғиб боради.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалар тасаввурининг хусусиятлари ҳақида сузлаб беринг.
2. Тасаввур ва хаёл деб нимани тушунасиэ?
3. Хаёлнинг ақли заиф бола ҳаётидаги ўрни нимадан иборат?
4. Тасаввур ва хаёл турлари ҳақида гапириб беринг.
5. Ёрдамчи мактабларда тасаввур ва хаёлни коррекциялашнинг имкониятлари ҳақида гапириб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника. М., 1986.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка., 1985, 92-94- бетлар.
3. Шиф Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы, М., 1965., 82-102= бетлар.
4. Крутецкий В.А. Психология М., 1980; 177-195= бетлар.
5. Вохидов М. Болалар психологияси. Тошкент., 1982., 177-186= бетлар.
6. Айтметова С.Ш. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари., Тошкент- 1984., 92-94- бетлар.

9- Б У Л И М . АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ ХОТИРА ХУСУСИЯТЛАРИ

Руҳий жараёнлар ичида нисбатан кенгроқ Урганилган, текширилган тури хотирадир. Буяқ физиолог ва психолог И.М.Сеченов хотирани бола руҳий ривождаги асосий элементдир деб таъкидлаган эди. Хотира жараёнлари орқали бола ташқи оламни кўради, эслаб қолади, керак бўлганда яна эсга туширади. Умуман хотирасиз инсон шахсининг шаклланиши, ривожланиши мумкин эмас. Шу сабабли хотира жараёнлари жуда қадим замонларданок кишилар эътиборини тортган. Махсус психологияда, хусусан олигофренопсихологияда ҳам хотира муаммоси дефектологларнинг жуда эрта диққатини ўзига тортган. Х.С.Замский илмий ишларининг кўрсатишича, ақли заиф болалар янги нарсаларни жуда секин ўзлаштирадilar. Маълумотларни қайта-қайта такрорлаганларидан кейингина эслаб қоладilar. Ақли заиф болалар хотирасининг яхши ривожланмаганлиги, мустаҳкам эмаслиги, тез эсдан чўқаришлари сабабли, ўрта мактабларнинг бошланғич синфлари дастури ҳажмидаги ўқув маълумотларни 8 йиллик махсус таълим давомида эгаллайдилар. Бунинг асосий сабаби, ақли заиф бола асаб жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бош миёдаги қўзғалиш марказларининг аниқ, етарли бир жойга йиғилмаслиги, концентрация қилинмаслиги асосида хотира жараёнлари бузилади. Хотира муаммосини ақли заиф болалар устида, турли ёшларда, турли йўналишларда олимлар томонидан ўрганилган.

Ақли заиф болалар ўқув материалларини эслаб қолиш учун улар нормал болалардан кўра бир неча марта кўп такрорлашлари лозим. Дефектологларнинг эътирофи этишларича, ақли заиф ўқувчиларда хотира жараёнларини ривожлантириш, яхшилаш учун такрорлашнинг турли усулларида фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Л.С.Виготский фикрича бош миёнинг "ядровий" хусусиятлари ақли заиф боланинг бутун билим эгаллаш жараёнларига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб турар экан. Болалар хотирасининг ёмонлиги турли асаб касалликлари оқибатида ҳам ўзга келиши мумкин.

Бош миё нуқсонларидан келиб чиқадиган хотиранинг ёмонлигидан ташқари, болалар баъзи ҳолларда билганларини эслаб олмасликлари мумкин. Айрим ҳолларда, бегона кишилар олдида, янги шароитларда болалар билганларини гапириб бера олмайдилар. Бунинг сабаби, бош миё пуслогининг вақтинча тормоқланиш ҳоллари ўтади. Умуман бола-

лар хотирасини яхшилаш учун қатор тадбирлардан фойдаланиш мумкин. Булардан бири, болалар ҳаётида кун тартибини тўғри ва оқилона ташкил этиш, ҳамда асаб жараёнларининг турғунлигини таъминловчи иш қилиш лозим. Ақли заиф болалар хотирасининг самарадорлиги уларнинг уйқуси, меҳнат қилишлари, дам олишларига баъзан боғлиқ бўлмайди. Аммо, баъзи ҳолларда боланинг кўп ухлаши яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Лекин, бу хислат барчага ҳам тегишли бўлмаслиги мумкин. Шулар сабабли ҳар доим ақли заиф болаларга дифференциациялашган ҳолда муносабатда бўлиш талаб қилинади. Ўқорида айтиб ўтилган ақли заиф болалар хотирасига хос бўлган камчиликлардан ташқария яна шу нарса маълумки, ўтилган материалларни яхши ўзлаштирилмаганлигидир. И.М.Сеченов инсон хотирасини магнит тасмаси билан таққослаб, инсон хотирасида маълумотлар танланиши, тасниф қилинишини кўрсатиб ўтади. Аммо, магнит тасмаси бундай жараёнларни бажармасдан, тўғридан-тўғри маълумотларни борлигича ёзиб олади. Шу нарса маълумки, барча кўрилган, эшитилган, идрок этилган нарсаларнинг ҳаммаси хотирада сақланиб қолмайди. Сақланиши ҳам мумкин эмас. Чунки, барча анализаторларга таъсир қилган таъсиротларнинг барчаси хотирада сақланиб қолиши ҳам нормал ҳолат ҳисобланмайди. Нормал кишиларда қабул қилинган таъсиротлар қайта ишланади, тасниф қилинади, танланиб ундан кейингина хотирада сақланади. (Баъзи бир психологик манбаларда ёзилган механик ва мантиқий хотира турлари ақли заиф болаларда ҳам учраши мумкин. Ақлий нуқсонли болаларнинг аксариятида кичик ёшларда механик хотира устунлик қилса, ёш улғайган сари бу тоифа болаларда ҳам мантиқий хотира ривожланиб боради.) Бу каби болаларнинг хотира хусусиятларини А.Н.Леонтьев атрофлича ўрганган. Бу ишда нуқсонлиларга оид маълумотларга кам ўрин берилган. Л.В.Занков ўз текширишларида ақли заиф болаларда мантиқий ва механик хотиранинг ўзгарувчанлигини кўрсатиб ўтади.

Муаллифнинг таъкидлашича, ақли заиф болалар материалларни такрорлаш вақтларида айрим сўзлар, жумлалардан нари ўта олмайдилар. Бу эса, асосий ғояни эслаб қолишларига халақит беради. Ҳуқуқ маълумотларини юзақи эслаб қолиш ақли заиф болаларга хос бўлган хусусиятлардандир. (Кўрилган, эшитилган маълумотларни ҳеч бир ўзгартиришсиз эслаб қолиш эйдетик хотира деб номланади.) Бундай кишилар хотирасида таъсиротларнинг образлари узоқ муддат сақланиб қолади. Ақли заиф болалар орасида китобдаги маълумотларни ҳеч бир

Ўзгаримсиз, китобдагидек тартибда гапирадиган болалар ҳам учраб туради. И.П.Павлов бундай ҳолатни биринчи сигнал тизими мазмуни-ни касб этадиган ҳол деб баҳолайди. Умуман эйдетик ҳолат кам учрайдиган ҳолатдир. Ақли заиф болаларга бирор нарса ўқиб берилса, улар айрим жумлаларни ёдлаб, эслаб қолишга ҳаракат қиладилар. Аслида, ёдлаб олган нарсаларнинг моҳиятига ўзлари тушуниб етмайдилар. Ақли заиф болаларнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира жараёнларини А.В.Григонис атрофлича ўрганган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ақли заиф болалар конкрет материаллардан тузилган топшириқларни, мавҳум топшириқлардан кўра бирмунча яхши эслаб қолганлар. Ақли заиф болалар томонидан эслаб қолинган маълумотларнинг ақли ва мустаҳкамлиги нормал болаларникидан бирмунча паст бўлган. Умумий психологиядан маълумки, XX аср бошларида хотирани ривожлантириш мақсадида қатор машқлар тизими "мнемотехника" кенг тарқалган эди. Бу машқлар ўз ичига турли телефонлар рақамларини, турли сонлар қаторларини, турли мазмундаги матнларни ўз ичига олган. Болаларнинг шу маълумотларни эслаб қолишлари машқ қилинган. Аммо, бу тахлитдаги ишлар узоққа бормади. Чунки, маълумотларни эслаб қолиш учун унинг моҳиятини тушуниб олиш керак. И.М.Сеченов нормал етук хиши хотирасини яхши ташкил этилган кутубхонага ўхшатади. Ёш бола хотираси эса, тартиб интизомсиз, пала-партиш ташкил қилинган кутубхонага ўхшайди. Ақли заиф болаларнинг хотираси, табиийки, ёш болалар хотирасига ўхшаб кетади.

Ақли заиф болалар хотираси нуқсонли асосда ривожланади ва шаклланиб боради. Олигофрен болалар хотираси устида таҳриба ишлари олиб борган Джонсон, Лобзин, Раншбург ва бошқалар ҳам иқоридаги фикрларни эътироф этишган. Психологлардан Л.В.Занков, М.С.Левитан, И.М.Соловьёв, Г.М.Дульнев, М.М.Нудельман, Б.И.Пинский, Х.С.Замский, В.Г.Петрова ва бошқалар томонидан хотиранинг жуда кўп томонлари атрофлича ўрганилди. Таҳриба натижаларининг кўрсатишича, ақли заиф болаларнинг хотира жараёнлари нормал тенгдошларникидан қатор кўрсаткичлари билан фарқ қилар экан. Б.И.Пинский ақли заиф болаларнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотирасини 5, 6, 7, синфларда нормал болалар билан нисбий тарзда ўрганган. Аммо, нормал болаларнинг иқоридаги синфлари эмас, балки 4,5, синфларини олган. Бу ўқувчиларнинг барчасига маълум матнларни ўқиб берилган. Маълум бўлишича, 4,5- синф нормал болалар ихтиёрсиз равишда ўқилган маълумотларнинг 50%, ақли заиф болалар эса, 40% эслаб

қолганлар. Ихтиёрий равишда эса, нормал болалар маълумотларнинг 80,5% , ақли заиф болалар эса, 46% эслаб қолганлар. Эслаб қолганларидаги фарқни агар болалар ёшларидаги фарққа қараб таҳлил қилсак, умумий манзара янада ойдинлашади. Яъни болалар ёшларидаги фарқ ва эслаб қолган маълумотлар орасидаги фарқ деярли 2-3 марта нормал ўқувчилар фойдасига ҳал бўлади. Маълумотларнинг кўрсатишича, ақли заиф болаларда ихтиёрий хотирагина бузилиб қолмасдан, балки ихтиёрсиз хотиралари ҳам сезиларли даражада бузилган экан. А.А.Смирновнинг кўрсатишича, ихтиёрсиз хотирада ақлий фаоллик яхши рол ўйнар экан. П.И.Зинченко текширишларининг кўрсатишича, материаллар билан фаол ишлаш ҳам ихтиёрсиз хотиранинг ривожланишига яхши ёрдам берад экан. Ихтиёрий хотиранинг яхши натижаларга эришишининг асосий омили эслаб қолинаётган маълумотлар мазмунини яхши тушуниб етишдир. Шу жиҳати билан механик хотирадан фарқ қилади. Маълум бўлишича, маълумотларни тушуниб эслаб қолиш, механик хотирадан аниқлиги, унумлилиги, узоқ эсда сақланиши билан фарқ қилади. Баъзи дефектологик адабиётларда кўрсатилишича, дебил даражадаги олигофренларнинг механик хотираси билан, нормал болаларнинг механик хотираси орасида сезиларли фарқ йўқ экан. Бу ҳақда Штроймайер ва Геллер ҳам ўз ишларида қайд қилиб ўтганлар. Ёрдамчи мактабдаги таълим жараёнида ақли заиф болалар ёши улгайган сари, уларнинг тушуниб эслаб қолишлари ўсиб борар экан. И.М.Соловьев илмий текширишларининг кўрсатишича, ақли заиф болалар таққослаш жараёнларидан унумли фойдалана олмас эканлар. А.И.Липкина ўз илмий изланишларини ақли заиф бола хотира жараёнларини шакллантиришда такрорлашнинг турли комбинацияларини қўллашни тақлиф этади. Ж.И.Шиф., Г.М.Мурашова, Л.А.Исаенколарнинг кўрсатишларича, бир хилдаги, ўзгаришсиз, бир қолипга тушиб қолган такрорлашлар яхши натижалар бермаслиги билан бирга, коррекцион аҳамиятга ҳам эга эмас экан. Хотира жараёнларидан эслаш ҳам, эслаб қолиш сингари ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга бўлинади. М.П.Феофановнинг текширишларидан маълум бўлишича, ёрдамчи мактаб 4 синф ўқувчилари 2 синф ўқувчиларидан кўпроқ нарса ва маълумотларни эсга туширар эканлар. Ақли заиф болаларнинг эслаш жараёнлари ўзининг тўлиқ эмаслиги, аниқ эмаслиги, шаклининг тўғри эмаслиги билан нормал болалардан фарқ қилади. Шу нарсаи эсдан чиқармаслик керакки, хотира хусусиятлари ҳам бошқа руҳий жараёнлар сингари ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари-

та боғлиқ бўлади.

Хотира турлари ҳақида умумий психологияда атрофлича маълумотлар берилишини ҳисобга олиб, қатор умумий материалларни бермасликни лозим топдик. Шунга қарамасдан, айрим маълумотларни ақли заиф болалар хусусиятларига мослаштириб берамиз. Хотирани турларга бўлишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак. Бизнингча, хотирани қуйидагича турларга ажратиш уларни ўрганишни осонлаштиради. Албатта, бу маълумотлар психология қўллашларида мавжуд. Аммо, барча қўлланмаларда ҳам бир хилда берилмаган. Хотира турлари асосан, 3 хил мезон асосида бўлинади.

1. Эслаб қолинаётган объект, нарса, ҳолат, фикрлар, ҳаракат, сезгиларга кўра хотира тури. Шунга кўра хотиранинг образли, сўз-мантиқ, ҳаракат, ҳиссий турларга ажратилади

2. Хотира жараёнларида ироданинг иштирокига кўра, хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларига бўлинади.

3. Эслаб қолинаётган нарса ва ҳодисаларнинг қанча муддатга эслаб қолинаётганига кўра турларга бўлинади. Шунга кўра хотиранинг қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотираларга бўлинади.

Қисқачароқ, тушунарлироқ қилиб айтганда хотира турлари: нима эсланишига, қандай эсланишига ва қанча муддатга эсланишига кўра турларга ажратилади: Хотира айтиб ўтганимиздек руҳий жараёнлар ичида ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг аҳамияти ўзига хосдир. Хотирадан ажралган бола ёки катта кишининг қай ҳолатга тушиб қолишини бир тасаввур қилиб кўринг. И.М.Сеченов хотирадан ажралиб қолган киши абадий чақалоқ ҳолатида бўлади деб кўрсатади. Хотира ҳам бошқа психик жараёнлар каби ўзига хос фаолиятдир. Хотиранинг ўқорида қайд қилиб ўтилган турларидан ташқари, унинг жараёнлари ҳам мавжуд. Хотира жараёнларига: эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш, унутиш, билиш киреди. Ақли заиф болаларнинг хотира турлари, хотира жараёнлари нормал болаларникидай турларга бўлинсада, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари бирмунча фарқ қилади. Ақли заиф бола бош миясининг қай вақтда, қай даражада, қандай зарарланганлиги асосида хотира турлари, жараёнлари ҳам ўзига хос мазмун касб этиб боради. Шу сабабли, ҳар бир боланинг хотира хусусиятлари ўзига хосдир. Психологиядан маълумки, чақалоқ 4 ойдан бошлаб таниш кишиларни эслаб қола бош-

лайди. 3-4 ёшлардан бошлаб эса, болаларда ихтиёрий эслаб қолиш шакллана бошлайди. Бу албатта ақлий нормал болаларга тегишли маълумот. Бош мияси зарарланган болалар эса, бу муддатларда албатта на бирор нарсани эслаб қолаолади, на уларда ихтиёрий хотира шаклланмайди. Ақли заиф болалар хотира жараёнларини таҳлил қилаётганда мумкин қадар бу нуқсонларни коррекциялаш имкониятлари ҳақида ўйлаш лозим. Чунки, асосий мақсад фақатгина нуқсонли психик жараёнлар ҳақида маълумот бериб қолмасдан, балки шу мумкин бўлган нуқсонли ҳолатларни тўғрилаш, коррекциялаш, юмшатиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтишимиз даркор. Акс ҳолда, берилган назарий маълумотларнинг амалий аҳамияти бўлмайди.

И.М.Финкельштейн ва М.И.Кузмицкая томонидан қилинган тажриба ишларининг кўрсатишича, ёрдамчи мактаб ўқувчилари тарихий воқеаларни хронологик изчилликда баён қилишга анча қийналишар эканлар. Бу қийинчиликларнинг олдини олиш учун, болаларга тарихий воқеалар орасидаги вақт ҳақида тўғри тушунчалар бериб бориш керак. Ақли заиф болалардаги хотира камчиликларини бартараф этишнинг асосий шартларидан бири уларга бериладиган билимларни қизиқарли қилиб беришдир. Одатда, қизиқиш билан ўзлаштириш осон эса олиб қолишнинг асосий шартидир. Болаларда қизиқиш уйғотган нарсасига яхши эса олиб қолишга ёрдам беради. Хотира заифлигининг яна бир сабаби, болалар диққатининг бўшлиғида, тарқоқлигидадир, шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, материални идрок қилишда сезги аъзолари қанчалик кўп иштирок этса, шунчалик материал пухта эса олиб қолинади. "Боланинг эсида бирор нарсанинг маҳкам ўрнашиб қолишини хоҳловчи педагог, дейди К.Д.Ушинский, - мумкин қадар бола сезги аъзоларининг кўпчилигини кўзи, қулоғи, мушаклар сезгиси, ҳатто, агар иложи бўлса, ҳидлаш ва таъм билиш аъзоларини ҳам эса олиб қолиш жараёнларида қатнаштиришга ҳаракат қилиши керак".

Савол ва топшириқлар

1. Хотира жараёнининг болалар ақлий ривожигаги ўрни ҳақида гапиринг.
2. Хотира ривожигаги нуқсонлар нималардан иборат?
3. Ақли заиф болалар хотира турларидаги нуқсонлар нималардан иборат?
4. Хотира жараёнларидаги камчиликлар нималардан иборат?

5. Хотирани ўрганишнинг қайси усулларини биласиз?
6. Ақли заиф болалар хотирасини коррекциялашнинг имкониятлари ҳақида гапириб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умствено отсталого школьника., 1986., М., 127-142= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умствено отсталого ребенка., М., 1985, 92-101= бетлар.
3. Шиф Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школв., М., 1965, 103-128= бетлар.
4. Вохидов М. Болалар психологияси., Тошкент, 1982., 158-167= бетлар.
5. Крутецкий В.А. Психология., М., 1980., 129-154= бетлар.

Диққат руҳий ҳолатлар орасида ўзининг махсус ўрнига эга. Диққат нима? Руҳий жараёнми? Ёки руҳий ҳолатми? Ёки бўлмаса, шахснинг маълум бирор сифати? Қатор психологик адабиётларда, дарсликларда диққат масаласида тугалланган, охири фикр, мулоҳазалар учрамайди. Масалан, 1982 йилда Тошкентда чоп этилган "Болалар психологияси" (М.Воҳидов) дарслигида 3 қисм "Психик жараёнлар" деб номланади. Шу қисмнинг бошланиш 7- боби "Диққат" руҳий жараёнига бағишланган. Муаллиф диққатни бошқа руҳий жараёнлар сингари батафсил баён этган. Агарда у шу дарсликка асосланиб иш тутадиган бўлсак, унда биз ҳам диққатни руҳий жараён сифатида очиб беришимиз лозим бўлади. 1980 йилда Москвада чоп этилган психология дарслигида (В.А.Крутецкий) эса, диққат темаси "Шахс ва фаолият" қисмида баён этилган. 1986 йилда Москвада чоп этилган "Психология умтвенно отсталого школьника " ўқув қўлланмасида (С.Я.Рубинштейн) "диққат" темаси билиш жараёнларига киритилган. Бу қўлланмада руҳий жараёнлар ҳақида гап бормасдан, балки билиш жараёнлари ҳақида маълумотлар берилади. Бунинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида фикр яритишдан узоқмиз. 1987 йилда Москвада чоп этилган "Хрестоматия по психологии" ўқув қўлланмасида қуйидаги маълумотлар келтирилган. Бу фикрлар қўлланманинг "Билиш жараёнлари" қисмида П.Я.Гальпериннинг "Диққат муаммосига оид" ишидан кўчирилган. "... Психология алоҳида фан сифатида шаклланган даврдан бошлаб, турли соҳа психологлари диққатни мустақил руҳий фаолиятнинг шакли эканлигини бир овоздан инкор этмоқдалар. ... Диққат ҳеч қерда мустақил жараён сифатида намоён бўлмайди. ... Диққат ўзининг алоҳида, махсус маҳсулига эга эмас. У қайси фаолиятга бирлашса, уша фаолиятни яхшилайтиди".

Дқоридаги мунозарали фикрларни янада кўпайтириш мумкин эди. Бунга наҳожат. Муаммонинг ойдинлашишига шулар ҳам етарли бўлса керак. Биз баён қилмоқчи бўлган фикрлар ҳам маълум манбалардан олинган. Диққат, мустақил руҳий жараён эмас, шунинг учун шахснинг хусусиятлари—га ҳам кирмайди. Аммо, диққат амалий фаолиятларга, билиш жараёнларига, шахснинг сифатларига қўшилиб келади. Қерда иштирок этмасин, ўша жойда фақат ижобий томондан таъсир этишга қаратилади. Диққат ҳаётда руҳий фаолиятнинг бир томони бўлиб кўзга ташланади. Шу билан бирга муваффақиятли билим, кўник-

ма, малакалар эгаллашнинг асоси ҳисобланади.

Диққат—онгнинг маълум манбани тўлароқ акс эттириши учун ўша манбага қаратилишидир. Ўша манбаларга диққатни қарата билиш эса, шахснинг фаоллигини билдиради. Ихтиёрий диққат руҳий ҳаётнинг хусусияти сифатида, меҳнат фаолиятида юзага келган. Диққатнинг физиологик механизмлари жуда ҳам мураккабдир. мутахассисларнинг таъкидлашларича, диққатнинг механизми рефлектор фаолият билан боғлиқ. Диққатнинг намоён бўлишини, юз беришини кишининг ҳолатидан, юз мимикасидан ҳам билса бўлади. Ушинский диққатни инсон қалбининг эшиги деб беҳиз таърифламаган бўлса керак. Инсоннинг фаоллик даражасига кўра диққатнинг 3 турини ажратиш мумкин.

1. Ихтиёрсиз диққат.
2. Ихтиёрий диққат.
3. Ихтиёрийдан сўнгги диққат.

Ҳар бир тур диққат ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

ИХТИЁРСИЗ ДИҚҚАТ

Қатор психологик адабиётларда ихтиёрсиз диққатнинг синонимлари: пассив ёки ҳиссий деб ҳам берилади. Буларнинг иккаласи ҳам ихтиёрсиз диққатнинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Ихтиёрсиз диққат — бу онгнинг таъсиротлар кучига қараб маълум манбага қаратилишидир. Кучли таъсирот бошқа таъсиротлардан устунлиги билан диққатни тортади. Ихтиёрсиз диққатнинг юзага келишида таъсиротларнинг янгилиги ҳам таъсир этади. Одамнинг кўз ўнгида пайдо бўладиган жуда ёрқин нарсалар, ўзининг ташқи кўриниши билан одатдаги нарсалардан кескин фарқ қилувчи нарсалар, тўсатдан пайдо бўладиган қаттиқ товуш, бирон нарсанинг кескин ҳаракати ва бошқа нарсалар ихтиёрсиз равишда бу диққат турининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Дарс пайтида тўсатдан самолётнинг қаттиқ товуши, ёки болалар уйқуга ётган хижит хонага қамалиб қолган эрининг гингиллаб учishi ва дераза ойнасига урилиши, ҳали ухлаб улгурмаган болаларнинг диққатини ихтиёрсиз равишда ўзига жалб этади. Ёрданчи мактаб ўқувчиларидаги руҳий жараёнлар ичида бизнингча энг кўп зарарлангани бу диққатдир. Чунки қайси ўқитувчи, тарбиячи билан суҳбатлашанг, биринчи навбатда болаларнинг диққатларидан шикоят қилади. Чунки, атрофдан келаётган таъсиротларга биринчи диққатимиз билан жавоб берамизда.

Бу тур диққатнинг синонимлари мавжуд. Буларга фаол диққат, иродали диққат киради. Бу жумлаларнинг кўрсатишича, атроф-муҳитдан келаётган бирор таъсиротга онгнинг қаратилишида субъект етакчи рол ўйнайди. Ихтиёрий диққат-онгли равишда диққатнинг, эътиборнинг бирор манбаларга қаратилиши ва бошқарилишидир. Ақлий фаолиятда диққатнинг тургунлиги амалий ҳаракатларга боғлиқ. Масалан, китоб ўқиш жараёнида қисқача айрим қисмларини ёзиб борилса, диққат тез тарқалимайди. Таълим – бу меҳнатдир, шу сабабли таълим жараёнини ихтиёрсиз диққатга асосланиб ташкил этиб бўлмайди. Одамнинг кўпчилик фаолиятлари асосан ихтиёрий диққатнинг иштироки билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам барча фаолият турларида, яъни ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларида ихтиёрий диққатнинг роли жуда каттадир. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатга нисбатан узоқ давом этадиган тури бўлиб, у зўр беришни, иродавий куч сарф қилишни талаб этади. Мана шунинг учун ҳам ақлий нуқсонли болаларда ихтиёрий диққат яхши шаклланмаган бўлади. Чунки, ақли заиф болаларнинг иродага тегишли ишларни ҳар доим деярли қониқарсиз бажарадилар. Бу ўринда машҳур француз шифокор-педагоги Эдуард Сегеннинг ушбу мисралари эътиборга лойиқ. "Чуқур ақли заиф бола ҳеч нарса қила олмайди, ҳеч нарса билмайди, энг кераклиги эса – у ҳеч нарсани хоҳламайди." Демак, ақли заиф болалардаги асосий нуқсон хоҳишнинг, яъни ироданинг етишмаслигидир. Маълумки, ирода йўқ жойда диққатни ҳам бирор жойга йигиб бўлмайди. Ихтиёрий диққатнинг юзага келиб, намоён бўлишида нутқнинг роли гоят каттадир. Чунки, кўпчилик ҳолларда, хоҳ таълим жараёнида бўлсин, хоҳ меҳнат жараёнида бўлсин нутқ орқали турли вазифалар қўйиш билан ихтиёрий диққат ишга солинади. Шуни унутмаслик керакки, ихтиёрий диққат ҳар доим ихтиёрсиз диққат билан алмашиб туради.

Шу нарса маълумки, ақли заиф болалар дарс жараёниларида тез чарчайдилар. Демак, бу болаларнинг диққатлари узоқ муддат бирор нуқтага, таълимга қаратилмас экан. Шунинг оқибатида бу болалар тез-тез дарсдан чалғиб турадилар. Ақли заиф болаларнинг дарс вақтларида чалғиб туришлари уларнинг ўз хоҳишлари билан эмас, балки бош миаяларида ўз берган касалликнинг натижаси экан. Шу сабабли ёрдамчи мактабларнинг ходимлари бундай ҳолатларга турри

муносабатда бўлишлари даркор. Таълим жараёнларида ихтиёрий диққатнинг вақт-вақти билан ихтиёрсиз диққатга ўтиб туриши яхши самара беради, яъни боланинг ихтиёрий диққатлари муддати чўзилиб боради. Психологияда диққатнинг ихтиёрийдан кейинги диққат тури ажратилади. Бу диққат турининг номидан кўриниб турибдики, бу тур диққат ихтиёрий диққат тугаши билан бошланади. Бу тур диққат асосан диққатнинг маълум манбаларга уларнинг шахсга қимматлилигига қараб қаратилишидир. Ихтиёрийдан кейинги диққатда дастлаб ихтиёрий диққат элементлари, сўнгра эса ихтиёрсиз диққат элементлари ўрин олади.

Оқорида қайд қилиб ўтилган диққат турлари бир-бирлари билан кўп ҳолларда аралашиб келади. Ҳамда, биридан, иккинчисига ўтиб туради. Диққат манбаларининг ташқи оламда борлиги, ёки унинг сезгилари, фикрлар, шахснинг кечинмаларига кўра ички ва ташқи диққат турларига бўлинади. Бир вақтнинг ўзида шахс ҳам ички, ҳам ташқи диққатга берила олмайди. Баъзан киши ички диққатни бошидан кечираётганда кўзларини ямиб олади. Ички диққатнинг манбаини кишининг сезгилари, кечинмалари ташкил этади. Бола жамоада ўқийди, ишлайди. Шу сабабли унинг диққатига бошқалар таъсир этади. Шуларга кўра, жамоа, гуруҳ, ҳамда индивидуал диққат турлари ҳам ажратилиши мумкин. Бутун синф болаларининг диққатларини бирор воқеага, ҳодисага қаратиш жамоа диққатига мисол бўла олади. Гуруҳли диққат деганда жамоа ичида маълум ўқувчиларнинг диққатларини бирор манбага йиғиш тушунилади. Индивидуал диққат эса, номидан кўриниб турибдики, битта боланинг диққатини бирор жойга йиғиш талаб этилади. Бу диққат турлари ҳам бир-бирларига ўтиб кетиш хусусиятларига эга. Ёрдамчи мактаб шароитларида болаларнинг диққатларини тарбиялаб боришнинг турли-туман усуллари мавжуд. Бунинг учун ўқитувчи, тарбиячилар жуда сезгир бўлишлари керак.

Диққат хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Диққат хусусиятларига унинг ҳажми, тақеимланиши, йиғилиши, турғунлиги, ўтиши киради. Диққат ҳажмини аниқлаш учун рақамлар, бир-бирларига боғланмаган ҳарфлар, айрим нарсалардан фойдаланилади. Диққатнинг барча хусусиятларини ёрдамчи мактаб шароитида тарбиялаб бориш мумкин. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги деб, одам ўз диққатини бирон нарса ёки ҳодисага узоқ муддат давомида қаратиб тура олишига айтилади. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги бола

ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, диққатни маълум муддат давомиде бирор нарсага муттасил, яъни узлуксиз тарзда қарата олмайдиган бола ишлай ҳам олмайди, ўқий ҳам олмайди, ҳатто ўйнай ҳам олмайди. Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши бир қанча сабабларга боғлиқ, бўлиши мумкин. Одам ўзининг диққатини узоқ муддат қизиқ ёки мазмунли бўлмаган нарсага қарата олмайди. Агар диққатимиз қаратилган нарса қизиқарли ва янги, мазмундор бўлса, шу нарсага диққатни анча вақт қаратиб туриш мумкин. Шу сабабли ёрдамчи мактабларда таълимни қизиқарли ташкил этиш борасида кўп гапирилади. Айрим болаларнинг диққат ҳажми кенг бўлса, айрим болаларнинг диққат ҳажми тор бўлади. Диққатнинг ҳажми айни бир вақтда одамнинг идрокига сиғиши мумкин бўлган нарсалар миқдори билан ўлчанади. Бошқача қилиб айтганда, идрок қилиш жараёнида диққатимиз қаратиладиган нарсаларнинг қанчасини онгимизга сиғдира олишимиз диққатнинг ҳажмини ташкил этади. Болаларнинг диққати айни бир вақтда фақат битта нарсагагина эмас, балки иккита ёки учта нарсага ҳам бирданига қаратилиши мумкин. Демак, диққатнинг бўлиниши деганда биз айни бир вақтда диққатимизнинг икки ёки уч нарсага қаратилишини тушунамиз. Бола диққати ҳам доим бир нарсадан иккинчи бир нарсага, бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятга кўчиб туради. Диққатнинг ана шундай хусусиятини диққатнинг кўчувчанлиги деб яритамиз. Диққатнинг ёқорида айтиб ўтилган хусусиятларга туфайли одам атрофидаги муҳитга, ундаги турли-туман ўзгаришларга тез мослаша олади. Диққатнинг бу асосий хусусиятлари болага туғма равишда, ирсий йўл билан берилмайди. Бу каби хусусиятлар ёшлиқдан бошлаб турли фаолиятлар—ўйин, ўқиш, меҳнат жараёнларида таркиб топиб боради. Ана шуни назарда тутиб, махсус мактабларнинг барча ходимлари турли-туман машғулот, ва ўйин жараёнларида болалар диққатини ҳар томонлама, ҳамда изчил равишда шакллантириб боришлари керак. Маълумки, шахснинг ташқи олам билан ўзаро таъсири фаолият орқали амалга ошади. Бу жараёнда субъектнинг манбага маълум алоқаси шаклланади. Диққат бу алоқанинг намоён бўлишини кўрсатади, ҳамда онгнинг манбага қаратилганлигини кўрсатади. Л.С.Виготскийнинг кўрсатишича, ақли заиф болаларда диққатнинг олий шакллариининг бузилиши биологик ва маданий ривожланиш орасидаги боғлиқликнинг бузилишидир. Ақли заиф болалар билан коррекцион ишлари муваффақиятли амалга ошириш учун бола диққатининг физиологик механизмларини билиш талаб этилади. Ақли заиф болалардаги ихтиёрини диққат ихтиёри билан қатъан пестдир. Нунинг

сабаби, ички тормозланишнинг заифлиги ва ташқи тормозланишнинг яққол қўзғатилари ташланишидир. Қийин бошқариладиган ташқи тормозланиш ақли заиф болаларда диққатнинг турғунсизлигига олиб келади. Ақли заиф болалардаги диққатнинг тақсимланиши, ўтишининг қийинлиги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг мўртлиги асосида юз беради. Ақли заиф болалар диққатини тарбиялаб боришда улар олий асаб фаолиятларининг типларини эътиборга олиш даркор. Ақли заиф болалар диққатини шакллантириб бориш шахсни шакллантириб бориш билан узвий боғлиқ. Ақли заиф болалар диққатини қатор психологик методикалар билан ўрганиш мумкин. Айниқса, Шульте жадваллари, корректур синаш яхши натижалар беради.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалар диққатининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Диққат турларини сўзлаб беринг.
3. Диққат руҳий жараёнларга кирадими? Нима учун?
4. Ақли заиф болаларнинг диққатини коррекциялашнинг имкониятлари ҳақида нималар биласиз?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отстающего школьника., 1986., М., 142-146= бетлар.
2. Виноградов А.Д. Практикум по психологии умственно отстающего ребенка, 1985., М., 63-71= бетлар.
3. Воҳидов М. Болалар психологияси; 1982., Тошкент., 124-132 бетлар.
4. Крутецкий В.А. Психология М., 1980, 86-9 105= бетлар.
5. Петровский А.В. Хрестоматия по психологии. М., 1987, 169-174= бетлар.

Тафаккурдан ташқари барча руҳий жараёнлар, ҳолатлар билиш жараёнларида маълум ўрин эгаллашларини олдинги бўлимларда гапириб ўтилди. Тафаккур – билиш жараёнларида маълум ўринни эгалламай, балки энг юқори поғонасидир. Тафаккур ташқи оламни акс эттиришнинг олий шаклидир. Тафаккур борлиқни умумлашган шаклда билишдир. У нарса ва воқеаларнинг туб моҳиятини тушуниб етишга ёрдам беради. Тафаккур орқали қилаётган ҳаракатларимиз натижасини кўрамиз, ижодий, мақсадга мувофиқ фаолият кўрсата оламиз. Ақли заифлик иборасида, билиш фаолиятининг турғун пасайиши кўрсатилади. Бу эса, бевосита тафаккур билан боғлиқ. Ақли заиф болалардаги тафаккур бузилишларини аниқ билиш учун унинг нормал ҳолатини билишимиз лозим.

Тафаккур биринчидан умумлаштиришдир. Маълумки инсон фикрлари тушунчалардан иборатдир. Масалан, дарахт – бу илдиэлардан, танаси, шохлари, мевалари, ва ҳоказолардан иборат бўлган ўсимликдир.

Тафаккур – иккинчидан ташқи оламни боғлиқли, воситали билишдир. Боғча ёшидаги ақли заиф болаларда тафаккур жуда паст даражада бўлади. Шу сабабли улар оила аъзоларининг гапларини, эртақлар мазмунини ёмон ўзлаштирадilar. Идрокларнинг нуқсонлилиги асосида тасаввурларининг ёмонлиги оқибатида, тафаккур жараёнлари уларга мос равишда нормал даражадан паст бўлади. Ақли заиф болалардаги кўриш, эшитиш тасаввурларининг камбағаллиги, ўйин тажрибаларининг чегараланганлиги, нутқининг ёмонлиги оқибат натижада тафаккурнинг ривожига салбий таъсир этади. Ақли заиф болалар ўзларининг нормал тенгдошларидан ўз тафаккурларининг конкретлиги, умумлаштириш жараёнларининг сустлиги билан ажралиб турадилар. Умуман ақлий нуқсонли болалар умумлаштира оладиларми? Бу саволга тегишли турли жавоблар бор. Биринчи оқим тарафдорларининг таъкидлашларича, ақли заиф болалардаги умумлаштиришнинг заифлиги бу бирламчи ва асосий нуқсондир. Шу сабабли олий даражадаги инсоний билимларни ақли заиф болалар ўзлаштира олмайдилар. Умумлаштириш – инсон бош миясининг олий маҳсулидир. Демак, ақли заиф болаларда бош мия зарарланган окан, бундай олий маҳсулни ярата олмайди. Иккинчи оқим тарафдорларининг кўрсатишларича, ақли заиф болалар умумлаштиришнинг нормал тенгдошларидан бириун-

ча секин амалга оширадilar. Иккинчи оқим тарафдорларининг фикрлари назарий жиҳатдан асослангандан ташқари, амалиётда ҳам ўз исботини топган. Л.С.Виготокий ўзининг "Ақли заифлик муаммоси" асарида турли хил қарашларни таҳлил қилиб берди. Айниқса, немис психологи Курт Левиннинг ақли заифлик динамикасига оид қарашларини қаттиқ танқид қилди. Шу билан бирга К.Левин ишларининг ижобий томонларини кўрсатиб берди. Бунга унинг фикрлар-сезгилар таъсирида юзга келиши ҳақидаги фикрларидир. Л.С.Виготскийнинг ақли заифликга оид ядроли белгилар, кўрсаткичлар назарияси алоҳида аҳамият касб этади. Бош мианинг мўртлиги, заифлиги, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бузилганлиги ҳақидаги И.П.Павловнинг ўзига хос таълимоти ақли заифликнинг қатор масалаларини, тўғри тушунишга ёрдам берди. Ақли заиф болаларда тўғри тафаккур/ривожлантириш жуда қийин иш, аммо нисбатан ҳал қилса бўлади. Ёрдамчи мактабларда таълимнинг самарали усулларидадан фойдаланиш, турли болаларни қизиқтира оладиган кўргазмали материаллардан ўринли фойдаланиш асосида тафаккурни бирмунча шакллантириш, ривожлантириш, коррекциялаш мумкин. Бу борада В.Г.Петрованинг қатор ишларида, И.М.Соловьёвнинг арифметик топшириқлар ечиш вақтларида ақли заиф болалар тафаккур хусусиятлари очиқ берилган. Ақли заиф болаларда тафаккур бузилишлари, унинг бошқарувчилик вазифасининг ҳам бузилганлигида кўзга ташланади. Ақли заиф болаларда тафаккурнинг танқидий эмаслиги ҳам ажралиб туради. XIX асрнинг қатор олигофренопедагоглари ақли заиф болалар тафаккурини махсус машқлар билан ривожлантириш мумкин деб қарашган. Бу таҳлитдаги машқлар нисбатан ижобий натижалар берган. Аммо, бу ишлар ақли заиф бола нуқсонли тафаккурини тўла шакллантиришга, тўғри-лашга қодир эмас. Ақли заиф болалар тафаккурини бир тизимда, изчил равишда, маълум дастур асосидагина ривожлантириб бориш мумкин. Махсус таълим жараёнида ақли заиф болалар таҳлил, тасниф, хулосалар чиқаришга ўрганиб борадилар. Булар эса, оқибатда фикрлашга олиб келади. Тафаккур бузилишлари руҳий касалликларда энг кўп учрайдиган белгилардан биридир. Бунинг клиник вариантлари жуда кўп. Ташхис қўйиш вақтида тафаккурнинг у ёки бу томонларига алоҳида эътибор берилади. Э.Крепелин, К.Гельбронер, М.Я.Серейский, В.П.Осипов, В.А.Гиляровский, М.О.Гуревич ва бошқалар турли руҳий касалликларда турли руҳий жараёнларнинг бузилиш хусусиятлари ҳақида қimmatли маълумотлар берганлар. Шу нарса эътиборга

молик нарсаки, турли руҳий касалликларда турли руҳий жараёнларнинг айримлари кўпроқ, айримлари эса камроқ зарарланар экан. Бу жуда катта диагностик аҳамиятга эга. Иқорида айтиб ўтган И.М.Сеченовнинг "Фикр элементлари" асарида, фикр нарса, ҳодисалар ҳақида тасаввурларимиздан бошланади деганда бизнингча жуда ҳақли эди.

Тафаккур бузилишларини 3 хил кўринишда ифодалаш мумкин.

1. Тафаккурнинг операцион томонининг бузилиши.

2. Тафаккур динамикасининг бузилиши.

3. Тафаккурнинг мотивацион компонентининг бузилиши.

Буларнинг ҳар қайсини қисқача қуйидагича баён қилиш мумкин.

Тафаккурнинг операцион томонининг бузилганлигида, асосан, тафаккурнинг жараёнлари зарарланган бўлади. Буларга таҳлил ва тасниф, умумлаштириш даражасининг пасайиш ҳолатларини киритиш мумкин.

Тафаккурнинг динамиклигининг бузилишида эса, фикрлашнинг тартибсизлиги, фикр юритишда бошланиш ва хулосанинг йўқлиги кўзга ташланади. Бу ҳолда бемор тафаккури ўзининг мўртлиги билан ҳам ажралиб туради. Тафаккурнинг мотивацион томонларининг бузилишида эса, тафаккур турли режада фаолият кўрсатиши, асоссиз ўзини доно ҳисоблаши, тафаккурнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги каби ҳолатлар киради.

Инсон тафаккури бошқа руҳий жараёнлар баҳара олмаган, кучи етмаган нарсаларга ҳам кучи етади. Инсон тафаккури орқали идрёк қилинмаган нарсаларни (рентген нурларини, сайёраларни...) била олади. Инсон барча билимларни сезги ва идрёк орқали оладими? Албатта йўқ. Атроф олами тафаккур жараёнларигина атрофлича, чуқур билиши мумкин. Хўш тафаккурнинг моҳияти нима? Учбурчакнинг 3 та томони ва 3 та бурчаги борлигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо, гипотенуза квадрати катетлар квадратларининг йиғиндисига тенглигини ҳеч бир кўз билан идрёк қилиб бўлмайди. Ёки тўғридан-тўғри қараб, билиб бўлмайди. Буни бирор восита билан, бирор ўлчаш асбоби билан билиб олиш мумкин. Шундай қилиб бизнинг сезги аъзоларимиз кучи етмаганда воситали тафаккурга мушоаат этамиз. Тафаккурнинг асосида бош мия ярим шарларининг таҳлил – тасниф қилиш фаолияти ётади. Шу билан бирга, тафаккурнинг асосида, 1 сигналлар тизими таъсиридаги 2 сигнал тизимининг ҳосил бўлиши ётади. Кишиларнинг ақлий фаолияти, ақлий жараёнлар,

тафаккур жараёнлари асосида юзага келади, яъни, таққослаш, таҳлил-тасниф, абстракциялаш, умумлаштириш, конкретлаштириш жараёнлари асосида. Тафаккурнинг бу жараёнлари ҳақида умумий психологияда батафсил маълумотлар берилган бўлсада, ҳар бири ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Таҳлил-шундай бир тафаккур қилиш жараёнидирки, бунда биз фикран нарсаларни айрим қисмларга, айрим бўлақларга ажратамиз. Таҳлил қилиш орқали биз нарсаларнинг ички боғланишларини, уларнинг моҳиятини акс эттирамиз. Биз онгимизда жуда кўп нарсаларни таҳлил қилиб кўришимиз мумкин. Қўлимиздаги ёзаётган ручкани, сувни, стулни, китобни таҳлил қилиш, таркибий қисмларга ажратиб кўриш мумкин.

Таҳлилнинг тескараси бўлган тафаккурнинг кейинги жараёни таснифдир.

Тасниф қилишда биз таҳлил қилиш вақтида айрим бўлақларга ажратилган нарсаларнинг қисмларини фикран бирлаштириб бир бутун ҳолатга келтирамиз. Таҳлил ва тасниф бир-бирларига узвий боғлиқ бўлган жараёнлардир.

Ўқиш жараёнида таснифнинг роли ниҳоятда каттадир. Масалан, товушлардан бўғинлар, бўғинлардан сўзлар, сўзлардан гаплар тузиш мумкин. Бу ҳолатларнинг барчаси тасниф ҳисобланади.

Абстракциялаш-шундай бир тафаккур жараёнидирки, бунда биз нарса ва ҳодисаларга хос бўлган жуда кўп белги ҳамда хусусиятлардан биттасини ажратиб олиб, бошқа белги ва хусусиятлардан четлаган ҳолда фикран фақат ана шу ажратиб олинган хусусият устидагина фикр юритамиз. Абстракциялаш таҳлил билан узвий боғлиқ жараёндир. Абстракциялашнинг аҳамияти жуда каттадир. Биз абстракт фикр юритиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини билиб оламиз. Шунинг учун тушунчаларнинг таркиб топиши ҳам абстракт фикр қилиш билан боғлиқдир.

Умумлаштириш-шундай бир тафаккур қилиш жараёнидирки, бунда биз нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш белгиларини фикран бирлаштириб бир тушунча ҳолига келтирамиз. Масалан, от, сигир, қўй, эчки туя, эшак кабиларни умумлаштириб, "уй ҳайвонлари" деган тушунчани ҳосил қиламиз. Умумлаштириш абстракциялаш асосида ҳосил бўлади, чунки абстракциялашда биз нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратиб оламиз ва ундан сўнг умумлаштирамиз. Конкретлаштириш-фикран умумийликдан яқкаликка ўтиш жараёнидир. Тафаккур

жараёнлари, унинг кечиш хусусиятлари ақли заиф болаларда алоҳида мазмунга эга. Чунки, ақли заифликнинг туб моҳияти, ўзаги улардаги энг асосий нуқсон худди юқорида гапириб ўтилган тафаккур жараёнларидир. Ақли заиф болаларнинг барчаси бу жараёнларни тўғри амалга ошира олмайди. Д.Б.Эльконин, В.В.Давидовлар умумлаштиришнинг 2 хил турини кўрсатадилар.

1. Формал-эмпирик турида умумлаштириш нарса ва буюмларнинг ташқи белгиларига кўра амалга оширилади.

2. Мазмунли умумлаштиришда, нарса ва буюмларнинг ички моҳиятларини тушунган ҳолда амалга оширилади.

Тафаккур руҳий жараёнлар ичида энг мураккаби, асосийси бўлганлиги сабабли бунинг устида кўпроқ тўхталамиз.

Тафаккур шакллари қуйидагилардан иборат. Булар тушунча, ҳукм ва хулоса чиқаришдан иборат. Тушунча-наرسа ва ҳолатларнинг умумий ва асосий хусусиятларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир. Тушунчалар ҳукмлардан таркиб топади. Шу сабабли тушунчанинг мазмунини очиб бериш учун бир қанча ҳукм яритишга тўғри келади. Тушунчалар конкрет, мавҳум, якка, умумий турларга бўлинади.

Ҳукм деганда биз бирон нарсани тасдиқлаш, ёки инкор қилишни тушунамиз. Ҳукмлар одатда якка ва умумий бўлиши мумкин. Берилган иккита ҳукмдан учинчи бир янги ҳукмни келтириб чиқаришга хулоса чиқариш дейилади. Хулоса чиқариш бир неча туркумга индуктив, дедуктив ва аналогик (ўхшатиш) турларига бўлинади. Индуктив хулоса чиқаришда якка ҳукмлардан умумий хулоса чиқарилса, дедуктив хулоса чиқаришда умумий ҳукмлардан якка ҳукмлар келтириб чиқарамиз. Аналогия йўли билан хулоса чиқариш - бу нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш томонларига асосланиб хулоса чиқаришдир. Юқорида сўз яритилган тафаккур шакллари ёрдамчи мактаб ўқувчиларида жуда кўпол тарзда бузилгандир. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари ҳар бир боланинг асаб тизимининг хусусиятларига боғлиқ. Тафаккурнинг мустақиллиги, кенглиги, ақлнинг чуқурлиги, фикрларнинг эгилувчанлиги, тезлиги, танқидийлиги ҳар бир шахснинг ўзига хос ҳислатларини белгилайди. Тафаккурнинг турларига: предмет-ҳаракат, кўرғазма образ, мантиқий турлар киради. Тафаккурнинг бу турлари барчага ҳам хос эмас. Балки, ҳар бир алоҳида шахс тафаккурнинг маълум тури билан фикр яритади. Бу бош мианинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ёрдамчи мактабларда ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш, коррекциялаб бориш жуда мураккаб, шу билан жуда зарур ишлардан

ҳисобланади. Чунки, тафаккур масаласи руҳий жараёнлар орасидаги энг муҳимидир. Ёрдмчи мактаблар тажрибасининг кўрсатишича, ақли заиф болалар тафаккурининг оператив томонларининг бузилишлари улар билан олиб борилган изчил таълим-тарбия натижасида муваффақиятли бартараф этиб борилар экан. Ушбу мавзу махсус психологиядаги марказий мавзулардан биридир. Бўлажак олигофренопедагог бу муаммонинг назарий ва амалий томонларини атрофлича тушуниб етишлари, уларнинг амалий фаолиятларида жуда қўл келади. Шунини унутмаслик даркорки, бу муаммонинг икки томони бор. Муаммонинг биринчи томони шундан иборатки, тафаккур психик жараён сифатида қаралади. Муаммонинг иккинчи томони эса, тафаккурнинг фаолият сифатида қаралишидир. Шу сабабли, тафаккур муаммосини шахснинг йўналганлиги, қизиқишлари ва хоҳишлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш керак. Муаммони ўрганиш, ақли заиф болалар фикрлаш фаолиятларини ўрганишнинг методикаларини ҳам ўрганиш билан боғлиқ равишда олиб борилиши талаб этилади. Бундай ишлар амалий машғулотларда амалга оширилади.

Савол ва топшириқлар

1. Тафаккурнинг руҳий жараёнлар орасидаги ўрни ҳақида гапириб беринг.
2. Тафаккур турлари ҳақида нима биласиз?
3. Тафаккур шакллари тўғрисида гапириб беринг.
4. Тафаккур жараёнларига тушунча беринг.
5. Ақли заиф болалар тафаккурини коррекциялаш имкониятлари қандай?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умствено отстающего школьника. М., 1986., 110-126= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умствено отстающего ребенка., М., 1985, 101-110= бетлар.
3. Шиф Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы., М., 1965, : 217-298= бетлар.
4. Вохидов М. Болалар психологияси. Тошкент 1982., 167-177= бетлар.
5. Крутецкий В.А. Психология М., 1980, 154-177= бетлар.
6. Зейгарник Б.В. Патопсихология., М., 1976, 119-178= бетлар.

Ш Қ И С М. АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР ШАХСИ, УНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

12- Б У Л И М. ШАХС ШАКЛЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ
МАСАЛАЛАРИ

Ривожланган инсон шахси деганда, асосан маълум денёқарашга эга бўлган, жамиятда ўз ўрнини фахрлаб, етадиган, маълум мақсадга эга бўлган, мақсадлар йўлида мустақил ҳаракат қила оладиган маълум бир кишини тушунамиз. Шу сабабли, денёқараш, онг, мустақиллик шахсни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Ақли заиф болалар шахси масаласи олигофренопсихологияда нисбатан кам ўрганилган, текширилган масалалардан биридир. Шахс ижтимоий муносабатлар, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланиб боради. Олимлардан Л.И.Божович бу масалада қатор ишларни амалга оширган. Ижтимоий ҳолатлар таъсирида болаларда маълум тизимдаги интилиш ва талаблар ривожланади. Бу ғояга кўра, тугма биологик хусусиятларнинг шахсга таъсири кам берилган. Аммо, биологик хусусиятлар маълум шахснинг шаклланишига таъсир этади, лекин белгиловчи рол ўйнамайди. Машҳур психолог С.Л.Рубинштейн ўз ғоясини тушунтириб шундай дейди: "Ҳар қандай ташқи таъсиротлар кишига бевосита организмнинг ички шароити орқали таъсир этади. Бу ички шароитнинг асосий физиологик қисмини асаб тизимининг хусусиятлари ташкил этади". Аммо, буни шахснинг шаклланишидаги етакчи омил дея олаемиз. Шахснинг ривожланишини ижтимоий шароит, тарбия, конкрет тарихий муҳит белгилайди. Шунини эътироф этиш ўринлики, баъзи бир мутахассислар бу ғояларга қўшилмайдилар. Уларнинг фикрича, шахс туғридан-туғри ярсий йўл билан бериладиган мойилликлар асосида шаклланиб боради. Ақли заиф бола тафаккурининг ривожланмаганлигини, умумий тушунчаларни фарқлай олмаслиги, ахлоқ, одоб тушунчаларини яхши тушуниб етмасликлари, улар шахсининг шаклланишига бирмунча салбий таъсир этади.

Бошланғич синфлардаги ақли заиф болаларнинг тушунчалари бирмунча юзакилиги оқибатида, шахсий сифатлар ҳам шунга мос тарзда шаклланиб боради. Ақли заиф болалар ахлоқ, одоб тушунчаларини ота-оналаридан, ўқитувчилардан, китоблардан билиб оладилар. Аммо, бу билимларини ҳаётга тадбиқ этишда қийналадилар ёки нотўғри тадбиқ этадилар. Шунини оқибатида, ақли заиф болалар тез-тез антиижтимоий, ахлоқсизона салбий таъсирларга тушиб қолади-

- лар. Қатор мамлакатларда ақли заиф болаларнинг таълим-тарбияси мажбурий эмас. Айрим мамлакатларда моддий таъминланган оила фарзандларигина махсус таълимга жалб этилган. Бундай шароитларда ақлий нуқсонли болалар меҳнат тайёргарлигидан четда қолиб, турли кўнгилсиз оқибатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладилар. Бу жойларда жинойий элементлар ақли заиф болаларнинг нуқсонларидан фойдаланиб, улардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаландилар. Бундай кўнгилсиз воқеалар ҳақида Ч.Диккенс ва Б.Брехт кенг маълумотлар берадилар. Ақли заиф болаларнинг жинойий ишларга кириб қолганлигини қатор матбуот маълумотларидан ҳам билса бўлади. Қатор мутахассислар бу каби маълумотлардан нотўғри хулоса чиқармоқдалар. Ақли заиф болалар "ахлоқий нуқсонлилар" деган фикрга келмоқдалар. Бу албатта умуман нотўғри тасаввурдир. Ҳеч қандай бош мия зарарлари антиижтимоий, антиахлоқий мойилликларнинг келиб чиқишига замин ярата олмайди. Оғир касаллиги оқибатида жамоат тартибини бузган бола, тартибни тушунмаслик, ёки ўз ҳаракатларига раҳбарлик қила олмаслик оқибатида қилган бўлиши мумкин. Касаллик бу каби иллатларга асос бўлмасдан балки, бола яшаётган муҳит, ривожланаётган атроф-муҳит сабабчидир. Республикамизда умумий таълим турли нуқсонлиларга ҳам тегишлидир. Шулар оқибатида, кўпчилик ақли заиф болалар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетганлигини кўрсатиш мумкин. Рухшунос Т.И.Голдовская маълумотларига қаратганда Москва районларидан бирида, бундан 20 йил олдин ўқишга юборилган ақли заиф болаларнинг мактабни тугатганларидан кейинги ҳаётлари текширилган. Маълум бўлишича, ёрдамчи мактабда ўқиган барча ақли заиф болалар ишга жойлашганлар, оилаларини яхши таъминлайдиган, нормал ҳаёт кечираётган эканлар. Ёрдамчи мактаблардаги коррекцион таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши асосида ақли заиф болалар ҳаётга тўғри мослашганлар. Шахснинг тўғри шаклланиши, ривожланиб бориши Л.С.Виготскийнинг кўрсатишича, иккиламчи нуқсон сифатида намоён бўлиши шарт эмас. Ҳар доим ҳам намоён бўлмайди. Бунинг учун албатта, тишимсиз малакали меҳнат талаб қилинади. Ёрдамчи мактаблардаги ўқитувчи ва тарбиячилар ақли заиф бола шахсига салбий таъсир этувчи сабабларни яхши билишлари даркор. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларида ижобий ҳушқўн тарбиялаш энг мураккаб масалалардай биридир. Нормал болаларда шахсий сифатларнинг шаклланиш хусусиятлари ҳақида Л.И.Божо-

вич батафсил баён қилган. Олигофренопедагогиканинг асосчиларидан бири Э.Сеген таъкидлаб ўтган ақли заиф болалардаги хоҳишнинг йўқлиги шахс шаклланишида қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Л.В.Занков ҳам ақли заиф болалар шахсидаги қатор камчиликлар ҳақида батафсил маълумотлар беради. Ақли заиф болалар шахсидаги дисгармония, номуаносиблик улар шахсининг ривожланишидаги етакчи камчиликлардандир. Олигофренопсихологияда шахс масаласи нормал бола шахси масаласи билан узвий равишда бирга олиб борилади. Чунки уларнинг ривожланиш, шаклланиш қонунийиятлари бир-бирига жуда мосдир. Ақли заиф бола бирор ишни нормал болалардек олдин ўйлаб, кейин қилмасдан, балки ишни олдин қилиб қўйиб кейин ўйлайдилар. Ақли заиф бола шахсининг шаклланишига ирсий, ижтимоий омиллар билан бирга, нуқсон омили ҳам маълум даражада рол ўйнайди. Асосий ролни ижтимоий муҳит ўйнайди.

Умуман шахс тушунчаси турли адабиётларда, амалда ягона бир маънода қўлланилмайди. "Инсон", "Шахс", "Киши", "Индивид" каби жумлалар кўп ҳолларда бир-бирларига ўхшатилади, ёки бир-бирларига қарши қўйилади. Аммо, бундай муносабатлар тўғри эмас. "Инсон" аслида тур маъносида қўлланилади. Бошқа турлардан онглиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга инсон ижтимоий мавжудотдир. Бу белги унинг асосий белгисидир. Инсон онгининг олий даражаси, чегараси ўз-ўзини англашидир. "Инсон" сўзи кўп қиррали бўлганлиги сабабли, табиий ва ижтимоий фанларнинг ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилади. "Шахс" тушунчаси "Инсон" тушунчасидан бирмунча тор тушунчадир.

Шахс ижтимоий-тарихий категориядир. Унинг ижтимоий моҳияти ва ижтимоий вазифаси шахснинг таснифномасини белгилайди. Шахс-ижтимоий фанлар: тарих, философия, социология, этика, эстетика, психология, педагогиканинг ўрганиш манбаидир. Шахс-ижтимоий тараққиёт вакили, онгли индивид бўлиб, жамиятда маълум ўрин эгаллайди ва маълум рол бажаради.

Рол – бу шахснинг ижтимоий функциясидир. Масалан, ота-онанинг вазифаси болаларни тарбиялашдир. Мактаб директорининг роли ўқитувчиларнинг таълим жараёнини ташкил этишдир. Шахс позицияси унинг тутган ўрни – бу унинг алоқалор тизимидир. Физиолог инсонни "организм" сифатида текширади, социолог ва психолог эса, шахс

сифатида текширади, ўрганади. Демак, шахснинг моҳиятини, унинг ташқи қиёфаси эмас балки, унинг ижтимоий сифатлари белгилайди. Шахс—онгли индивиддир. Индивидуаллик — бу шахснинг "Ўзига хос" намоён бўлишидир. Индивидуаллик деганда шахснинг ўзига хос сифатлари ҳақида гап боради. Индивидуаллик деганда шахсдаги етакчилик қилаётган хусусиятлар ҳақида гап юритилади. Индивид — ҳар бир конкрет инсоннинг ўзига хос хусусиятлари билан бирга тушунилади. Айрим, реакцион психологияда биологик, биосоциал, социал шахс оқимлари мавжуд. Биологизм ғояси айниқса, Э.Фрейд ишларида очиб берилади. Унинг фикрича, барча шахсий сифатлар биологик мерос бўлиб ҳисобланади. Биосоциал оқим тарафдорлари эса, шахсни ўзла-рича иккига бўладилар. Инсоннинг руҳий жараёнлари биологик моҳиятга эга бўлиб, шахснинг йўналганлиги эса, ижтимоий ҳолатлар билан белгиланади. Реакцион психологияда кўпроқ ижтимоий ғоя кенг тарқалган. Бунга яққол мисол қилиб, Дюркгейм ишларини кўрсатиш мумкин. Сўнгги йилларда АҚШда социализация назарияси ривожлантирилмоқда. Бу назарияга кўра, инсон биологик "жонзот" бўлиб туғилиб, ҳаётнинг турли шароитлари таъсирида шахс бўлиб етилади. Асосий эътибор алоқа, психологик бир-бирларини тушунишга берилади. Ижтимоий—психологик ғоялардан яна бири "ўрганиш" назариясидир. Шунга биноан, шахснинг ҳаёти унинг алоқалари—ўрганиш, билимлар йиғиндисини ўзлаштиришдан иборатдир. (Э.Торндайк). Шахс назарияси А.Ф.Лазурский, В.П.Мясиев ишларида ўзига хос тарзда очиб берилган. Руҳий хусусиятларга асосланиб шахснинг типик тузилишини аниқлаш мумкин.

Шахснинг дастлабки таркибий қисми, унинг йўналганлигидир.

Шахснинг кейинги таркибий қисмига эса, унинг имкониятлари билан қобилиятлари тизими киради. Масалан, Алишер Навоийда шоирлик қобилиятлари етакчилик қилган, аммо шу билан бирга унда му-саввирлик, таълим—тарбияга оид, тарихга оид ҳам қобилиятлар бўлган. Ал—Хоразмий, Абу Наср ал—Фаробий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа алломаларда ўзига хос маълум қобилиятлар устун турган. Шахснинг учинчи таркибий қисмига характер, одоб—ахлоқ, эътиборлилик, қўрслик каби хислатлар киради. Шахснинг тўртинчи таркибий қисми вқорида гиларнинг устига қурилиб, бошқариш тизими ёки одатда "мен" тушунчаси билан белгиланади. И.П.Павловнинг таъкидлашича, "Инсон ўз—ўзини бошқарадиган, тўғрилаб борадиган, ҳатто тақомиллаштирадиган мураккаб тизимдир". Энг вқори ўз—ўзини бошқариш кишининг

етилган ёшига тўғри келади. Ўз-Ўзини бошқаришнинг Ўзига хос турлари мавжуд. Шахсий сифатларга мақсадга йўналганлик, ахлоқий тарбияланганлик, шахснинг маънавий бойлиги, шахс мақсадини бирлиги, шахснинг фаоллиги, шахснинг Ўзига хослиги ва бошқа сифатлар киради. Шахснинг йўналганлиги деганда инсоннинг маълум бир фаолиятда фаоллик тизимидир. Шахснинг фаоллик сабабларини жуда қадимдан бошлаб қидирганлар. Масалан, бировлар роҳатланиш учун интилганлар, бошқалар эса вазифани бажариш учун интилганлар, бошқа бировлар биологик интилиш, яна бировлар ижтимоий раҳбар бўлиш учун, ҳаракат қиладилар. Лотин ҳикматли сўзларида таъкидланишича, "Мен инсонман, шу сабабли инсонга хос бўлган нарсалар мен учун ҳам бегона эмас". Бизнингча, жуда ўринли ишлатилган жумла бўлса керак. Ҳар бир конкрет шахс ҳаёт моҳиятини, унинг қимматини ўзича талқин этади. Бировлар илим-фан билан, бировлар санъат билан, яна бировлар ҳаётнинг бошқа бир соҳасидан лаззат оладилар. Қизиқиш-шахснинг маълум манбаларга нисбатан ҳаётда тутган ўрнига қараб нисбий муносабатидир. Қизиқишнинг турларига: моддий, маънавий ва ижтимоий қизиқишлар киради. Қизиқиш даражасига кўра пассив ва фаол бўлиши мумкин.

Болалар қизиқиши ҳажмига кўра ҳам турларга бўлинади. Дқорида қатор шахсга оид маълумотлар баён этдик, аммо бу каби хислатлар ақлий нуқсонли болаларда қандай кочиши ҳақида кам тўхталдик. Ақли заиф болалардаги шахсий сифатлар ўзининг қатор хусусиятлари билан нормал болалар хусусиятларидан фарқ қилади. Бу хусусиятлар улардаги бош миёна нуқсонларининг мазмуни билан белгиланади. Шунини айтиш ўринлики, бош миёнининг ҳар бир касали мумкин қадар Ўзига хос шахсий сифатлар келтириб чиқарар экан. Масалан, шизофрения, бош миёна захми, турли даражадаги жароҳатлар, турли оқумли касалликлар, энцефалитлар, наслий касалликлар ва бошқа ўзларининг махсус асоратларидан ташқари, яна умумий шахсий нуқсонлар ҳам келтириб чиқарар экан. Бу ҳақда қисман 3 бўлимда маълумотлар берилган. Шунга қарамай, айрим фикрларни айтиб ўтиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, ақли заиф болаларда салбий шахсий сифатлар нормал болалардан бирмунча осон шаклланадиган экан. Бунинг боиси, улардаги иродавий ҳислатларнинг бўшлиги, хоҳишларнинг етишмаслигидир. Шу сабабли ақли заиф болалар билан таълим-тарбия жараёнларида, уларда ижобий шахсий сифатлар шакллантириш вақтларида ушбу омилларни эътиборда тутмоқ даркор.

Дунёқараш нима? Унинг ақли заиф болаларда шаклланиши қандай кечади? Дунёқараш – табиат, жамият, кишилик тафаккурига бўлган муносабатлар тизимидир. Дунёқарашнинг ўзига хос сифатлари мавжуд.

Буларга: илмийлик, изчиллик ва мақсад бирлиги, мантиқий боғлиқлик, конкретлик, фаолият ва хулқнинг бирлиги, боғлиқлиги киради. Шахснинг раҳбарлик лавозимларида 3 та тифа кишилар кўзга ташланар экан. 1. Авторитар тип. Бундай типдаги раҳбар буйруқбозлик усулидан фойдаланиб, бошқалар фикрини эшитгиси келмайди. 2. Демократик тип. Бундай типдаги раҳбар асосан жамоа фикри орқали иш юритади, барчанинг таклифларини инобатга олади. 3. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган раҳбарлик. Номидан кўришиб турибдики, бундай раҳбарлар ишни ўз ҳолатга ташлаб қўядилар. Бундай жойларда раҳбарнинг бор-йўқлиги сезилмайди. Шахсни шакллантирадиган омиллардан бири меҳнат, алоқа ва билим эгаллаш жараёнларидир. Бола, кишилар орасидаги муомала, алоқа воситаларига тил, ишоралар, мимик ҳолатлар киради. Болалар орасидаги муомала турлари: шахслараро, шахс ва гуруҳлар орасида, ҳамда гуруҳ-гуруҳлар тури киради. Болалар орасидаги муомала қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Бирор тема вазасидан маълум вақтдан бир неча соатгача давом этадиган муомалани қисқа муддатлига киритамиз. Узоқ муддатли эса, вақт жиҳатидан қисқа муддатлидан узоқ давом этади. Тугалланган ва тугалланмаган алоқалар бўлиши мумкин. Бола шахсининг шаклланишида етакчи омиллардан яна бири ўз-ўзига ҳаққоний баҳо беришдир. Махсус текширишларнинг кўрсатишича, ақли заиф болаларнинг ўзларини баҳолашлари бирмунча юқори экан. Шахснинг руҳий тузилишида ирода ҳам маълум ўринга эга. Ирода асосан онгли, мақсадга мувофиқ ҳаракатларда намоён бўлади. Ирода маълум конкрет шароитларда, турли фаолиятларда шаклланиб боради. Илм-фан шуққларига асосланиб, ёрдамчи мактаб ходимлари ақли заиф болаларда таълим-тарбия жараёнларида шахсий сифатлар тарбиялайдилар. Қатор муаллифларнинг кўрсатишларича, ақли заиф болалар ташаббус кўрсата олмайдилар. Ўз ҳаракатларини ҳам тартибга сола олмайдилар. Л.С.Виготский Сеген фикрларига қўшилиб, ақли заиф болаларда интилишларнинг заифлигини кўрсатади. "Ақли заиф болалардаги бевосита шахсий ахлоқий нуқсон, етакчи, асосий нуқсондир", – деб кўрсатади Виготский.

Н.Л.Коломинский томонидан ақли заиф болаларнинг шахсий сифатларининг шаклланиши ёрдамчи мактабларда қандай кечганини кўрсатар

қатор тажриба ишлари билан текширади. Бунда, ақли заиф болаларга синф жамоасининг таъсири масалалари очиб берилади. .

Шундай қилиб, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг шахсий сифатларининг шаклланиши, нормал болалардагидек, бола тараққиётида онтогенезда яъ барар экан. Аммо, бу жараёнда оила, мактаб ва меҳнат жамоасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалардаги шахсий сифатларнинг нотўғри шаклланиш сабабларини гапириб беринг.

2. "Ахлоқий нуқсонлилик" назариясини танқидий таҳлил қилиб беринг.

3. Ақли заиф болалар шахсининг йўналганлиги қандай кўриниш касб этади?

4. Ақли заиф бола эҳтиёжларининг ўзига хос томонларини очиб беринг.

5. Ақли заиф бола шахсининг шаклланишида ирсиятнинг ўрни қандай?

6. Ақли заиф бола шахсидаги нуқсонларни коррекциялашнинг имкониятлари ҳақида сўзлаб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтсвенно отсталого школьника., М., 1986., 150-159= бетлар.

2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умтсвенно отсталого ребенка., 1985., 34-41= бетлар.

3. Зейгарник Б.В. Патопсихология., М., 1976., 179-211= бетлар.

4. Вохидов М. Болалар психологияси. Ташкент., 1982., 69-90= бетлар.

5. Крутецкий В.А., Психология. М., 1980., 57-58= бетлар.

13- Б У Л И М . АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ ХИССИЁТ ВА ИРОДА СИФАТЛАРИ

Инсон атроф-муҳитдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларни ид-рок қилар экан, у бу нарсаларга нисбатан эътиборсиз қола олмайди. Инсоннинг акс эттириш жараёни ҳар доим фаол мазмунга эга. Бунинг сабаби шуки, инсон атрофдаги нарсаларни идрок қилар экан, шу нарсаларга нисбатан маълум бир муносабатда бўлади. Бунга мисол қилиб, бизга айрим нарсаларнинг ёқишида кайфиятнинг кутарилиши, бу нарсалар ёқмаганда эса, кайфиятимизни бузиб, дилимизни хира қилишини кўрсатишимиз мумкин. Умуман, атрофдаги барча нарсаларга нисбатан маълум муносабатда бўламиз ва уларни акс эттира-миз.

Ҳиссиёт деб ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан бўлган муносабатларимизнинг ва бу муносабатларимиздан ҳосил бўладиган ички кечинмаларимизнинг онгимизда акс эттирилишига айтилади. Демак, бизнинг ҳис-туйғуларимиз ўзига хос акс эттириш жараёни бўлиб, бунда нарса ва ҳодисаларнинг бевосита ўзи эмас, балки шу нарсаларни акс эттириш жараёнида ҳосил бўладиган ички кечинмалар ва муносабатлар акс эттирилади. Шулар асосида айтиш мумкинки, биздаги ҳис-туйғулар ўз-ўзидан ўзага келмасдан, ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг таъсири билан боғлиқ ҳолда ўзага келар экан. Кишилардаги ҳис-туйғулар одатда, жуфт-жуфт бўлиб кўзга ташланади. Буларга мисол қилиб, ёқимли-ёқимсиз, хуш-нохуш, хурсандчилик-ҳафачилик, муҳаббат-нафрат, шодлик-ғазаб ва бошқа ҳолатларни кўрсатишимиз мумкин. Шу кўринишдаги ҳиссиётлар субъектив мазмунга эга бўлиб, уларнинг ташқи ифодаси ҳам бўлади. Бу Уринда ҳушчақчақ одам билан ғамгин одамнинг башарасини кўз олдингизга келтириб кўришингиз осон. Бу кўриниш болаларда айниқ-са яққол кўзга ташланади, Нисбатан ёши катта кишилар ўзларининг ҳиссиётларини нисбатан яширишлари мумкин. Аммо, болалар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ақли заиф болаларда бу каби ҳиссий кўринишлар бирмунча хунук, дағалроқ шаклда кўринади. Чунки, ақлий нуқсонли болаларнинг ҳис-туйғулари бирмунча "рангсиз" маъно касб этади.

Кишилардаги ҳиссиётлар ўзининг ўзага келиши нуқтаи-назаридан одамнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва интилишлари билан чамбар-чарс боғлиқ бўлади. Масалан, одамнинг органик эҳтиёжларини қон-

дириш билан боғлиқ бўлган ҳиссиётлар одамда роҳатланиш, қаноатланиш туйғуларини келтириб чиқаради. Бу ҳиссиётларнинг қондирилмаслиги натижасида кишининг руҳи тушиб, кайфиятлари бузилиб, азобланиши, тоқатсизланиши кўзга ташланади. Инсон ёши улғайган сари моддий ва маънавий эҳтиёжлар юзага келади. Ана шу ўзгариб, жксалиб бораётган эҳтиёжларга мос равишда одамнинг ҳиссиётлари ҳам ўзгариб боради. Натижада одамда борган сари янги-янги ҳиссиётлар, шу жумладан, маънавий, интеллектуал ва эстетик ҳиссиётлар пайдо бўлиб боради. Ҳиссиёт ҳам бошқа руҳий жараёнлар сингари одамнинг фаолиятлари давомида кўзга ташланиб туради. У ёки бу фаолият давомида юзага келган ҳиссиёт ана шу фаолиятнинг ўзига таъсир қилиб, уни ўзгартириб боради. Масалан, хоҳламасдан, ўзини мажбур қилиб ишлаётган одам иши билан, сидқидилдан ишлаётган одам ишининг унумдорлиги ўртақсизда жуда катта фарқ бўлади. Одамнинг кайфияти чоғ, хурсанд, руҳи тетик бўлганда иши ҳам баракали бўлади. Аксинча, одамнинг дили ғаш, қандайдир таъшишли ёки ғамгин бўлганда қўли ишга бормади. Ана шу жиҳатдан олганда ҳиссиётнинг инсон ҳаётидаги роли жуда каттадир. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, киши ҳиссиёти бошқа руҳий жараёнларга ҳам таъсир қилади. Масалан, одамнинг руҳи тетик, хурсанд бўлган пайтда унинг идроки жонли, эсда олиб қолиши ҳиссий туйғуларга бой, тафаккури ўткир, нутқи эса чечан бўлади. Одам ҳислари унинг ижодий фаолиятини фаоллаштиради. Мана шулар сабабли, ҳиссиётнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини назарда тутиб, болаларга билим беришда маълум билимлар тизими, ўқув ҳамда малакаларни ўзлаштириб олишлари билан чекланиб қолмай, балки уларда атрофдаги нарса ва ҳодисаларга тўғри, соғлом муносабат, жксак ахлоқий, интеллектуал, эстетик ҳиссиётларни ҳам тарбиялаб бориш керак. Инсон барча фаолиятлари ишлаши, билим олиши, ижод қилиши жараёнларида хурсандлик, ҳафалик, қўрқинч, ҳаяжонланиш ҳолатларини намойён этади. Бу ҳолатларнинг барчаси руҳиятимизнинг акс оттириш вазиғасидир. Агар сезги, идрок, тасаввур ва тафаккурда нарса ва ҳодисалар онгимизда акс этса, ҳиссиётда эса шахснинг бўлиб олинаётган нарсаларининг мазмуни, моҳиятига мупосабатида ҳиссиёт кўзга ташланади. Ҳиссиёт маълум бир шахснинг ташқи муҳитга бўлган муносабати тидир. Шу билан бирга ҳиссиёт инсон билимларисиз, фаолиятисиз юзага келмайди. Чанқоқ кишига бир ниёла сув ҳўзур бағишласа, чанқанган кишини беҳўзур қилади. Ўзи, синга маълум бўлган мусиқа-

ни берилиб тинглайсиз, агарда мусиқа ёқмасачи?

Ҳиссиётнинг вазифаси икки хил бўлар экан. Булардан бири сигнал бериш бўлса, иккинчиси бошқарувчилик вазифасидир. Яъни, инсон сигналларни қабул қилгач, шу асосда ўзининг фаолиятларини бошқариб боради. Баъзи ҳолларда ҳиссиёт жуда юқсри чегарага етса, кўз ёшининг чиқиши, өз мимикаларида турли ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, одам йиғиси асосан 15 дақиқа давом этар экан. Шу вақт шахснинг "юмшаши" учун етарли ҳисобланар экан. Шу вақтдан кейин киши енгиллик ҳис қилади. Инсон руҳиятининг психофизиологиясини текширган П.В.Самоновнинг таъкидлашича, шахснинг хабардорлиги унинг ҳиссиётларини камайтирар экан. Ёки, шахс билимлар доирасининг кенгайиб бориши ҳиссиётнинг камайишига олиб келар экан. Бизнингча, бу фикрлар бирмунча мунозаралидир. Ҳиссиётлар ўз навбатида маъноли яъни, өз мускулларининг ҳаракатлари ва пантомимик тана мускуллари ҳаракатлари билан бирга кечади. Самимий хурсанд бўлаётган кишининг кўзлари думалоқлашиб ялтирайди. Ўз навбатида инсон лаблари ҳам хурсандчилик белгиларини билдирар экан. Хурсанд бўлаётган кишининг қўллари ўз-ўзидан қучоқлашиш учун очилиб кетар экан. Нутқ ишоралари, овоз реакциялари, мимик белгилар муомаланинг ўзига хос нозик белгилари саналар экан. Кишилар кулгиси сунъий, ҳафалик, хурсанчилик, самимийлик белгилари бўлиши мумкин экан.

Чарлз Дарвиннинг таъкидлашича, инсоннинг дастлабки авлодларидаги ифодали, маъноли ҳаракатлари уларнинг сақланишлари учун ёрдам берган. Инсон руҳияти жуда мураккаб тузилишга эга. Ўсмирларда ҳиссиёт билан унинг ифодаланиш шакли ўртасида уйғунлик бўлмаслиги мумкин. Инсон ёши улгайган сари, унинг табиати нозиклашиб борар экан. Ҳамда, унинг ҳиссий ифодаланиши мураккаблашади. Баъзан кайфиятнинг устунлиги асосида ҳайрон қолиш, қониқмаслик яширинган бўлиши мумкин. Нуқсонли тараққиётда эса, юқоридаги кўриниш ва ҳолатлар ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ақлий нуқсонли болаларда ҳиссиёт нормал болалардагидек ранг-баранг бўлмайди. Нормал болаларда хурсанчиликни ифодаловчи ўнлаб ҳиссий сифатлар бўлиши мумкин. Аммо, ақли заиф болаларда бу кўрсаткич жуда ҳам чегараланган бўлади. Ҳис-туйғулар бир-бирлари билан чанбарчас боғлиқдир. Туйғулар ҳиссиёт асосида ривожланиб, шаклланиб боради. Ҳиссий ҳолатлар овқат еганда, кийинишда, лашда, минсий эҳтиёжда, уйқуга бўлган интилишда ваъага кела-

ди. Ҳаётда учрайдиган турли ҳидлар, шовқинлар, овозлар кишида турли ҳиссий аҳс таъсирларни юзага чиқаради. Ҳис ва туйғулар бир-бирларига боғлиқдир. Ҳиссиёт инсонга ва ҳайвонларга хос хусусиятдир. Инсон ўз эҳтиёжларига ҳайвон каби "ташланмасдан", балки ўз талабларини маданий ҳуққ нормалари асосида қондиради. Туйғулар ва ҳиссиётнинг боғлиқлигидан ташқари, уларнинг асосий сифатлари ҳам бор. Туйғуларнинг кечиши, босқичлилиги ва динамикаси билан характерланади. Ҳар қандай ҳиссий ҳолатлар ё ижобий, ёки салбий мазмун касб этиши мумкин. Ҳис-туйғулар қарама-қарши мазмунга эга. Масалан, хурсандчилик=хафачилик, ёқимли-ёқимсиз, муҳаббат-нафрат кабилар. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асосида бош мия пўстлоқ ости марказларининг қўзғалиши ва вегетатив асаб тизимидаги ўзгаришлар ётади. Ҳиссий ҳолатлар нафас олиш, овқатланиш, қон айланиши ва бошқа тизимларда қатор ўзига хос ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Ҳиссий ҳолларда қон босими, ырак уриши, кўз қорачиғи, нафас олиш ўзгариб туриши мумкин. Бундай ҳолларда кишининг терлаши, қизариши ёки оқариш кузатилади. Демак, кишининг ҳиссий ҳолатларида тананинг физиологик вазифалари ўзгарар экан. Масалан, хафагарчиликда ырак уриши сусайса, қўрқинч ҳолатларида ырак уриши тезлашар экан. Шу сабабли, мумкин қадар руҳий нуқсонлилар ҳаддан ташқари хурсанд ёки хафа бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас. Маълум бўлишича, инсон бош миясида "хурсандчилик" ва "хафачилик" марказлари бор экан. Ҳиссиётнинг кечишига иккинчи сигнал тизими ҳам таъсир ётади. Ҳис-туйғулар шахсни беэаб турган "либос" сингари бир нарсадир. Ҳис-туйғулар ўз мазмунига ва аҳамиятига кўра ахлоқий, ақлий ва эстетик ҳис-туйғулар каби турларга бўлинади. Ахлоқий ҳис-туйғулар шахснинг ўзига ва бошқалар ҳуққига бўлган муносабатида кўзга ташланади. Дўстлик, ватанпарварлик, виждон, бурч кабиларда намоён бўлади. Ақлий ҳис-туйғулар ақлий фаолият жараёнларида юз берадиган ҳолатларга айтилади. Қизиқувчанлик, ҳайрон қолиш, ишонч, иккиланиш, ҳазил, пичинг, меъёридан ташқари танқидий муносабат шулар жумласига киради. Эстетик ҳис-туйғулар гўзая нарсаларни идрок этганда юзага келади. Ҳиссий ҳолатларга қуйидагилар киради. Кайфият, аффектив ҳолатлар, эҳтирос. Кайфият унчалик кучли бўлмаган, лекин инсондан узоқ вақт давом ётадиган ҳиссий ҳолатлардир. Кайфият, яъни одамнинг хурсанд ёки рангин кайфияти ҳеч вақт сабабсиз юзага келмайди. Кайфиятнинг хус ёки исхуъ бўлиши

биринчи навбатда одамнинг сихат-саломатлиги билан боғлиқдир. Одатда, одамда кайфиятнинг у ёки бу тури устун бўлиши мумкин. Лекин, одам ўз кайфиятининг қули бўлиб қолмай, уни бошқара билиши керак. Болалар ўзларининг кайфиятларини катта одамларга нисбатан идора қила олмайдилар. Йиғлаб турган боланинг кайфиятини арзимаган нарса билан ўзгартириб юбориш мумкин. Болалардаги кайфиятнинг беқарорлигининг сабаби улардаги тормозланиш жараёнларининг яхши ривожланмаганлигидир. Аффект тўсатдан пайдо бўлиб, тез ўтиб кетадиган, ниҳоятда кучли ҳиссий ҳолатдир. Аффект ҳолати юз берган вақтда одамнинг онги хиралашиб, фикр қилиш қобилияти сусаяди. Аффект пайтида одам жуда қаттиқ овоз билан гапириши ва ноҳўя ҳаракатларни қилиб юбориши мумкин. Эҳтирос узоқ давом этадиган, анчагина кучли ҳиссий ҳолатдир. Эҳтирос билан ишлаганда одам вақтнинг ўтганини ҳам билмайди, чарчаганини ҳам мутлақо сезмайди.

Ҳиссиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Тез таъсирланиш, совуқлик, тез ёрдам қўлини чўзиш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ирода нима? Ирода бу—онгли равишда кишининг ўз ҳаракат ва қилиқларини ички ва ташқи қийинчиликларни енгиб бошқара билишидир. Ирода табиатига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Ақлий нуқсонли болаларда ирода кўринишлари, сифатлари кескин бузилган бўлади. Ирода бузилишларига абулия, гипобулия ва гипербулия ҳолатларини кўрсатиш мумкин. Абулияда болаларда деярли иродавий ҳолатлар бўлмайди, иродасизлик намоён бўлади. Гипобулияда эса, иродавий ҳолатлар пасайган бўлади. Гипербулияда эса ирода ҳолатлари кучайгандек тўюлади. Тузилишига кўра, содда ва мураккаб иродавий ҳаракатлар мавжуд. Қисқагина мақсад қўйиш ва уни бажариш содда иродавий ҳаракатларга мисол бўлади. Мақсад қўйиш, уни англаш, режалаштириш ва уни бажаришдан иборат бўлган жараёни мураккаб иродавий ҳаракатлар дейилади. Демак, деярли кўпчилик ақли заиф болаларнинг иродавий ҳаракатлари содда иродавий ҳаракатларга киради. Шахснинг иродавий хусусиятларига; мақсадга мувофиқлик, тез ҳал қила олишлик, тиришқоқлик, интилувчанлик, чидамлик, иустақиллик ва бошқалар киради. Ироданинг яна бошқа сифатлари: қўхрамонлик, кўрқмаслик, интизомлик, каби томонлари ҳам борки, булар кўпинча болаларда индивидуал маънун касб этади.

Умумий психологияда ҳис-туйғулар олий ва қуйи турларга бўлинади. Олий сезгиларда маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши назарда тутилса, ҳис-туйғуларда эса органик эҳтиёжларнинг қондирилиши тушунилади. Ҳис-туйғулар интеллект билан ҳам боғлиқдир. Аристотель "хоҳлаш-фикрлар отасидир" деб тушунтиради. Психиатр Ганнушкин "Ҳис-туйғуларнинг ақл устидан ҳукмронлиги учун, интеллект заиф бўлиши керак" - деган эди. Демак, ақли заиф болаларнинг ҳис-туйғуларининг устуңлик қилиши табиий экан. Сабаби, улар ақли зарарланганку. Ақли заиф болалардаги ҳис-туйғуларни ақлий жиҳатдан бошқаришнинг бўшлиги оқибатида уларда виждон, бурч, жавобгарлик каби маънавий ҳисларнинг яхши ривожланмаслиги нзага келар экан. Турли хароҳатлар, ҳамда бош мианинг турли касалликлари натижасида ақли заиф болалар кайфиятида ўзгаришлар учраб турар экан. Эйфория-ақли заиф болалар кайфиятининг устуңлигидир. Бу болалар бирор фандан қониқарсиз баҳо олсалар, ёки ноҳўя қилиқлари учун синфдан чиқарилиб юборилсалар ҳам, хохолаб кулиб турадилар. Баъзи ақли заиф болаларда апатия ҳолатлари кузатилади. Бирор нарсага қизиқмайдилар, руҳан тушкун ҳолатда бўладилар. Кўпчилик муаллифлар ақли заиф, болаларда ташаббуснинг етишмаслигини кўрсатадилар. Бу ҳам улардаги иродавий сифатларнинг етарли эмаслигининг бир белгисидир. Ёрдамчи мактаб ходимлари, ота-оналарнинг ўз вақтидаги тинимсиз, самарали меҳнатлари эвазига ақли заиф болаларда улар шахсидаги нуқсонларни бартараф этиш, нисбатан коррекциялаш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болаларнинг ҳиссиёт хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Ҳиссиётнинг ақли заиф бола ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беринг.
3. Ҳиссий ҳолатларга нималар киради?
4. Ақли заиф бола иродасига хос хислатлар нималардан иборат?
5. Ақли заиф болаларда иродани коррекциялашнинг имкониятлари ҳақида гапириб беринг.
6. Ҳиссиёт ва ироданинг ақли заиф бола шахсининг шаклланишидаги аҳамияти нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника. М., 1986, 160-170= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка., М., 1985, 115-120= бет.
3. Воҳидов М. 1982., Болалар психологияси, Тошкент, 186-202= бетлар.
4. Богословский В.В. Общая психология., М., 1961, 293-332= бетлар.
5. Крутецкий В.А. Психология., М., 1980., 186-212= бетлар.

Характер руҳий фаолиятнинг ўзига хос тузилишидирки, бунда шахснинг ижтимоий ҳулқи, одамлар билан муомаласида кўзга ташланади. Кундалик ҳаётда одамларни эгоист ёки жамоачи, ғамхўр ёки шафқатсиз, муомалали ёки қўпол, таъсирланувчан ёки таъсирланмайдиган, қўрқмас ёки ваҳимачи, камтар ёки мақтанчоқ, қизиқдон ёки созуқ каби тоифаларга ажратамиз. Мана шуларнинг ўзидан кўриниб турибдики, характер бир бутун ҳолатдир. Характерда асосий, ҳал қилувчи ролни кишининг ҳиссий-ирода сифатлари ўйнайди. Характер секин-аста билиб бориш жараёнида, амалий фаолиятда шаклланиб, тақомиллашиб боради, фаолиятнинг турли-туманлиги киши характери-нинг кенглигини, кучини белгилайди. Маълум конкрет одамнинг характери унинг яшаш тарзи билан белгиланади. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш ўринлики, кишининг характери болаликда, ёшлиқда, ўсмирликда, балوغат ёшида ва қариганда бир хил тус касб этмайди. Характернинг шаклланишида туғма ва орттирилган хислатлар ажратилиши мумкин. Бу ўринда албатта ҳар бир кишининг марказий асаб тизимининг типлари ҳам ўз таъсирини ўтказишини айтиб ўтиш ўринли. Ҳатто, брак-қон томир тизими, овқат ҳазм қилиш, эндокрин тизими ҳам у ёки бу даражада киши характери-нинг шаклланишига таъсир қилар экан. Характернинг ифодали белгилари ҳам бор. Бунга ҳатти-ҳаракатлар, нутқ, киши мимикаси, пантомимикаси ҳам кирар экан. Бировлар кўп гап, бировлар кам гап, бировлар жарангли нутққа, яна бировлар жарангсиз нутққа эгалар. Энг асосий кўрсаткич, характернинг шахс ташқи қиёфасига, кўринишига муҳр каби босилишидир. Айрим кишиларнинг юзларидаги ажинлар маълум ёш белгиси бўлмасдан, балки шу киши характер хислатларининг ўзига хос белгиси бўлса ажаб эмас, Эътибор беринг! Бировларнинг кўз билан, юз билан кулганини кўрганмисиз? Кўз қалб ойнаси дейишади. Ҳақиқатан ҳам кўз ҳар бир кишининг характер хусусиятларини очиб берар экан. Шу нарса қизиқки, ҳар бир кишининг характер хислатлари унинг юриш-туришларида, тана ҳолатини тутиб туришида ҳам кўзга ташланади. Масалан, "Бурни" кўтарилган одамларда гавда орқага ташланган бўлади, камтар одамларда эса, гавда олдинга ташланган, бош олдинга эгилган, кўзга ташланмасликка ҳаракат қиладилар. Лаганбардор, хушомадгўй одамларнинг бутун танаси олдинга ташланган. Бу одамларнинг юз ҳолатларини ифодалаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Шехс-

нинг приш хусусиятлари, қўл ҳаракатлари ҳам маълум даражада унинг характери билан белгилар экан. Аммо, ҳар доим ҳам ўқоридаги белгилар самимий бўлмаслиги мумкин. Киши характери унинг ҳаёт тарзига ҳам таъсир этади. Ҳаётда қаттиқ характерлилар ва юмшоқ характерлилар учрайди. Характер тузилишида мазмун ва шаклни фарқлашимиз керак. Шаклланиб бўлган характерда ишонч катта рол ўйнайди. Киши характерида унинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари ҳам маълум рол ўйнайди. Бир киши яшаш учун эса, иккинчи бир киши ейиш учун яшаш мумкин. Албатта, бунинг моҳияти маълумдир. Характерда сўзсиз интеллект ҳам маълум рол ўйнайди. Ақлий меҳнат одатлари, режалилик, қунт, ғзакилик, ва бошқалар ҳам мустаҳкамланиб, характер хислатларига айланиб бориши мумкин. Киши характерининг шаклланишида ирода жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ирода шаклланиши билан характер мустаҳкамланиб боради.

Болалар характерининг шаклланишида ҳиссиётлар, темперамент ҳам маълум рол ўйнайди. Маълум бўлишича, характернинг табиий асосини темперамент ташкил қилар экан. Бу эса, марказий асаб тизимининг типларида намоён бўлади. Характернинг ижобий ва салбий хислатлари бўлиши мумкин. Ижобий характер хислатларига: ахлоқий, иродавий, ва ҳиссий хислатларни киритиш мумкин. Ахлоқий характер хислатлари ўз ичига эътиборлиликни, сезgirликни олса, иродавий характер хислатларига эса, тез ҳал қила олиш, ҳаракатчанлик ва ишончлилик киради. Ҳиссий характер хислатларига тез таъсирланиш, юмшоқлик киради. Характерда типик ва индивидуал ҳолатлар ҳам бўлади. Бош миyanинг турли касалликлари ҳам шахс характерининг маълум даражада, ўзига хос тарзда шаклланишига сабаб бўлар экан.

1. Характер грек тилидаги сўз бўлиб, "белги", "хусусият", "хислат" каби маъноларни билдиради. Шахснинг ўзагини ташкил этувчи бу муаммони ўрганиш, баён этиш ўзига хос тарихга эга. Турли даврларда бу масалага турлича таъриф бериб келинган. Характернинг ўқорида берилган таърифлари қадим грек олимлари томонидан берилган. Характерда алоҳида, индивидуал сифатлар очиб берилдики, булар шахснинг хулқига, қилиқларига таъсир этади. Шу билан бирга характер, инсоннинг ижтимоий хулқ хислатларидир. Ҳар бир кишига хос бўлган хулқ, унинг атроф-муҳит билан алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Характер инсон фаолиятининг ранг-баранглигидан, таассуротлар доирасидан келиб чиқади. Ҳар бир шахснинг характер ривожда маълум даражада унинг табиатан тузилиши ҳам

маълум рол ўйнайди. Хусусан, бола наслий йул орқали мия тузилиш хусусиятларини, рецептор, ҳаракат аъзоларининг маълум хусусиятларини, асаб тизимининг функционал тузилишини, ҳамда у ёки бу даражада асаб тизимининг эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлигини ҳам олар экан. Шахснинг ривожидавомида наслий йул билан берилган айрим анатомик – физиологик мойилликлар ўзгариб бориши мумкин. Шу сабабли наслий йул билан берилган белгиларни шахс тараққиётининг ва шаклланишининг диалектик бирлигида қарамоқ даркор. Ҳарактер шахснинг атроф-муҳит билан фаол боғлиқлиги натижасида шаклланиб боради. Муҳит характернинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир қилиб, туғма табиий шахсий сифатларнинг ўзага чиқишига таъсир этади. Шахснинг туғма мойилликларини юқори баҳоламаслик керак. Инсон ташқи слам қонунларини англаб етгач, ўз ҳаёт тарзини ва хулқини ўзгартириши мумкин.

Ақли заиф болаларда улар характерининг шаклланишига таъсир этувчи анатомио-физиологик "имкониятлар" маъжуд. Буларга олий асаб тизимларидаги бузилишлар, асаб жараёнларининг бўшлиги, уларнинг тургун эмаслиги, ҳаракатчанлигининг нормал эмаслиги киради. Булардан ташқари, бу болаларда эндокрин тизим касалликлари, руҳий касалликлари давом этувчи ҳолатлар ҳам учрайди. Буларнинг барчаси бола характерининг маълум даражада шаклланишига таъсир этади. Характер шаклланишига маълум даражада давом этаётган касалликлари ҳам таъсир этади. Олигофренопсихологияда бу каби масалалар етарлича ўрганилмаган. Ёрдамчи мактаб тажрибаларининг кўрсатишича, касалликлари давом этувчи деменция ҳолатидаги болаларда баъзан бир касалликнинг турли асоратларини учратиш мумкин. Масалан, тутқаноғи бор болаларда қайсарлик, кек сақлаш хислатлари кичик мактаб ёшларида учраса, болалар юқори синфларга ўтгач, бу болаларда хушомадгўйлик, педантизм хислатларини кўриш мумкин. Шу билан бирга бу болаларда мижғовлик ҳам намоён бўлиши мумкин. Бош мияси гидроцефалия касали билан оғриган болаларда ёлғон гапириш, тез таъсирланиш, мақсадга мувофиқ ҳаракат қилмаслик, каби салбий характер хислатлари кўзга ташланади. Мана шулар сабабли табиий савол туғилади. Ақли заиф болалар шахсининг ривожиде ва шаклланишида касаллик қандай рол ўйнайди? Ҳуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳақиқатан ҳар бир касаллик асаб жараёнларининг динамикасига маълум даражада салбий таъсир этади. Тутқаноғи болалар оғир тутқаноқдан кейин ўз даражасини

ҳам баъзан топа олмайдилар. Демак, уларнинг хотира жараёнлари зарарланар экан. Шу сабабли бу болалар ўз нарсаларини маълум жойларда сақлашга одатланиб қоладилар. Тутқаноғи бор болаларни ўртоқлари масҳара қиладилар. Бу болалар шунинг оқибатида ўқитувчидан мадад олиш мақсадида, унга хушоматгўйлик қила бошлайди. Бу каби ҳислатлар борган сари характер белгисига айланиб боради. Тарбия жараёнларида бу каби салбий ҳолатларнинг олди олиниб бориlsa, характердаги салбий сифатлар шаклланишаслиги мумкин. Демак, айрим касалликлар келтириб чиқарадиган салбий ҳислатларнинг олдини олиш мумкин экан. Ақли заиф болаларда характернинг тўғри шаклланишининг асосий омили таълим-тарбия ва уларнинг яшаш шароитидир. Характер — бу бир бутун шахсий сифатлар тизимидир. Характер тузилишини атрофлича, турли боғлиқликларда ўрганиш лозим. Ахлоқий жиҳатдан шаклланиб бўлган характерда етакчи ўринни эътиқодлар тизими эгаллайди. Ёрдамчи мактаб болаларида дунёқараш ва эътиқод тарбиялаш жуда оғир муаммодир. Характер ҳақида сўз кетганда, ақлнинг мосланувчанлиги ва таҳлил қилиш жараёнларининг чуқурлиги ҳам тушунилади. Бу каби сифатлар ақли заиф болаларда нормал тенгдошлариникидай ривожланмайди. Аммо, тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия, коррекцион ишлар орқали бу сифатларни маълум даражада такомиллаштириш мумкин. Характер тузилишида шахснинг эҳтиёж ва қизиқишлари ҳам маълум рол ўйнайди. Эҳтиёж ва қизиқишларнинг қайси бирининг устунлигига қараб инсоннинг ўзига хос характери таркиб топади. Ақли заиф болаларда содда ва олий эҳтиёжларнинг ривожланишида маълум бузилишлар учрайди. Бу болаларда маълум даврларда элементар физиологик эҳтиёжлар устунлик қилади. Масалан, баъзи ақли заиф болалар овқатга тўймайдилар. Ақли заиф болаларнинг кўпчилигида маънавий эҳтиёжлар етарли шаклланимайди. Таълим-тарбия орқали маълум даражадаги маънавий эҳтиёжларни шакллантириш мумкин. Ақли заиф болаларда эҳтиёж ва интеллектнинг номуносиб ривожланиши улар шахснинг нуқсонларига олиб қолади. Ақли заиф болалардаги ҳисларнинг ақлий жиҳатдан тўғри бошқарилмаслиги оқибатида, уларда олий маънавий ҳислар катта қийинчилик билан шакллантирилади. Буларга, бинадон, жавобгарлик ҳисси ва бошқалар киради. Бу сингари ҳис-туйғулар махсус тарбия жараёнларида тарбияланиб борилади. Ақли заиф болалардаги икбий характер шаклланишининг улар шахснинг ахлоқий-продавий сифатлари билан боғлиқлиги мумкин. Ақли заиф болаларда учрайдиган таваббус-

сизлик, берилувчанлик, қайсарлик улар шахсининг шаклланимаганлик белгиларидир. Бу белгиларни шакллантиришнинг йўлларида бири ақли заиф болаларда ижобий одатлар тарбиялаб боришдир. Ақли заиф болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, камтарлик, дўстлик каби характер сифатларини шакллантириб бориш керак. Характер ҳам хотира ва тафаккур сингари ақли заиф бола руҳиятининг ривожда иккиламчи ҳосилаларга киради. Бош миёна асаб тизимининг ҳар бир касаллигида биринчи — биологик кўринишлар ва иккиламчи белгилар мавжуд. Бундаё болаларнинг оиладаги тарбияси қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Чунки ота-оналар касал болаларига нисбатан талаб даражаларини билмайдилар. Агар бола жисмонан заиф бўлса, уни янада эҳтиёт қила бошлайдилар. Ота-оналарнинг талабчанлиги, меҳнат топшириқларини бажаришлари ва тўғри кун тартибининг ташкил этилиши бу болаларда характер сифатларининг тўғри шаклланишига ёрдам беради. Текширишларнинг кўрсатишича, ақли заиф болаларнинг ота-оналари ўз болаларини ё ҳаддан ташқари авайлаб ё асрар эканлар, ёки ҳаддан ташқари қаттиққўллик қилиб тарбиялар эканлар. Бунинг иккаласи ҳам фойдасиздир. Олигофренопедагоглар болаларни синф жамоасида ўқув ва меҳнат машғулотида тарбиялаб боришлар ҳақида олигофренопедагогика курсида батафсил маълумотлар берилган. Эдуард Сегеннинг таърифлашича, идиот „табиати“, табиат маҳсули эмас, балки одатлар натижасидир. Сеген ақлий нуқсонларда одатлар тарбиялашга алоҳида эътибор берган эди. Ақли заиф болаларда одатлар ва характер тарбиялаш, уларни ўқитишдан кўра кўпроқ махсус усулларни талаб қилади. Умумий психологияда ҳам, махсус психологияда ҳам болаларда қайси ёшларда қайси одатларни тарбиялаш лозимлиги ҳақида афсуски, малакали кўрсатмалар етишмайди. Бизнингча, болаларда маълум одатлар тарбиялаш, уларда ўқув малакаларини тарбиялашдан кўра зарурроқдир.

Болаларда ижобий одатларнинг шакллантирилмаслиги натижасида, кўпроқ салбий қилиқларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан. Л.В.Занков ҳам ақли заиф болаларнинг оиладаги тарбия қийинчиликлари ҳақида қатор маълумотлар беради. Ақли заиф болаларнинг ўзини фаолиятларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ақли заиф болаларни мусиқани, табиатни, мусаввирлиқни севишга ўргатиб бориш мумкин. Шунинг айтиш ўрнида ўзининики, нормал ривожланган болаларда бирор салбий одатлар келмас, уларни катта қийинчиликларсиз бартараф этиш мумкин экан. Асли, ақли заиф болалар-

даги салбий одатларни бартараф этиш осонликча амалга ошмас экан. Ақли заиф болалардаги салбий одатлар, қилиқларни бартараф этишнинг махсус усуллари мавжуд. Қисқа муддатларда салбий одатларни бартараф этиш кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Болаларнинг бундай вақтлари тўғри ташкил этилмоғи даркор. Маълумки, айрим болалар ёрдамчи мактабларга махсус боғчалардан, ёки тўғридан-тўғри уйдан келмайдилар. Бу болаларнинг айримлари бир йил, айримлари икки йил оммавий мактабларда ўқишиб, ундан кейингина ёрдамчи мактабга келадилар. Оммавий мактаб талабларини бажара олмаган ақлий нуқсонли болаларда қатор салбий одатлар шаклланган бўлади. Бекорга "Одатлар экиннг -характер оласиз" деб айтилмаган шекилли. Олигофренопедагог ақли заиф болаларнинг компенсатор имкониятларини тўлиқ ишга солиши керак. Ақли заиф болалар руҳиятининг хусусиятларини билиш, шу асосда уларга муоғала қила билиш, болаларнинг ҳамда оиланинг тинчлигини таъминлайди.

Савол ва топшириқлар

1. Ақли заиф болалар характерининг ўзига хос томонлари нималардан иборат?
2. Характернинг таркиб топиши қандай омилларга боғлиқ?
3. Бош мия касалликлари ақли заиф бола характерининг шаклланишига қандай салбий таъсир этади?
4. Характер шаклланишида одатларнинг ўрни нимадан иборат?
5. Ақли заиф болаларда ижобий характер хислатларини тарбиялашдаги, коррекциялашдаги қийинчиликлар нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника М., 1986., 176-191= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка., М., 1985., 121-126= бетлар.
3. Воҳидов М. Болалар психологияси. Тошкент, 1982., 207-209 бетлар.
4. Богословский В.В. Общая психология., М., 1981, 344-360= бетлар.
5. Крутецкий В.А. Психология., М., 1980., 224-235= бетлар.

15= Б У Л И М . АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ
ЎЗ-ЎЗЛАРИГА БАҲО БЕРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шахс шаклланишининг асосий омилларидан бири – ақли заиф болаларнинг ўз имкониятларига тўғри баҳо бериш хислатларининг шаклланган бўлишидир. Баҳолашга кишилар, нарсалар, ҳолатлар жалб этилиши мумкин. Ўз-Ўзини баҳолашда кишининг ўз алоқаларини, ҳаракатларини, сифатларини, қилган ишларини, шўқларини баҳолаш тушунилади. Ўз-Ўзини баҳолашнинг шаклланиши атрофдагиларнинг баҳолашлари, ўз фаолият натижаларини кўришлари натижасида амалга ошиб боради. Ўқувчиларда ўз-ўзларини баҳолашлари турли топшириқларни бажариш жараёнларида туپланиб боради. Ўқувчиларда ўз-ўзларини баҳолашнинг шаклланишида болалар иш фаолиятининг натижаларини баҳолаб боровчи ўқитувчининг роли жуда катта. Ақли заиф болаларда ўзларини англашлари бирмунча пасайганлиги сабабли, иш натижаларини ҳам бирмунча нотўғри баҳолайдилар. Шунинг оқибатида ўз фаолиятларини тўғри таҳлил қила олмайдилар. Буларнинг барчаси ақли заиф болаларда ўз-ўзларига баҳо беришнинг ўзига хос шаклланишига олиб келади. Махсус текширишлар натижасида ёрдамчи мактабларнинг турли синфларида болаларнинг ўз-ўзларини баҳолашлари ҳақидаги маълумотлар олинган. Кичик синфларда ўз-ўзларига баҳо қўйиш баъзан паст, баъзан эса шқори бўлар экан. Ўрта синфлардаги ўз-ўзларига баҳо беришлари бирмунча ўз имкониятларига тўғри келар экан. Юқори синфларда эса, ўз-ўзларига баҳо бериш нисбатан шқори бўлар экан. Кичик синфлардаги ўз имкониятларига тўғри баҳо бермасликнинг сабаби, биринчидан шахснинг шаклланмаганлиги, фаолият мақсадларини тушунмаслик, меҳнат натижаларини тўғри таҳлил қила олмасликларидир. Юқори синфлардаги ўз имкониятларига шқори баҳо беришнинг асосий сабаби, ўзларидаги нуқсонни камайтириш ва ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмасликдир. Ўз фаолият натижаларига шқори ёки нотўғри баҳо беришлари улар фаолият натижаларига атрофдагиларнинг аксарият паст баҳо қўйишларига акс таъсирдир. Нуқсонли болаларда нуқсон мазмунига кўра ўз имкониятларига шқори ва паст баҳо бериш хосдир. Ўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари бирмунча тургун бўлган олигофренларда, таълим-тарбия жараёнларида ўз имкониятларига тўғри баҳо бериш ҳолларини кўриш мумкин. Ҳиссий жиҳатдан бирмунча "камбағал" бўлган ақли заиф болаларда ҳар қандай мураккабликдаги топшириқлар

билан улардаги нотўғри тасаввурларини тўғрилаш қийин. Шунинг оқибатида ақли заиф болалар ўз фаолиятларини тўғри режалаштира олмайдилар, фаолият натижаларини кўра билмайдилар. Умуман баҳо ва ўз-ўзини баҳолаш ақли заиф бола шахсининг тузилишида энг асосий қисми ташкил этади.

Л.И.Божович маълумотларига кўра, тўғри шакланган ўз-ўзига баҳо бериш шахс шаклланишининг етакчи омилларидан биридир. Шу сабабли, ёрдамчи мактаб ўқитувчилари бу муаммога оид болаларнинг психологик хусусиятларини билишлари талаб этилади. Ўз имкониятларига тўғри баҳо бериш катталар томонидан амалга оширилиб борилади. Агарда ақли заиф бола ўз фаолиятларини тўғри таҳлил қила олмасалар, атрофдан унинг фаолият натижаларига қўйилган баҳолар салбий йўналиш касб этади. Агарда бола оилада кўпроқ ижобий баҳолар олиб юрган бўлса, бу болалар мактабга келгач, бирор салбий баҳо олишлари уларга қатор нотўғри хулқ хислатларининг шаклланишига олиб келади. Бу болалар тез ҳафа бўладиган, йиғлоқи, қайсар бўлиб қоладилар. Агарда бундай салбий хулқ шакллари узоқроқ сақланса, булар шахсининг турғун сифатларига айланиб қолади. Нормал болаларга оид бўлган бундай маълумотлар ақли заиф болаларнинг қатор хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Ақли заиф бола ҳали мактабга бормасдан, оилада ўз имкониятларига нисбатан юқори баҳо олганлар. Ота-оналар ҳам болаларининг озгина втуқларини ҳам юқори баҳолашиб, мақташган. Болаларнинг боғча, мактабга келишлари билан қатор кўнгилсиз воқеалар бошланган. Чунки, боланинг оилада олган "юқори" баҳолари энди учрамайди. Болалар ўз имкониятларига яраша баҳо оладилар. Содда, лекин Уткир методика билан ДЕ-Греефе дебил даражадаги олигофрен болаларнинг ўз-ўзларига баҳо беришларини текширган. У болаларга учта айлана кўрсатиб; доскада шу айланалардан пастга қараб чизиқча чизишни сўраган. Болаларга биринчи айлана шартли тарзда ўқитувчи, иккинчи айлана боланинг ўртоғи, учинчи айлана боланинг ўзи деб тушунча берган. Текширилаётган болалар юқоридаги "айланаларнинг" қайси бирини ақлли деб санасалар ўша айланадан пастга қараб узунроқ чизиқча чизишни, ўртароқ ақлли айланаса ўртача узунликдаги чизиқча чизишни ва ниҳоят ақлсиз айланаса қисқа чизиқ чизишни сўраган. Табиийки, ақли заиф бола энг

узун чизиқчани ўзининг айланасидан пастга қараб чизган. Бундай ақли заиф болаларнинг ўзларига ўқори баҳо қўйишларини Л.С.Виготский муаллиф номи билан аташни таклиф этган. Муаллиф Де-Грефеннинг қуйидаги ақли заиф болалар ҳақидаги хулосаси билан келишади. Ақли заиф болалардаги ўз имкониятларига ўқори баҳо беришнинг сабаби, улардаги умумий ақлий тараққиётнинг бузилганлигидир. Виготский муаллиф фикрларини тўлдириб, ақли заиф болалардаги ўзларига ўқори баҳо беришлари фақатгина ақлий етишмовчилик бўлиб қолмасдан, балки яна бу болалар учун баҳо уларнинг ҳиссий камчиликларининг ёрқин кўрсаткичидир. Балки бошқа яна бирор механизм бордир деб таъкидлайди муаллиф. Балки, ўзларига ўқори баҳо бериш ҳоллари уларга атрофдагиларнинг қўяётган паст баҳоларига жавобан кўрсатаётган сохта компенсация қилиш характерологик маҳсулидир. Де-Грефеннинг ўзига хос камчилиги шундаки, унинг фикрича, ақли заиф болалар ўзларини камчиликсиз деб ҳисоблайдилар ва шунинг орқасида ўз камчиликларини йўқотишга интилмайдилар. Виготский бевосита шу камчиликни ақли заиф болаларнинг сезишлари орқасида, бу болалар шу камчиликларнинг ўрнини тўлдирish мақсадида, ўзларига ўқори баҳо берадилар. Текширишларнинг кўрсатишича, ёрдамчи мактаб 2-синф ўқувчиларининг ўз имкониятларига баҳо беришлари, шу синф оқмавий мактаб ўқувчиларининг баҳоларидан бирмунча устун экан. Бу фарқ 4-6 синфларда бирмунча пасайиб борар экан. 8 синфга келиб эса, яна ақли заиф болаларнинг ўз имкониятларига баҳо беришлари ортиб борар экан. Бу натижалар Виготский назарияси бўйича тушунириб берилishi мумкин. Бошланғич синф болалари аффе́кт натижасида ўзларига ўқори баҳо берсалар, бу баҳолар секин-аста болалар ўлғайган сари камайиб боради. Ўқори синфлардаги ўзларига ўқори баҳо бериш эса, сохта компенсация қилиш натижаси бўлса ажаб эмас. Айрим ақли заиф болаларнинг баҳоларга нисбатан турли хил муносабатлари, бу болаларга баҳолаш жараёнининг ўзи, назорат қилиш ҳоллари салбий таъсир этади. Шу масалага оид Б.И.Пинскийнинг махсус тажриба ишлари бор. Муаллифнинг таъкидлашича, "баҳолаш ҳолати"даги бажарилган ишларнинг натижалари бирмунча сифатсиз бўлар экан. Ҳатто, бу каби камчиликлар нормал болаларда ҳам учрайди. Маълум бўлишича, ақли заиф болалар назорат остида ишлаганларида хатоликлар сопи ортар экан. Аммо, иш тезлиги ўзгармас экан. Лекин, нормал болаларга нисбатан ақли заиф болаларда баҳолаш жараёнидан манфаатдорлик ҳислари

бирнунча кам бўлади. Шу сабабли, ақли заиф болалар иш натижаларини баҳолаш, вақтларида дифференциациялашган ҳолда ёндашиш талаб этилади. Ақлий нуқсон чуқурлашган сари, ўзларига баҳо бериш ортиб бориш хусусиятига эга бўлиб борар экан.

Шахс йўналганлигининг бир томони ўзларига баҳо беришдир. Агарда ақлий нуқсонли болаларга нос бўлмаган ҳолда ёқори баҳо қўйилса, унинг ўзига хос салбий оқибатлари бўлиши мумкин. Меъёридан ортиқча ўзларига ишониш, танқидсизлик, ялқовлик, худбинлик шулар жумласидандир. Ақли заиф болаларга баҳонинг пасайтириб қўйилиши натижасида ҳам баъзи салбий хислатлар келиб чиқар экан. Бунинг оқибатида ўз кучларига ишончсизлик, ташаббуссизлик, ўзи билан ўзи ўралашиб қолиш ҳоллари кўзга ташланади. Айниқса, нотўғри баҳо ақли заиф болалар шахсига салбий таъсир этади. Бунинг оқибатида куйиниш, атрофдагилар билан муомаласидан қониқмаслик ҳолатлари юз беради.

А.Штроймаёв таъкидлашча, ақли заиф болалар ўзларига ёқори баҳо беришиб, баъзан нормал болалар бажаришга иккиланган нарсаларни бажаришга уришиб кўрадилар. Л.В.Занковнинг 1963 ва Б.В.Зейгарникнинг 1971 йилларда ўтказган тажриба ишларининг исбот этишича, ақли заиф болаларда ўзларига баҳо бериш секин шаклланар экан. Олигофрен болаларга хос бўлган ўзларига ёқори баҳо бериш С.А.Рубинштейннинг 1979 йилдаги ишларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Ўзларига баҳо беришнинг шахсий сифатлар билан боғлиқлигини психологлардан Е.А.Серебрякова 1956, Б.В.Зейгарник 1969, Н.Г.Калита 1971 Ж.М.Глозман 1983 кўрсатиб ўтишган.

Ж.И.Намазбаеванинг 1978 йилдаги иши ҳам ёқори синф ақли заиф болаларнинг ўзларига баҳо беришни очиб беришга бағишланган. Ақли заиф болаларнинг ўзларига баҳо бериш хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида дефектология факультети талабалари С.Қ.Кислова ва Ж.А.Галандиналар билан биргаликда қуйидаги тажриба текширишни амалга оширдик. Қилаётган ишимиздан асосий мақсад, кичик, ўрта ва ёқори синф ўқувчиларининг ўзларига баҳо беришларини нисбий тарзда нормал болалар билан бирга текшириш. Бу болаларнинг баҳо беришларининг ўсиш динамикасини кузатиш ҳам мақсадлардан бири эди. Шу билан бирга ўзларига баҳо беришда ўғил ва қиз болаларнинг хусусиятларини ҳам очиб беришни мўлжалладик. Мақсадлар ичида қўллаётган услубиятнинг психодиагностик инкониятларини ҳам очиб бериш назарда тутилган эди. Махсус психологияда бирин-

чи марта қилинаётганлиги сабабли ишнинг илмий аҳамияти юқоридир. Иш натижаларидан ёрдамчи мактабларнинг ҳодимларига фойдаланиб қолмадан, урта мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Илмий кузатишларимизда Дембо (АҚШ) ва С.Я.Рубинштейн услубиятидан фойдаландик. Унинг мазмуни қуйидагича: соғлиқ, ақл, характер, бахт, гўзаллик каби сифатларнинг 9 та даражаси берилган. Бу даражалар зинапоя шаклида жойлашган. Биринчи зинада берилган сифатнинг даражаси энг юқори бўлиб, зиналар кўтарилаган сара, сифатларнинг даражалари пасайиб боради. Маъанан 9 даража энг паот, ёмон кўрсаткичдир. Текширилаётган болага берилган соғлиқ, ақл, характер, бахт ва гўзалликнинг қайси даражаси ўзига моо келишини белгилаш оўралган. Ишамизнинг ниобатан таҳлили ошонлашиши учун ҳар бир сифатнинг даражаларини 3 гуруҳга бўлдик. Демак, ўзларига баҳо беришнинг 3 та мезони ажратилди. Зинадаги биринчи учта даража ўзларига юқори баҳо бериш, навбатдаги 4 дан 6 гача бўлган даражалар урта ва оўнгги 7 дан 9 гача бўлган даражалар ўзларига баҳо беришнинг пасайган даражаси деб олинди. Текшириш манбасини турли даражадаги нукоонлари бўлган ёрдамчи мактаб ўқувчилари ҳамда, оммавий мактабларнинг параллел синф ўқувчилари ташкил этди. Текшириш Тошкент шаҳридаги 25,66 ёрдамчи, 225,74,94 оммавий мактабларда ўтказилди. Ёрдамчи мактаб ва оммавий мактаблардан 80 тадан ўқувчи олинди. Бу ўқувчиларнинг 40 таои угил бола ва 40 таои қиз болалардан иборат эди. Ўтказилган илмий кузатув яқунларининг таҳлили қуйидагича: 1-3 синф ўқувчиларини 5 та сифат бўйича текширганимизда шундай ҳудосага келдикки, бу ёшда ўзларига баҳо беришлари ўз имкониятларига моо қелмао экан. Ўз имкониятларини ёрдамчи мактаб ўқувчилари ҳам (74,4 %), оммавий мактаб ўқувчилари ҳам (73,4 %) ниобатан юқори баҳолашар экан. Ўз имкониятларига уртача баҳо бериш натижалари қуйидагича: 24,4% ақли заиф болалар, 25,8% нормал ўқувчилар, Ёрдамчи мактаб бошлангич синф ўқувчиларининг 1,2%, оммавий мактаб тенгдошларининг 0,6% ўз имкониятларига паот баҳо берганлар. Бу рақамларнинг қичак бўлишига карамаодан ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ўз имкониятларига паот баҳо беришлари нормал тенгдошларидан яқки марта кўп экан. Бизнингча, бу болаларга нормал болаларнинг нотўғри муносабатлари натижаои бўлоа керак. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг "бахт" кўрсаткичи бўйича берган жавоблари қизиқарли манзарра каоб этган.

Кўпчилигининг оилалари тулиқ эмаолиги, ундаги психологик иқлимнинг соғлом эмаолигига қарамаодан, ўзларини энг бахтли деб ҳисоблашган. Ақлий нормал болаларнинг ўз имкониятларига ниобатан юқори баҳо берганлигига қарамаодан, барча мезонлар буйича ниобатан турғун характер касб этган. Шунн қайд қилиб ўтиш керакки, бу ёшда нормал болаларнинг ўзларига баҳо беришлари олигофренлардан жуда қам фарқ қилади. I синфда нормал ва ақли заиф болаларнинг ўзларига юқори баҳо беришлари бир хил бўлиб 70% ни ташкил этган. Ўзларига юқори баҳо бериш айниқоа 2 синф ақли заиф ўқувчиларига тўғри келган. (81%). Ўрта мактаб ўқувчиларида I-3 синфлар давомида катта оилжишлар кўзга ташланмайди. Усолубият ўзига хос диагностика имкониятни ҳам кўроатган. Дебилликнинг оғиррок турларини ушинг энгил турларидан ажратишга муваффақ бўлинган. Ақли заиф болаларни дифференциация қилишда айниқоа, "соғлиқ", "ақл", "бахт" мезонлари яхши кўроаткичлар берган. 4-6 синф ёрдамчи ва оммавий мактаб ўқувчилари ўзларига баҳо беришда ниобатан ўз имкониятларини тўғри англашган. Ўзларига юқори баҳо бериш ақли заиф болаларнинг 41% , нормал болаларнинг 31% ташкил қилган. Ўз имкониятларига ўртача баҳо бериш 52% ақли заиф, 69% нормал болаларни ташкил қилган. Нормал болаларда ўз имкониятларига паот баҳо бериш учрамагани ҳодда, ақли заиф болаларнинг 7% ўзларига паот баҳо берганлар. Ўрта синфларда нормал ва ақли заиф болаларнинг бошланғич синфларда кўзга ташланган ўхшашлик бирмунча бузилган. Иккинчи ёш гуруҳида фарқ бирмунча сезиларлидир. Таъкидлаш ўринлики, ақли заиф болалар орасида учраган "энг бахтли", "энг бахтоиз", "энг гўзал" ва "энг хунук", оингари қарама-қарши даражадаги баҳо бериш ҳоллари нормал болалар орасида учрамайди. Нормал болаларнинг ўзларига баҳо беришлари асоосан, ўрта даражаларга тўғри келади. Усомирлик ёшида ақли заиф болалар билан олиб борилган коррекцион-тарбиявий ишлар ўз натижаларини кўрсатган. Улар жавобларида объективлик бирмунча кўзга ташланади. Юқори синфларда нормал ва ақли заиф болалар орасидаги фарқ ортади. "Соғлиқ" кўроаткичи буйича нормал болаларнинг 25,4% , ақли заиф болаларнинг 43,4% ўз имкониятларига юқори баҳо берганлар, Айтиш керакки, кичик ва ўрта синфларга қараганда, юқори синфларда ўзларига баҳо бериш ниобатан реал мазмун касб этган. Ўзларига ўртача баҳо берганлар 53,4% ақли заиф, 71,4% нормал болаларни ташкил қилган.

Юқоридагиларга худоса қилиб, нормал ва ақли заиф болаларнинг ўзларига баҳо бериш ҳуусиятлари қуйидагилардан иборат экан.

Ёш улғайган сари ўзларига баҳо бериш нормал болалар оингари ақли заиф болаларда ҳам тўғрилиб борар экан. Барча ёшларда ўзларига баҳо бериш ниобатан ақли заифларда ўз имқониятларига тўғри келмао экан. Ақли заиф болаларнинг ўзларига баҳо беришлари бирмунча қуйи савияда экан. Ёш улғайган сари нормал болаларга бошқаларнинг фикрлари шу маосала бўйича таъсири камайиб борар экан. Бу кўроатқич ақли заиф болаларда атрофдагиларнинг таъсири бирмунча узок сақданар экан. Шу билан бирга методика чуқур даражадаги дебил болаларни ўрта даража болалардан ажратишга ёрдам берар экан. Маълумотларнинг кўрсатишича, ўз имқониятларига ниобатан тўғри баҳо бериш ақли заиф қизларда эртароқ юз берар экан. Ақли заиф қиз болаларнинг ҳаётга ўғил болаларга ниобатан тезроқ моолашишларини кўриш мумкин. Ўғил болаларнинг ниобатан орқада қолиши улардаги ақлий нуқсоннинг ниобатан чуқурлиги оқибатида бўло керак. Оммавий мактаб ўқувчиларида ушбу манзара тесқари натижалар кўроатган. Кичик ва илк ўсомирлик ёшларида ўз имқониятларига тўғри баҳо бериш нормал ўғил болаларда қизлардан устунликка эга. Юқори оинфларда эоа, нормал қиз болаларнинг ўзларига ўртача баҳо беришлари ўғил болалардан устунлик килер экан. 8 оинф охирларида жиний фарқлар камайиб борар экан. Ўз имқониятларига юқори баҳо бериш нормал, ақли заиф болаларнинг барчасида кўзга ташланади. Булар фақатгина ўша ёшларнинг психодегик ҳуусиятларигина бўлиб қолмаодан, балки ўрта ва ёрдамчи мактабларда ҳам ўз фаолиятларига тўғри муносабат шакллантириш ишларига етарли эътибор берилаётмаётганлигининг бир кўроатқичидир. Ўқитувчи ва тарбиячилар ўз имқониятларига тўғри баҳо бермайдиган болаларга алоҳида эътибор беришлари керак. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилар болаларнинг юқоридаги ҳуусиятларини билишлари ўқув ишларини яхши йўлга қўйишларига имқон беради. Ўқитувчилар беҳонинг ургатувчи ва тарбияловчи таъсирини унутмаолиги дарқор. Ўқитувчи ҳар доим объектив баҳо қўйишга интилиши керак. Ёрдамчи мактабларда ақли заиф болаларнинг баҳога ниобатан муносабатларини билган ҳолда ташкил этилган теълим-тарбия жараёнлари ҳар доим яхши натижаларга олиб келади.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳз имкониятларини баҳолаш деганда нимани тушунаоиз?
2. Ақли заиф болалардаги Ҳзларига баҳо бериш ҳуоусиятларини айтиб бering.
3. Нормал ва ақли заиф болалар орасидаги фарклар нималардан иборат?
4. Б.И.Пинокий текширишларини оўзлаб бering.
5. Ҳз-Ҳзларини баҳолаш жараёнларини қайои методикалар билан Ҳрганиш мумкин?
6. Айрим методикаларни Ҳз альбомларингизга чизинг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтовенно ототалого школьника. М., 1986., 170-176= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умтовенно ототалого ребенка., М., 1985, 54-57= бетлар.
3. Коррекционно-воспитательная направленность обучения и воспитания во вспомогательной школе. Ташкент., 1986., сборник научных трудов. 14-23= бетлар.

Ёрдамчи мактабларнинг асосий вазифаларидан бири - ўқувчиларни ижтимоий фойдала меҳнатга тайёрлашдан иборат. Оммавий мактаблар оингари, ёрдамчи мактаблар ҳам ўқувчиларда меҳнатга ниобатан тўғри муносабат шакллантириш, ҳамда уларда зарур куникма ва малакалар тарбиялашга ҳизмет қилади. Психология фанининг зарурий нэзомларидан бири-онг ва фаолиятнинг бирлигидир. Психик жараён ва ҳолатлар фаолиятдан ташқарида юз бермайди. Ақли заиф болаларнинг нуқсонли тараққиёти фақатгина психик жараёнлар кечашининг узига ҳооличи билангина чегараланиб қолмаодан, балки улар фаолиятлари ҳам нормал болалар фаолиятларидан кескин фарқ қилади. Ақли заиф болалар фаолиятининг узига ҳослиги мақсад ва ҳаракатларнинг муносабатида, фаолият динамикасида, ҳамда мотивларида кўзга ташланади. Ақли заиф болалар қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш вақтларида барча талаб ва маълумотларни ҳисобга олмайди. Натжада бажарилаётган вазифа бoшқа, бирмунча енгилроқ, ооонроқ вазифалар билан алмашади. Ақли заиф болалар нормал болалардан фарқли равишда, фаолият жараёнларида ўзгача идрок қиладилар, эслаб қоладилар ва фикрлайдилар. Шу билан бирга бoшқача мақсад ва мотивларга амал қиладилар. Олигофрен болаларнинг фаолиятлари махоуо тузилишга эгаки, уни махоуо қареш ва таҳлил эташ қерак. Ақли заиф болалар фаолиятида унинг шахсий оифратлари кўзга ташланади. Таълим-тарбия жараёнларида ақли заиф болаларнинг шахсини шакллантириш учун, унинг фаолият хуоусиятларини билмоқ қерак. Чунки, психика фаолиятда кўзга ташланибгина қолмаодан, балки фаолият жараёнида шаклланиб ҳам боради. Шунинг учун таълим-тарбияда ақли заиф болалар фаолиятини шундай ташкил қилиш қеракки, улар психикасининг оамарали ривожланишига имкон яратсин. Ақли заиф болаларнинг фаолиятларида мақсадга мувофиқликнинг бузилганлиги, олдинги тажрибаларни қўлладдаги қийинчиликлар, мотивларнинг нотўғрилиги каби нуқсонларни қўриш мумкин. Маълумки, фаолият деганда, ёноон шахоив фаоллигининг номоён бўлаши тушунилади. Фаолиятда ақли заиф бола шахоив номоён бўлиши билан бирга ривожланиб ҳам боради. Демак, фаолият билан бола психикасин ораоида жуда мураккаб ўзаро алоқа мавжуд. Бир томондан психика турли фаолият жараёнларида тақомиллашиб борса, иккинчи томондан психика фаолиятни бoшқариб ҳам боради. Сөзги ва идрокда муокуллар, фикрлаш жараёнларида

иккинчи сигнал тизими бошқарилади. Фаолият жараёнларида ақли заиф болаларнинг ўз имкониятларига тўғри баҳо беришлари жуда катта аҳамиятга эга. Агарда маълум бир шахс ўз имкониятларига яқин баҳо берад, шахс ва жамoa ораoида ўзига хоо қийинчиликлар юзага келади. Ақли заиф болалар фаолиятларига оалбий таъбир этувчи омидларга: оозги ва идрокнинг заиф дифференцирлашганлиги, тафаккурнинг яхши ривожланмаганлиги, мотивларнинг бузилганлиги, ўз-ўзларига баҳо беришнинг нотўғрилиги киради. Ёрдэмчи мактаб ўқувчиларининг барча фаолият турларида қуйидаги камчиликлар учраб турар экан.

1. Маълумки, ҳар қандай фаолият маълум мақсад аосоида амалга оширилади. Мақсадониз фаолиятнинг булиши бизнингча мумкин эмас. Демак, ақли заиф болалар фаолиятида мақсадга қаратилганлик кескин бузилган бўлади.

2. Ривожланиш, таълим-тарбия давоида ўқувчиларда билимлар, қўникма ва малакалар, тажрибалар йиғилиб борилади. Ақли заиф болалар ўзларида булган тажрибаларни янги ўзлаштирилеётган, эгал-данилаётган билимларга тадбиқ эта олмайди.

3. Ақли заиф болалардаги мотивларнинг торлиги, ўз фаолиятларини режалаштира олмаоликлари, фаолиятларининг натижаларини кўра олмаоликлари кўзга ташланади.

4. Ақли заиф болаларда оўз бойлиги ва дўғат тарқибининг камбағаллиги оқибатида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг оғзаки тушунтиришларини тушунмаолик, улар даққатининг тарқоқлиги, биринчи ва иккинчи оигнал тизимлари ораоидаги номувофиқлик аосоида келиб чиқадиган фаолият камчиликлари учрайди. Фаолият жараёнларида ақли заиф болаларда турли ўқув ва меҳнат малакалари шаклланиб боради. Малака нима? Малака муотаҳкамланган онгли ҳаракатлар тизимидир. Унинг физиологик аосоини шартли рефлексор боғланишларнинг хооил булиши ва муотаҳкамланиши ташкил этади. Ақли заиф болалар бош миёоининг органик бузилишлари натижасида малакалар бирмунча қийин шаклланади. Психиканиннг ривожланмаганлиги ўз натижасида турли малакаларининг шаклланишига тўқинлик қилади. Маоалан: ёзиш малакаларининг шаклланишига қуйидаги нуқсонлар тўқинлик қилади. Ақли заиф болалар панжа, бармоқларидаги майда муоқулларнинг яхши ривожланмаганлиги, айрим оозги аъзоларининг етарли шаклланмаганлиги, фонематик эшитишнинг меъёрдан паст эканлиги, таоний-таҳлил фаолиятининг пастлиги, ҳамда умуман ҳаракат

тизимнинг нуқсонлари киради. Ақли заиф болаларда фақатгина ёзиш малакалари зарарланиб қолмасдан, бошқа қатор малакалар ҳам қийин амалга оширилади. Фаолият, фаоллик фақатгина иноонларга эмао, турли ҳайвонларга ҳам хоодир. Аммо, бу фаолиятлар ораоида жуда катта фарқ мавжуд. Ҳайвонлар фаолияти бевосита теварак-атрофдаги муҳит билан белгиланади. Ҳайвонлар ўзининг фаолияти, фаоллиги туфайли атроф-муҳитга бўйинниб, мувофиқлашиб яшайди. Одамнинг фаолияти эоа, қичик ёшлигиданоқ бутун инооният тажриба-ои билан белгилана бошлайди. Кишилар ўз фаолиятлари орқали тева-рак-атрофдаги муҳитни ўз манфаатларига бўйиндиради, уни ўзгартириб, эҳтиёжларига мослаштиради. Одам маълум бир фаолиятда булар экан, у ҳар доим маълум бир мақсад асооида ҳаракат қилади. Иноон фаолиятининг асооий белгиои, унинг ҳар доим бирор мақоадга қаратилганлигидир. Иноон фаолияти ҳар доим бошқа кишилар билан амалга ошириладиган мунооабатлар тизимидан иборат булади. Шунинг учун одам фаолияти бошқа кишиларнинг ҳам қатнашмаларини талаб этади. Демек, одам фаолиятининг натижалари фақат одамнинг ўз тақдиригина эмао, балки ташқи оламга ва бошқа кишиларнинг тақдирига ҳам маълум даражада таъоир қилади. Фаолият жараёнда иноон нутқни эгаллайди. Иноон шахо бўлиб тарқиб топгунча шахой фаолиятнинг турли томонлари билан шуғулланади. Иноон фаолияти асооан уч турга бўлиб ўрганилади. Булардан биринчиои ўйин фаолияти, иккинчиои таълим фаолияти ва учинчиои меҳнат фаолиятидир. Аолида, мактабгача ёшда болаларда ўйин етарчи фаолият тури ҳиообланади. Ақли заиф болалар ҳаётида ўйин боғча ёшидагина эмао, ҳатто мактаб ёшида ҳам асооий фаолият турларидан бири оаналади. Ўйин – бу болалар томонидан катталар оламини ўзига хоо ако эттиришдир. Шу билан бирга атроф-муҳитни билиш йули ҳамдир. Ақли заиф болалар поихикаоиннинг ривожланмаганлиги ўз навбатида улар ўйин фаолиятининг ҳам етарли ривожланмасолигига олиб қелади. Боғча ёшидаги ақли заиф болалар ўз ташвбуолари билан ўйинда қатнашмайдилар, ўйинчоқларнинг вазибаларини тушуниб етмайдилар. Ақли заиф болаларнинг диққатини асооан ўйинчоқларнинг турли ранглари кўпроқ қизиқтиради. Ўйинчоқлар билан ақли заиф болалар кўпроқ онгоиз, мақсад-оиз ҳаракатлар қиладилар. Шунини айтиб утиш керакки, мактабгача ёшдаги ақли заиф болаларга мазмунли ўйинлар тушунароиз ҳиообланади. Мактабгача ёшдаги ақли заиф болалар фаолиятида нутқ жуда

қам рол уйнайди. Ёрдэмчи мактаб таълимида ақли заиф болалар катталар ёрдэмадагина уйин фаолиятига ургатиб борилади. Улар жамоа уйинларига секин-аста ургана борадилар. Ақли заиф болаларнинг уйин фаолиятларига фаол киришиб кетешлари оқибатидагина улар психикасида булган нуқсонлар секин-аста қоррекцияланиб боради. Ақли заиф болалар уйин жараёни орқали ўқув, меҳнат фаолиятларига тайёрланиб борилади. Болаларнинг асосий фаолияти булган уйинда психик жиҳатдан ривожланишда жаддий ўзгаришлар юз беради. Болалар уйини шу қадар универсал, кўп қиррали, ҳамда ниҳоятда қудратли фаолиятдирки, боғча ёшидаги болаларни уйиндан бошқа йул билан камолга етказишни тасаввур этиш қийин. Ҳа. Айниқоа, ақлан нуқсондиларни уйиниоз бирор нарсага ўргаташ у ёқда турсин, уларда маълум ижобий ҳисолатлар ҳам тарбиялаш мумкин эмао. Болаларнинг уйин фаолиятларининг қатор қирралари психологлардан Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Е.А.Аркин, Д.Б.Эльконинларнинг қатор ишларида очиб берилган. Уйин фақат ташқи муҳитдаги, нарса ва ҳодисоларни билаш вооситасигина бўлиб қолмай, балки қудратли тарбия вооситаои ҳамдир. Ижодий ва мазмунли уйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал, шахсий ҳисолатлари ҳам шаклланиб боради.

Ўқиш- бу бир тизим асосида билим, малака, одетлар, ақлий ҳаракатлар эгаллаб боришдир. Ўқидан мақсад, ақли заиф болаларни кейинги меҳнат фаолиятларига етарлича тайёрлашдан иборат. Шу сабабли ёрдэмчи мактаблардаги таълим-тарбия ҳам тарбияловчи, ҳам ривожлантирувчи ва қоррекцияловчи мазмун касоб этиши керак. Одамнинг ўз мақсадига кўра, урганиш ва ўзлаштаридан иборат булган мана шундай махсуо фаолияти таълим фаолияти деб юритилади. Одамнинг маълум билимлар, тушунчалар тизими, кўникмалар ва малакаларни онгли мақсад билан бошқарадиган барча ҳатти-ҳаракатлари таълим фаолияти билан боғлиқ булади. Демак, ўқиш махуоу ва ўзига хоо булган иносний фаолият экан. Ҳейвонларда бу фаолиятнинг бўлиши мумкин эмао. Ҳейвонларда шартли рефлеколарда воосланган урганиш фаолияти бор хо лоо. Ўқиш фаолиятининг тузилиши жуда ҳам мураккаб. Таълим фаолиятининг тарқибига-билимлар, тушунчалар мадекалар, одетлар, ўқувлар киреади. Болаларнинг ўқиш фаолияти махсуо равишда ташкил этилган шароитларда амалга оширилади.

Таълим-тарбия фаолияти болаларни ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар ҳил турлари учун зарур бўлган билимлар, маълумот ҳамда кўник-малар билан қуроллантиради. Ўқиш, билимлар олиш жараёнида катта эътибор меҳнат фаолиятига ҳам қаратилади. Одам ўз табиати жиҳатидан меҳнат фаолияти билан шуғулланмай яшай олмайди. Агарда одам меҳнат фаолиятидан тўхтаб қола, ундай пайтда ўз ҳаётини ҳам тугатган бўлади. Шу сабабли меҳнат одамнинг яшашини таъминловчи асосий фаолият туридир. Ёрдамчи мактабларда тайёргарлик, мийшиқ, ижтимоий фойдали меҳнат ва ишлаб чиқариш устaxonаларидаги меҳнат турлари мавжуд. Ақли заиф болаларнинг турли меҳнат турларида қатнашишлари орқали, уларда коррекцион ишларни амалга ошириш орқали уларни кейинги ҳаётга тайёрлаб бориш мумкин. Ёрдамчи мактабларнинг асосий вазифаларидан бири ақлан нуқсонли болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаб боришдан иборат. Оммавий мактаблар оингари, ёрдамчи мактаблар ҳам болаларда меҳнатга ниобатан турри муносабат шакллантириш ва уларда керак бўлган кўникма, маълумот тарбиялашдан иборат. Ақли заиф болаларни меҳнатга ургатиш жараёнларида ёрдамчи мактаб ўқитувчи қатор қийинчиликларга дуч келади. Психик жараёнларнинг яхши ривожланмаганлиги, кўникма, маълумотнинг кам шаклланганлиги, қизиқишларнинг бузилганлиги бу болаларнинг меҳнат фаолиятига киришиб кетишларига қаршилик, тўқонлик килади. Шу сабабли ақли заиф болаларнинг меҳнат фаолиятлари психологиясини урганиш алоҳида аҳамиятга эга. Ақли заиф болаларнинг меҳнат фаолиятларини муваффақиятли ташкил этиш учун, улар меҳнат фаолияти хусусиятларини билишимиз лозим. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг меҳнат фаолиятларини психологик таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, бу болалар меҳнат жараёнларида билиш қобилиятларининг, шахсий сифатларининг шаклланиб боришини етарлича тушуниётмас эканлар. Шу сабабли меҳнат фаолиятлари жараёнларида юқоридаги камчиликларни ҳам коррекциялаб бориш талаб этилади. Шунини таъкидлаб ўтмоқ керакки, меҳнатнинг қиши психологиясининг такомиллашишига бўлган ижобий таъбири масаласи жуда ерта мутахассисларнинг эътиборини торттиб келган. Ж.Ж.Руооо, И.Песталоцци, Я.А.Коменский ва бошқалар меҳнатнинг қатор ижобий томонларига алоҳида эътибор берганлари ҳолда, меҳнатнинг боле шахсий сифатларига таъбири масалаларини етарлича кўрсатиб бермаганлар. Бу масала олигофренопсихология тарихида айрим мутахассисларнинг диққатини тортган. Ёрдамчи мактаб ша-

ройтида қўл меҳнатига катта эътибор берган Жан Демор: "Қўл меҳнати ташаббуони қўзғайди, мияни ишлашга мажбур этади, диққатни қўзғайди ва проданинг шаклланишини бошқаради. Шундай қилиб, меҳнат интеллектнинг ривожланишида ва турли билимларнинг муотажам эгалланишида зарур қурол бўлиб хизмат қилади. "Деморнинг таъкидлашича, "ақли заиф болалар таълими билан шуғулланадиган ўқитувчи меҳнатни ўргата билиши керак." Ёрдмчи мактабларнинг дастлабки дастурларида ҳам меҳнатга алоҳида ўрин берилган эди. Е.К.Грачева, Г.И.Росоолимо, А.Н.Граборов, Г.М.Дульнев, М.И.Кузмицкая В.Ю.Карвялио, Е.А.Ковалева, С.Ш.Айтметова ва бошқаларнинг қатор ишларида ёрдмчи мактаблардаги меҳнат фаолиятининг турли қирралари, турли йўналишларда очиб берилган. Ақли заиф болалар меҳнат фаолиятлари кўп жиҳатдан уларнинг жиомоний ҳолатларига ҳам боғлиқ. Маълумки, фаолиятнинг барча турлари ҳаракат билан боғлиқ. Ҳаракат эса, жонли организмнинг функцияларидир. Ҳаракатлар туғма ва ҳаётда орттирилган бўлиши мумкин. Ҳаракатлар жойлашиш ўрнига кўра, жиомоний ёки ташқи, ҳамда ақлий ёки ички ҳаракат турларига бўлинади. Психологлар: Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин, Н.Ф.Талызина ишларининг кўроатишларича, болалардаги ақлий ҳаракатлар олдин ташқи сифатда шаклланиб, ундан кейингина ички шаклга ўтар экан. Масалан, боланинг олдин таёқчалар билан санашлари бунга мисол бўлади. Ёла улғайган оари таёқчалар унга керак бўлмай қолади. Мақоаднинг англаниш даражаоига кўра, "нега мен бунни қилаяпман" ва унинг натижаоига кўра, "бу нимага олиб келиши мумкин" биноан ҳаракатлар импульсив ва продали турларга бўлинар экан. Демак, ягона мақоадга бирлашган бўлиб, маълум ижтимоий вазифаларни бажарувчи ҳаракатлар йиғиндио фаолиятни ташкил этар экан. Ҳар қандай фаолиятнинг асооиди маълум билимлар ётганини эътиборга оладиган бўлсак, аксарият ақли заиф болаларнинг фаолиятлари оодда, камбағал, конкрет, мақоадга моо бўлмаган ҳолда кўзга ташланади. К.Д.Ушинокийнинг "Иноон қўли меҳнатоиз, боши фикроиз қолмаолиги керак, айни шу вақтда бош, кўрак, ахлоқ бузилади". Бу ибора ақли заиф болаларга том маънода тааллуқлидир. Ибн Сино "Худқ ақл билан бошқарилиши лозим" деганда эҳтимол маълум фаолиятни ҳам назарда тутгандир. Чунки, аксарият фаолият жараёнларида боланинг худқи намоён бўлади. Классик педагоглардан Юсуф хоо-Ҳожиб "Эҳтиёт бул, ўглинг бекор ўтирмаон, Мақоадонздар бутун умри, ишоз утирганларнинг"деб эътироф этган-

да жуда ҳақлидир". Ёрдэмчи мактаб ўқувчиларини мумкин қадар меҳнатовиз қолдирмаодик қерақ.

Савол ва топшириқлар

1. Психик жараёнларнинг фаолиятда шаклланишини миёсон асосида оўзлаб беринг.
2. Ақли заиф бола фаолиятининг тузилиши ҳақида оўзлаб беринг.
3. Фаолиятнинг турлари ҳақида гапириб беринг.
4. Ақли заиф болалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида оўзланг.
5. Фаолиятнинг психологик моҳиятини очиб беринг.

Адабиётлар

1. Рубинштейн С.Я. Психология умтовенно ототалого школьника. 1986, 146-149= бетлар.
2. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умтовенно ототалого ребенка., М., 1985, 58-63= бетлар.
3. Бўҳидов М. Болалар психологияси., Тошкент, 1982, 102-123= бетлар.
4. Шиф Д.И. Особенности умтовенного развития учащихоя вспомогательной школы, М., 1965, 310-330= бетлар.
5. Крутецкий В.А. Психология. М., 1980., 68-86= бетлар.
6. Антология педагогической мьолы Узбекокой ССР., М., 1986.
7. Пинский Б.И. Психология трудовой деятельности учащихоя вспомогательной школы., 1969., М.
8. Петрова В.Г. Практическая и умтовенная деятельность детей олигофренов., М., 1968.
9. Айтметова С. Ёрдэмчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари., Тошкент, 1984., 123-150= бетлар.

17- Б У Л И М . АҚЛИ ЗАМОН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСЛАРАРО
МУНОСАБАТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиики, ҳар бир одам маълум шахо оифатида одамлар қуршо-
вида яшайди. Оидадами, боғча ёки мактабдами, оидий ўқув юртидами,
иш жойидами у қандайдир одамлар гуруҳи, қандайдир жамоа билан
узига хоо мунооабатга киришади. Гуруҳ ва жамоалар ҳар доим узга-
риб туради. Конкрет шахо эоа, булаётган узгариларга моолашиб,
гуруҳ ва жамоадаги одамлар билан мураккаб узаро мунооабатларга
киришиши керак. Ҳар бир шахо ижтимоий мавжудот будганлиги ооаб-
ли атрофдаги бошқа одамлар билан узаро мунооабатга қиришмай туриб
мутлақо и яшай олмайди. Инсон шахсининг гуруҳ ва жамоадаги муно-
оабатларини ижтимоий психология фани урганади. Ижтимоий психоло-
гия таълимотида кура, икки хил гуруҳ фаркланади. Улардан бирин-
чиои шартли гуруҳ, иккинчиои эоа ҳақиқий, реал гуруҳдир. Одамлар-
ни маълум белгиларига қараб шартли гуруҳлар ташкил қилиш мумкин.
Масалан, ёшга, жинога, миллатга, каоага қараб ташкил этиш мумкин.
Болаларни ёш белгиларига қараб-боғча ёшидаги болалар, ўрта мактаб
ёшидаги болалар, ўсмирлар, катта мактаб ёшидаги болалар деб шартли
гуруҳларга бўлиш мумкин. Маълум жамиятда яшоб, одамлар билан ҳақи-
қий мунооабатга қириш йўли билан хооил булган гуруҳни реал гуруҳ
деб атаймиз. Масалан, ёшлар гуруҳи, талабалар гуруҳи, ишчилар
гуруҳи, оида ва шу қабилар реал гуруҳларга мисол була олади.
Маълумки, одамини меҳнат яратган. Шу сабабли, одамларнинг тарихан
биринчи реал гуруҳи меҳнат гуруҳлари булган. Реал гуруҳлар борган
сари кичиклашиб бораверади. Масалан, инсониятдан оунг миллат,
оинфлар, жамоа, оида оингари. Шахо шартли гуруҳдаги кишиларнинг
хам, реал гуруҳдаги кишиларнинг хам оўзларига назар писанд қил-
маслиги мумкин. Купчилик ҳолларда шахо уз и маноуб булган реал
гуруҳдаги кишилар билан турлича мунооабатларга қиришоа хам,
лекин уларни узига яқин тутиб, сирлашмайди. Шунинг учун шахо-
нинг шартли ва реал гуруҳлардан ташқари референт гуруҳи хам була-
ди. Ҳар бир шахо ўз референт гуруҳига эга булади. Референт гуруҳ-
даги одамлар шахога ҳар томонлама ёқади, шу сабабли шахо уларни
хурмат қилади ва гапларига қулоқ солади. Масалан, ўсмир на ота-
оиса, на оинф раҳбарининг гапларига мутлақо кирмаслиги мумкин.
Чунки ўсмирнинг кўчада ўз референт гуруҳи булади. Ана шунинг
учун тарбиячи, оинф раҳбари ва қолаверса, ота-оисалар болаларнинг

ишончларини қозонаб, яъни улар билан тил топиб, улар учун референт гуруҳ бўлиб олишга ҳаракат қилишлари зарур. Ташкил топган гуруҳнинг энг кичик шакли жамoadир. Жамoa деганде-умумий фаолият мақoadлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми ҳисобланган ва ана шу жамият мақoadларига тула бўйинган одамлар гуруҳини тушунамиз. Ҳар бир жамoa ўзидан қатта жамoанинг бир қисмадир. Демак, одамлар бутун умри давомида кишилар бирлигининг : кичик, даотлабки, шартли, реал, раомий, нораомий, референт гуруҳларида амалга ошади. Кишилар ораоидаги алоқалар ҳам турли мазмунда, шаклда бўлиши мумкин. Буларга ҳиссий мунооабатлар, иш юзасидан, қизиқишлар асосида ва бажарилар йулларига қараб буланишлар қиради. Ақлий нуқоонли болалар ҳам нормал болалар оингари меҳнат ва ўқиш фаолиятларида муомалага киришадилар. Синфда ўқувчилар фаолият бирлиги, қарашлар ўхшашлиги, қизиқишларининг бир-бирларига муо келишлари билан муомалага киришадилар. Шу оабабли, турли нораомий гуруҳлар юзага келади. Ақли заиф болаларнинг муомала гуруҳларининг шаклланиши ва фаолият кўроатиши ўзининг қатор хуоуоиятларига эга. Гуруҳларнинг оекин юзага келиши, уларнинг тургун бўлмаолиги, дифференцирлашмаганлиги билан ажралиб турали. Ақли заиф болаларнинг мактабга қелишлари билан раомий гуруҳларга бирлашадилар. Бу болалар бир қанча муддат бир-бирлари билан сезиларли даражада алоқага кира олмайдилар. Айниқоа, бу ҳиолатлар тормозланувчан, қооалликлари давом этувчи, шахои кўпол бузилган, оғир табиатли болаларда кўзга ташланади. Бу нарао уларнинг алоқаганигилишларининг йўқлигида, ташебуоларнинг етишмаолигида, болалар билан биргаликдаги ўйин ва ўқув фаолиятларга қизиқишларнинг йўқлигида намоён булади. Агарда нормал ўқувчиларда нораомий гуруҳлар фекетгина бошланғич оинфларда булса, ақли заиф болаларда ооа, бундай тургунсизлик ёрдамчи мактабни битиргунларича оақланиб туради. Шу билан бирга ақли заиф болалар гуруҳига кўп ҳолларда уткинчилик ва тургунсизлик хоо экан. Ақли заиф болаларнинг ёрдамчи мактабнинг I синфига қабул қилингандан бошлаб раомий гуруҳ ташкил топади. Ҳар бир ўқувчи ўқиш, меҳнат ва ижтимоий фойдали фаолиятлар билан боғлиқ бўлган қизиқиш, мақoadга эга булади. Ўқитувчи томонидан коррекцион таъсир натажасида болалар ораоида алоқа тикланиб, синф жамoаси ташкил этилади. Ёрдамчи мактабларда ҳам жамoa ташкил этиш мумкин. Бунинг учун умумий мақсад, унинг бажарилишини режалаштириш, нотикбол белгилан олиш, ҳамда

жамоани ривожлантириш йуллари аниқланади. Жамоа аъзолари эса, умумий мақсадга эришиш учун ҳаракат қиладилар. Шу жараёнда бир-бирларига яқиндан ёрдам бериб борадилар. Ақли заиф болалардаги мавжуд бўлган психофизик нуқсонларнинг оқибатида ўзлари муотакил тарзда мақсад қўя олмайдилар, уларнинг бажарилишини режалаштира олмайдилар. Шу осабали ёрдамчи мактабларда раҳбарлик ва коррекциялаш роли ўқитувчига қўлатилади. Ақли заиф болалар гуруҳлари ва жамоаларида оммавий мактаблардагидек, иш юзаидан ва шахсий алоқаларни шахолараро муносабатлар ташкил этади. Ақли заиф болаларнинг шахолараро муносабатларида қўйдаги хусусиятлар борлиги аниқланган. Синфларда ҳар доим ҳам нораомий лидерларни аниқлашнинг имкони бўлмайди. Оммавий мактабларда кўп ҳолларда расмий ва норасмий етакчилар бир шахода мужасоамлашган бўлади. Ақли заиф болаларнинг ақлий нуқсонлари кўп ҳолларда бунга имкон бермайди. Масалан, касаллиги давом этувчи тутқаноқ касали бор болани расмий етакчи қилиш мумкин эмас. Чунки, улардаги қасд олиш, қаҳрлилик хислати яхши натижаларга олиб келмайди. Иккинчидан, ақли заиф болаларда ўзларидаги нуқсонлари оқибатида мураккаб, шахсий, индивидуал кўринишлар мавжуд. Буларга болалар билан муомалага кириша олмаслик, мулоқотга бўлган талабларнинг паотлиги, ҳиссиёт-ирода ооҳаларининг қўпол тарзда бузилгани — лиги каби салбий сифатлар кириди. Буларнинг барчаси болалар орасидаги муомалани қийинлаштиради. Ақли заиф болаларнинг алоқа гуруҳларида баъзан тасодифан етакчилар кўзга ташланиб қоладилар. Шу билан бирга, баъзан етакчилар орасида оалбий шахсий сифатлар ташиб йрувчи ва ўз синфдошларига ёмон таъсир этувчи болалар ҳам учраб туради. Ақли заиф болалар орасидаги етакчилар ичида ҳам ижобий шахсий сифатларга эга бўлганлари ҳам учраб туради. Ўзларининг яхши ўқишлари, яхши хулқлари билан бошқа болаларга намуна бўладилар. Ақли заиф болалар орасида шундай болалар ҳам борки, уларнинг умуман ўроқлари йўқ, синфдошлари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳоллар ҳам учрайди. Ақли заиф болалар орасида жуда кўп майда гуруҳлар мавжуд. Оммавий мактабларга нисбатан ёрдамчи мактабларда яккаланиб қолган ўқувчилар тахминан 3—4 марта кўп учраб экан. Бу ҳислат, албатта нуқсон мазмуни билан боғлиқ. Аолида, жаззаки, тез таъсирланувчан, хафа бўлувчан, хулқи турғун бўлмаган ақли заиф болалар яккаланиб қоладилар. Ёрдамчи мактабнинг ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячиси шахолараро муносабатларининг психоло-

гик хуоуоиятларини яхши билишлари керак. Шахолараро мунооабатлар мазмунини ўрганиш асосида ҳар бир ақли заиф болани тулиқ ўрганиш мумкин. Бу билимлар таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда ёрдам беради. Жамоа аъзолари орасида оммавий туодаги ҳодилолар ҳам учраб турар экан. Бунга мисол қилиб жамоа орасидаги ижтимоий кайфиятни ва ижтимоий ваҳимани кўрсатиш мумкин. Жамоада юзага келадиган ижтимоий кайфият ниҳоятда катта ижобий ҳодилодир. Жамоадаги оммавий ҳодилоалардан яна бири ваҳимадир. Ваҳима жамоа аъзолари орасида жуда тез тарқаладиган ҳодилодир. Қандайдир бир шахо жамоада ваҳима таркатиб, жамоа аъзоларини алғоқ-далғоқ қилиб юбориши мумкин. Жамоа қанчалик ушган бўлоа, ваҳима шунчалик оскин тарқалади ва, аксинча, жамоа қанчалик ушмаган бўлоа, ваҳима шунчалик тез тарқалади. Бу каби ҳолатлар ақли заиф болалар орасида ҳам учраб туради.

Савол ва топшириқлар

1. Шахолараро мунооабат деганда нимани тушунаоиз?
2. Шартли ва реал гуруҳлар деб нимага айтаоиз?
3. Референт гуруҳни тушунтириб беринг.
4. Жамоа деб нимага айтаоиз?
5. Ақли заиф болалардаги шахолараро мунооабатларнинг хуоуоиятлари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умотвенно ототалого ребенка . М., 1985, 49-54= бетлар.
2. Крутецкий В.А. Психология., М., 1980., 67-68= бетлар.
3. Воҳидов М. Болалар психологияои., Ташкент, 1982., 91-102= бетлар.
4. Кузьмайте Л.И. Некоторые ообенности личных взаимоотношений у умотвенно ототалых детей младших классов., Ж.Дефектология, 1970., № 3.

Мамлакатимизда нуқоонлилар таълим-тарбияси бодаларнинг мах-
оуо мактабларга келгунларича бошланади. Нуқоонлилар махоуо бог-
чаларда маъдум билим-кўникмалар олишиб, сунгра тегишли махоуо
мактабларга юбориладилар. Ақли заиф болалар ҳам бундан муотасно
эмао. Махоуо мактабгача ёшдаги нуқоонли болаларнинг муасоавалари
етарли даражада эмаслиги сабабли, айрим болалар тегишли шифохо-
налардан, ўз уйларидан келадилар. Шу осаббли, табиийки бундай
болаларнинг умумий билим даражалари бир хил бўлмайдди. Ақли заиф
болалар богчаларида болалар атроф муҳит билан яқиндан таништари-
лади. Болалар элементар, оодда математик таовавур, билимлар би-
дан қуролланадилар. Махоуо богчаларда болалар қўл меҳнати билан
шуғулланадилар. Таовирий санъат жараёнлари : сурат чизиб, қороз
ишлари, конотрукциялаш каби ишлар билан таъйиб борадилар. Ақли
заиф болаларда уйин жараёнларида, махоуо машғулотларда худқи
ва фаолиятлари шакллантириб борилади. Шу жараёнлар орқали ақли
заиф болаларда сезгилар, иррада шакллантирилиб, улар характер-
лари шакллана бошлайди. Маъдум даражада бу болаларнинг идрок
қилиш ва тафаккур жараёнларининг уотирилишига эътибор берилади.
Уларнинг нутқи устада ҳам тегишли ишлар амалга оширилади. Шу
мазмундаги махоуо богчаларда олиб бориладиган тегишли тадбирлар
натижасида ақли заиф болалардаги нуқоонлар ниобатен коррекция-
ланиб, юмшатилиб мактабларга юборилади. Ёрдамчи мактаб ўқитув-
чи-тарбиячиларининг таълим-тарбиявий ишлари ҳам бирмунча енги-
лашади. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари ақли заиф болаларга турли
фанлардан билимларнинг асосларини бериб, ақли заиф болаларга
зарур булган меҳнат кўникма ва малакаларини бериб борадилар.
Ўқитувчилар ақли заиф болаларнинг дунёқарашларини шакллантириб,
уларга гоъвий, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний ва ақлий
тарбиянинг ҳаётий зарур булган элементар маълумотларини беради-
лар. Юқорида кайд қилиб утилган ҳар бир тарбия турлари осонлик-
ча қўлга киритилмайди. Бунинг учун ўқитувчи етарли даражадаги би-
лимлар тизимига эга бўлиши керак. Шу билан бирга ёрдамчи мактаб
ўқитувчиси ёрдамчи мактабларнинг махоуо вазифаси бўлган ақли
заиф болаларнинг ақлий ва жисмоний нуқоонларини коррекциялаш,
компенсация қилиш ишларини ҳам амалга ошириб боради. Бу каби
жуда мураккаб вазифаларни тўғри амалга ошириш учун нуқоонли
болалар психикасининг ривожланиш конуниятларини, ўзига хос

томонларини атрофлича билиш талаб этилади. Фақат нуқсонли бола психикасининг ривожланиш ҳуоусиятларинигина билиб қолмасдан, бадки нормал болаларнинг ҳам психик ривожланиш ҳуоусиятларини билишлари талаб этилади. Бош миялари органик зарарланиши оқибатида психикалари ҳам қатор ўзгаришларга учраган ақли заиф болалар билан ишлаш махсус педагогик маҳоратни талаб қилади. Урта мактаб ўқувчиларидан ёрдамчи мактаб ўқувчилар таркибининг асосий фарқи шундаки, агарда оммавий мактабларда билим савиялари бир-бирларига яқин болалар таълим оласалар, ёрдамчи мактаблардаги ўқувчилар ақлан заиф бўлсаларда, билим савиялари жиҳатидан бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Олигофренларнинг турли кўриниш ва шакллари учратиш мумкин. Шу билан бирга ёрдамчи мактабларда таълим олаётган болаларнинг барчаои ҳам олигофрен эмаслар. Бу мактабларда турли касалликларни мактабгача ешларида бошларидан кечириб натижаода юз берган ақли заифлар болалар ҳам билим оладилар. Шу осабади ёрдамчи мактаб ўқувчилар таркибини чуқур билиш асосидагина, бу тоифа болаларга махсус дифференцирланган ҳолдаги ёрдамни ташкил этиш мумкин. Ёрдамчи мактаб ўқитувчиси оммавий мактабдан фарқли равишда бутун синф билан турли шаклларда: фронтал, гуруҳли ва индивидуал шаклларда иш олиб боришга мажбур. Ёрдамчи мактабларни битириб кетган ўқувчиларнинг катанеотик маълумотларининг кўрсатишича, деярли барча ёрдамчи мактаб битирувчиси ҳаётда ўз уринларини топиб кетганлар. Барчаои турли жойларга ишга жойлашганлар. Муотақил ҳаёт кечирмоқдалар, кўпчилиги оила қурганлар.

Ёрдамчи мактабларда ишлётган олигофренопедагоглар тарбиявий, таълимий, коррекцион, ривожлантирувчи вазифаларни муваффақиятли амалга оширишлари учун ўзига хоо умумпедагогик талабларга жавоб беришлари керак. Бундай мазмундаги кўникма ва малакаларга ривожлантирувчи, ахборот берувчи, болалар эътиборини йиғиб бидувчи, мўлжаллаш каби хиолатлар киради. Қисқача шуларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Ёрдамчи мактаб ўқитувчиларининг ахборот берувчи, ёки ооддароқ қилиб айтганда билимлар асооларини бериш вазифаси. Ақли заиф болаларга тушунарли шаклда, ооддалаштириб, ихчамлаштириб илмий билимлар бериш тушунилади. Бундан асооий мақсад ақли заиф болаларда маълум ҳажмдаги билимлар тизимини шакллантиришден иборат. Билим бериш жараёнларида таълимнинг турли принципларидан,

методларидан, турларидан фойдаланиш тавоия этилади. Даро жараёнларида турли техника воситаларидан, кўргазма қуроолларнинг турли шаклларида, программалаштирилган таълимнинг айрим элементларидан кенг фойдаланиш тавоия этилади. Болалар билан ишлаш жараёнларида болаларга тушунарли, мантиқий, аниқ, қисқа, шўболали, жумлалардан уринли фойдалана билиш керак. Болаларнинг ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликларини текшира билиш, болаларнинг жавобларини тўғри баҳолаш билиш, болалар йул қўйган хатоларини тўғридай олиш каби малакаларга эга бўлишлари керак. Болаларнинг эгаллаган билимларини ўқув жараёнида муқтаҳамлай олиш малакасига эга бўлиш талаб этилади. Ақли заиф болаларга дарсда маълумотлар дарсда бериб қолинмасдан, балки болаларга бошқа шаклларида ҳам билимлар бера билиши керак. Болаларни музейларга, табиат қўйнига олиб чиқилганда зарур билимлар бера олиши талаб этилади. Ўқитувчи ақли заиф болаларни қишлоқ хўжалик ишлари билан таништира олиши керак. Ўқув устахоналарида, ўқув-ишлаб чиқариш майдонларида тегишли машғулотлар олиб бора билиши лозим.

2. Ёрдэмчи мактаб ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири, болалар эътиборини йиғи олишидир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ақли заиф болаларнинг диққатини бирор жойга йиғи билиши, болаларда таълимга, меҳнатга нисбатан қизиқишлар уйғота олиши, ўқувчиларнинг иш жойларини тайёрлай билишга ўргатиши, китоб ва дефтарлардан фойдалана олишни тушунтириши, каби вазифаларни бажара олиши керак. Ақли заиф болаларнинг олган назарий билимларини, амалда қўллай олишларини бошқара билиши керак: Синф жамоасини тўғри ташкил қила билиши, ўқувчиларни жой-жойларига тўғри тақсимлай олиши керак. Ўқувчиларнинг ишларини аниқ режалаштириб, унинг бажарилишини назорат қилиши лозим.

3. Олигофренопедагогнинг бу вазифалари ёш физиологияси, психология, педагогика ва мактаб гигиенаси фанларининг маълумотларига асосланган ҳолда, таълимнинг турли методларидан фойдаланиш орқали амалда оширилади. Ўқитувчи болаларнинг билим эгаллаш жараёнларини бошқара билиши керак. Шу билан бирга ўқитувчи даро жараёнларида муаммоларни вазиятлар ташкил қилиб, унинг бажарилишини кузатиш керак. Ўқитувчи болаларга саволлар бериб эски утилган маълумотларни эслаб олишларига ёрдэм бериб бориши керак. Бунинг моҳияти шундан иборатки, болалар ўйлашлари, фикр юритишлари, ҳаёл тереда фаёлят кўрсатишлари орқали ривожланиб борадилар.

4. Олигофренопедагогнинг мўлжаллаш функцияси, болаларда ўқув фаълиятига, ишлаб чиқариш ва касб меҳнатига ўзларининг интилишлари, шахсий мўйилликларига кўра турғун қизиқишлар тарбиялашдан иборатдир. Ўқитувчининг бу вазифаси, болаларда дунёқараш шакллантириш, уларни ғоявий, ахлоқий, эстетик, жиомоний ва бошқа тарбия турларида тарбиялаш орқали амалга оширилиб борилади. Ўқитувчи ташкилотчилик, алоқа ўрнатиш, таълим-тарбия, ўқувчиларнинг ривожланиш масалаларини мустақил еча оладиган бўлаши керак. Ёрдмчи мактаблардаги таълим-тарбиянинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятларига боғлиқ. Ўқитувчининг педагогик қобилиятларига, дидактик, ташкилотчилик, фикр олиниш, ифодали баён қилиш каби хусусиятлар киради. Ўқитувчининг дидактик қобилияти деганда болаларга билимлар бера билиш асосида, уларнинг тафаккурларини ривожлантириш тушуналади. Конструктив қобилият эва, ақли заиф болалар шахсини шакллантиришнинг омил саналади. Перцептив ёки идрок қилиш қобилиятлари эва, ақли заиф болаларнинг психикасини уларга мос тарзда тушуна билишни англаймиз. Экспрессив ёки ифодали баён қилиш қобилияти ҳам ўзига хоо аҳамиятга эга. Ўқитувчининг ўз фикрларини, билимларини, ҳис-туйғуларини нутқ орқали, мимика ва пантомимика орқали баён қилиб беради. Коммуникатив ёки алоқа қобилияти ўқитувчининг ҳар бир болага яқкам-яқка ёндашиши, уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиши, педагогик такт, этика каби ҳислатларда кузга ташланади. Олигофренопедагогнинг ташкилотчилик қобилиятлари жуда кўп муваффақиятларнинг гарови эканлиги ҳеч камда шубҳа уйғотмаоа керак. Ўқитувчининг педагогик қобилияти фақатгина муваффақиятли ишлашнинг гарови бўлиб қолмасдан, балки унинг натижаси ҳамдир. Ўқитувчининг педагогик қобилияти унинг психикасининг тузилишида, хусусиятларида ва ҳаракатларида кузга ташланади, шаклланади ва ривожланиб боради. Бу ҳислатларнинг барчаси ўқитувчи тафаккурининг, сезги ва идрокнинг синтезидир. Ёрдмчи мактаблардаги ўқитувчининг иш натижаларида нутқ ҳам алоҳида ўринга эга. Нутқда ўқитувчининг ўзига хоо ҳислатлари, ҳиссий ҳолатлари, билимлар оёваси кўриниб туради. Ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир кучи кўп жиҳатдан унинг нутқ бойлигига, ҳиссий жиҳатдан ифодаланишига ҳам боғлиқ. Ўқитувчилик маҳорати ўз касбини севиши, ўз устида ишлаши натижасида юзага келади. Олигофренопедагогнинг педагогик маҳорати мурраккаб ва турли қиррали-

дир. Педагог-дефектолог ҳар бир боланинг нуқсон тузилишини, унинг потенциал-имкониятларини кўра билиши даркор. Ҳаётдаги коррекцион-тарбиявий ишлар учун самарали шароит яратиши керак. Ёрдэмчи мактаблардаги ўқув-тарбия ишларида ўқитувчи фақатгина боланинг актуал тараққиёт даражасига воқеани қўлмасдан, балки унинг яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражага ҳам суяниши керак. Ҳаётдаги ўқитувчининг воқеий вазифаси шу яқин ривожланиш даражаларини тезроқ бир-бирига яқинлаштиришдан, яъни яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражани мумкин қадар тезроқ актуал даражага айлантиришдан иборат. Ҳаётдаги ўқитувчилар болаларни сезишлари, таълим-тарбиянинг назарий асосларини чуқур ағаллаган бўлишлари талаб қилинади. Олигофренопедагогнинг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга. Чунки, ёрдэмчи мактаб ақли заиф болаларнинг биринчи ва охириги билим масқанларидир. Ақли заиф боланинг шахс тузилишини шакллантириб беради. Болаларда маълум билимлар тизими, қарешлар, қизиқишлар, характерни шакллантиради.

Савол ва топшириқлар

1. Олигофренопедагог қайси оифатларга эга бўлиши керак?
2. Ёрдэмчи мактаб ўқитувчининг воқеий вазифалари нималардан иборат?
3. Педагогик маҳорат деб нимани тушунаёиз?
4. Педагогнинг ақли заиф бола шахсининг ривожланишидаги ўрни қандай?

Адебиётлар

1. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка., М., 1985, 136-143= бетлар.
2. Шербатов А.И. Психология личности учителя. -В сб.: Возрастная и педагогическая психология (Под ред. А.В.Петровского М., 1973.
3. Петровский А.В. Возрастная и педагогическая психология. М., 1979., 258-283= бетлар.

ЎЗ

19- Б У Л И М . ДЕФЕКТОЛОГЛАРНИНГ БИЛИШЛАРИ ЗАРУР БУЛГАН АЙРИМ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТГА ЭГА БУЛГАН МАЪЛУМОТЛАР

БОЛАЛАРДА ПСИХИК РИВОЖЛАНМАСЛИК ТУҒИЛИШИНИНГ ЭХТИМОЛЛИК ОМИЛЛАРИ (она томондан)

1. Эрозия, ҳоддан тойган, оифатониз овқатланадиган, кам таъминланган, маълумотониз аёллар.
2. Болалари тушиб қолган, кўп ҳомилали булган, болалари улик туғилган, туққандан кейин тез вақтларда болалари удиб қолган, 2000 граммдан кам вазнда болса туққан, ҳомиладор булганларига кўп вақт бепушт булган аёллар.
3. 16 ёшдан кичик ёки 40 ёшдан катта аёллар.
4. Оғир касаллик ва бузилишлар: ҳафахонлик, бактериурия, қанд, буюқ безлари фаолияти бузилганлар, тоқсоплазмоз, юрак ҳажмининг кичиклиги, марказий асос тизимининг дегенератив касалликлари, акли заифлик, буйрак касалликларини бошидан кечирган аёллар.
5. Ички жинсий аъзолар касалликларини бошдан кечирган аёллар.
6. Тоо оуяги кичрайган аёллар.
7. Меъёрдан ортқ чекувчи аёллар.

Ҳомилаликнинг кечик омиллари.

1. Ҳомилаликнинг 4 ойлигида ва ундан кейинги қон кетиш ҳоллари.
2. Қоннинг камайиши оқибатида кескин қон боғимининг паоайиб кетиши.
3. Ҳомила атрофидаги оуқлик миқдорининг ҳаддан ташқари кўплиги ва ҳомиланинг нуқсонлари.
4. Ҳомилаликнинг биринчи уч ойлигида онанинг юқумли касалликлар (цитомегалая, тоқсоплазмоз, қизилча,) билан оғриши.
5. Ҳомиладор аёлларнинг тоқсоқозлари.

Ҳомиланинг туғилиш вақтидаги омиллари.

1. Муддатидан олдин туғилган эгизаклар.
2. Ҳомиладорликнинг 34 ҳафтадан кам бўлиши.
3. Ҳомиланинг она қорнидалик вақтида киндигининг узилиши оқибатида кюлородониз қолиши, муддатидан олдин ҳомиланинг йулдошдан ажралиши, ҳомиланинг қон билан ёмон таъминланиши, тос суяги-

Бу маълумотлар Исаев Д.Н. "Психическое недоразвитие у детей", Л. 1982 кулланимисидан олинди.

нинг нуқоони.

4. Туғишнинг оғирлиги натижаида ҳомилани Кесерево йули билан олиш.

5. Катта оўрғичлар қўйиш.

6. Туғишдаги чақалоқнинг ёмон аҳволи: брэк уришларининг ўзгариши, нафео одишнинг нуқоони, муокуллар тонусининг нормал эмаолиги, рефлекслар бузилишлари ва тери рангининг ўзгарган бўлиши (цианоз)

7. Оғир аноксия, бош мияга қон қўйилишлар, гипербилирубинемия.

8. Жонлантиришнинг зарурлиги.

Илк чақалоқликдаги омиллар.

1. Кислород ва инкубациянинг зарурлиги.

2. Суриш, овқатланиш ва йиғлаш ҳолатларининг бузилиши.

3. Нуқсонли рефлекслар.

4. Ўз ва бугимларнинг асимметриялиги.

5. Сарик касаллиги, муокуллар тонусининг паотлиги.

6. Оч қолишни билмаслик, чи чақалоқ танаоининг етарли даражада ошмаслиги.

7. Қайд қилиш ва алаҳириш.

8. Тана аъзоларининг нуқсонлари ва турли жароҳатлар.

9. Менингит ва энцефалит касаллиги.

10. Оғир гипогликемия.

11. Гипернатриемия.

12. Бош мия жароҳатлари.

13. Тутқаноқсимон кўринишлар ва уни даволаш учун ишлатиладиган дорилар.

14. Ҳиссий жиҳатдан бузилишлар.

Чақалоқнинг 2 ёшгача бўлган ривожланишининг асосий белгилари.

Туғилган	Ўзи паотга қаратилганда тоо кутарилиб, тиззалар қорин оотига келади.
заҳоти	
4-6 ҳафталик	Онаоига қараб қулади.
6 ҳафталик	Ўзи паотга қаратилганда тоо кроватга тегади.
12-16 ҳафталик	Товушларга бошини бурайди, қулига тушган нарсаларни ушлаб қолади.

- 20 ҳафта -Нароаларга интилади ва ушлаб олади, қўлига ояғмоса ҳам ҳаракат қилади.
- 26 ҳафта Нароаларни бир қўлидан иккинчи қўлига ола билди, чайнайди, утирган ҳолда ёрдам учун қўлларини чўзади, орқа билан ётганда бошини кўтареди. Ўзи шаринлик ейди.
- 9-10 ойлик Кўроаткич бармоғини кўроатади, интилади, қўли билан ҳайрлашади, кийимларини кийишга ёрдам беради.
- 13 ойлик Нароаларни ташлейди, ёрдамсиз юради, алоҳида 2-3 та оузаларни гакира олади.
- 15 ойлик Ўзи овқатланади, идишни олиб ичади, катталар ёрдамиоиз столга қўяди, нарoаларни ташламайди, бироқ нарoаларни оғзига олаб боради.
- 15-18 ойлик Онасининг уйдеги ишлари: чанг арташ, ювиш йиғиштиришни бажаришга ҳаракат қилади.
- 18 ойлик Ҳожатга чиқишни оурайди.
- 21-24 ойлик 2-3 та оузаларни бирга талаффуз этади.

2 ёшдан 5 ёшгача болаларнинг ривожланишини баҳолаш.

Ёши	Кузатиладиган ҳаракатлар	Қобилият синовлари
2 ёш	Яхши югуради, оёғи билан коптокни уради, нарвондан юқори-паотга ҳаракат қилади, эшикни очади, раомларга қараб ҳикоя тинглайди, "оен", "менга", оузларини куллайди.	6 та кубикдан кран ясайди, тўғри чизик чизиб, айлана чизишга ҳаракат қилади, бир қанча нарва суратларни айта олади.
2,5 ёш	Икки оёқда оакрайди, исмини биледи, "мен" сўзини ишлатади.	8 та кубикдан кран ясайди, горизонтал, вертикал чизикларни нуҳа асосида чизади, ҳожатга чиқишни сурайди.
3 ёш	3 ғилдиракли велоопедада учади, бир оёғида тура олади, содда уйинларни уйнайди, қулларини ивади, квинида, ёшани, жиноини биледи, 3 та нарваини тўғри оанайди.	9 та кубикдан кран ясайди, 3 та кубикдан кўприк ясамоқчи бўлади, унг ва чап оёқларини алмаштиради, олмошни ишлатиши мумкин, "нимага" оаволини кўп беради.
4 ёш	Бир оёқда сакрайди, коптокни қул билан ташлайди, қайчи билан суратлар қирқади, 4 та тангани тўғри оанайди. Кўпчилик болалар билан уйнайди, бир ўзи ҳожатга боради, ўзича ҳар нарвалар тўқийди, яход қилади.	5 та кубикдан кўприк ясайди, қушиш белгисини ва айлана чизади, 2-4 қисмдан иборат, бошсиз одемнинг оуратини чизади. 2 та чизикчадан узунини ажрата олади.
5 ёш	Тебранади, оузларнинг моҳиятини сурайди, ечинио кийнади, уй ишларига қарашига интилади, 10 та тангани оанай олади.	Квадрат, учбурчақдан нуҳа кўчиради, 4 та рангни айтади, 2 та нарваининг оғирини биледи, 10 та сўзли гапни қайтаради.

Турли оилаларда олигофрениянинг туғилиш эҳтимолиги
(В.П.Эфромов ва М.Г.Блюмина, 1978)

Никоҳ тавсифи	Биринчи қаоал боланинг туғилиш эҳтимолиги, %	Кейинги нуқсонли боланинг туғилиш эҳтимолиги, %
Ота ва она ақдан нормал	1,3-5,0	5,0-16,3
Ота, онанинг бирортаои олигофрен	20,0-30,0	40,3
Ота, оналар олигофрения	60,0	83,5

Поихик ривожланмасликнинг турли куришиларда
дифференциал диагнозни аниқлаш учун қўллани-
ладиган соматик нуқсонлар

Қойлашиши	Соматик нуқсон	синдром
Қўл, оёқлар	Пропорционал бўлмаган қўл, оёқ	Бош миаянинг органик бузилиши
	Лопаткасимон кичик бармоқлар	Гаргоялизм
	Кушимча бармоқлар	Лоренца-Муна-Бадля
	Оёқларнинг бирикчи ва иккинчи бармоқлари кенг жойлашган.	Даун
	Кафт бурамалари	Даун
	Бешинчи бармоқлар калта ва эгри	Даун
	Ўоиб кетган қўл ва оёқ бармоқлари	Аперт, Эдвардо
	Муокул тонуоининг паотлиги	Даун ва қатор бошқалар
Терининг ҳолати	Ургимчакоюмн бармоқлар	Марфан
	Кофе-оут аралашмаси рангидаги доғлар	Тубероз склероз, нейрофиброматоз
	Экзема	Фенилкетонурия

	Қурук, доғли, оовуқ тери "Шагреновая" териои, танада ва оёқ-құлларда доғлар Тери ооти ёғ хужайраларининг шишлари	Кретинизм Тубероз оклеро-
Умуртқа	Юз гемангиомалари	Стерджа-Вебер
Соч	Кифоз Дағал Ялтироқ	Гурлер Кретинизм, Даун Фенилкетонурия
Қорин	Оддинга чиқиб туради, қатта- лашган	Кретинизм, Гурлер,
Жигар ва талоқ	Катталашган	Гурлер, галактозе- мия, Гоше қаоалли- ги, ва ҳ.қ. Элвр Клейнфельтер, Лорено Муна-Бидля
Тухумдонлар	Ривожланмаган	Даун, қизилча Турнер, Кретинизм
Драк	Туғма нуқсонларга эга	Даун, қизилча
Буйин	Қанотсимон бурмалар, буқоқ бези қатталашган	Турнер, Кретинизм
Тил	Ажинли, ооилиб турувчи Катталашган, ооилиб туради	Даун Кретинизм
Тишлар	Эмал зарарланган, кўк доғ- лар бор Кеч ҳосил бўлган, зарарлан- ган эмал	Ядроли сариқ қаоа- ли Ноаник
Бош	Катталашган	Тей-Сакс қаоалли- ги, гидроцефалия, Гурлер
	Кичак	Микроцефалия, туғма қизилча, онанинг нурланиш оқибати
	Шаклининг бузилиши	Краниоотенонинг барча тури
Оз	Катта кўзлар, текио бурун, қалин лаблар, қалин буртиб турган қошлар Думалоқ, ясои	Гипертелоризм, Гур- лер Даун, Кретинизм

күз	Қатарактлар	Туғма қизилча, галактоземия
	Макуляр дегенерация	Тей-Сако қаоаллиги, ва бoшқ..
	Пигментоз ретинит	Қатор синдромлар
	Куриш нервнинг атро-	Гурлер, Даун, ва бoшқа қа-
	фияси, оптик нервнинг тор	синдромлар
	шиши, Монголоид күз,	
	жуда кичик күз	
Қулoқ	Йуқ	Турля синдромлар
	Кичик ва паотга жойлаш-	Даун, Тернер
	ган	
	Карлик	Туғма қизилча, Гурлер,
		ноаниқ

К И Р И Ш	I
И Қ И С М	
Ақли заиф болалар психологияси фанининг умумий маосаллари	
1- Булим. Ақли заиф болалар психологияси фанининг пред- мети, мақоади, метод ва вазифалари	3
2-Булим. Ақли заифлик муаммоси ва ақли заиф болалар психикасининг ривожланиш хуосуиятлари	9
3- Булим. Ёрдамчи мактаб ўқувчилар таркибига тавоифнома берил	17
4- Булим. Ақли заиф бола ва ўқувчилар психикасини урга- ниш усуллари	30
5- Булим. Ақли заиф болалар олий асос фаолияти хуосуи- ятлари	40
П Қ И С М . Ақли заиф болалар билиш жараёнларининг хуосу- иятлари	47
6- Булим. Ақли заиф болалар сезги ва идрок хуосуиятлари	
7- Булим. Ақли заиф болалар нутқининг психологик хуосу- иятлари	53
8- Булим. Ақли заиф болалар таоввур ва хейл хуосуият- лари	63
9- Булим. Ақли заиф болалар хотира хуосуиятлари	68
10- Булим. Ақли заиф болалар диққати	75
11- Булим. Ақли заиф болалар тафаккури	81
Ш Қ И С М . Ақли заиф болалар шахси, унинг шаклланиш хуосуиятлари	
12- Булим. Шахо шаклланишининг умумий маосаллари	87
13- Булим. Ақли заиф болаларнинг хиссийет ва иродавий оифатлари	94
14- Булим. Ақли заиф болалар характер хуосуиятлари	101
15- Булим. Ақли заиф болаларнинг ўз-ўзларига бахо берил хуосуиятлари	107
16- Булим. Ақли заиф болаларнинг фаолият хуосуиятлари	115
17- Булим. Ақли заиф болаларнинг шахслараро мунооабат хуосуиятлари	122
18- Булим. Олигсфренопедагог шахси психологияси	126
19- Булим. Айрим дифференциал диагностик аҳамиятга эга булган маълумотлар (илова ўрнида)	131

На узбекском языке
К.К. МАМЕДОВ, Г.Б. ШУМАРОВ

Психология умственно отсталого школьника
Ташкент—"Укитувчи"—1994
Мухаррар А.Ахмедов.

Оригинал макетдан бошлангич руҳоват этиди 09.06.94.
формат 60x84/16. Ротапринт усулида бошланди.
Шартли б.л. 8, 14. Нашр л. 7, 41.
Нухазвоо. Буюртма 74.

"Укитувчи" нашриёти. Ташкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12-81-94.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент
"Иш Сино" компанияси нашриёт матбоса беравмашининг бошмахонаси.
Тошкент, 700200.
Рақам топ кўчаси, 10. 1994.

